

1-4
4

ШАРК ЮЛДУЗИ

R44D
1947, 1-4

1/4



1947

ТОШКЕНТ




ШАРК ЮЛДУЗИ

ОЙЛИК АДАБИЁТ ВА САНАТ ЖУРНАЛИ
ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ ЁЗУЧИЛАРИ СОЮЗИ

1/4
ЯНВАРЬ



ТОШКЕНТ
1947



СТЕПАН ШЧИПАЧЕВ

ШУШЕНДАГИ КИЧИК УЙ

ДОСТОН

Яна қор босқини, ҳаволар бузиқ,
Шушен осмонида на ой, на юлдуз.
Поёни йўқ Сибирь ётади чузиқ,
Қора бўрон сўқар кечаю-кундуз.

Партия тарихин оқ бўлмасида
У паллада ҳали йўқ тарих-йил, ой,
Фақат хаританинг бир чекасида
Топилар Минусин деган олис жой.

Ҳали кечар ўн йил мусибат ва ғам
Ёгингар октябрь тонги то отар.
„Аврора“ отажак замбараклар ҳам
Ҳали темир тупроқ, конларда ётар.

Шам ёнар, соялар титрайди секин...
Тинмас бу қишлоқда қор, бўрон дўқи,
Бунда, заҳмат чекар ва ўйлар Ленин,
Бу ердан, Шушендан ўтар ер ўқи...

Тун ярмидан кечган, дарча қордан оқ,
У ҳамон ёзади, ҳамон шам ёниқ.
Ўнтўққизинчи аср довуллари ошароқ,
Сени, йигирманчи аср, у кўрди аниқ.

Русия недан зўр-билар, кўнгли тўқ,
Ва кўрар келгуси нечиқ ярқироқ.
Ҳали ёзган сиёҳ қуригани йўқ,
Сузларга мангулик берди у, броқ.

Кўримсиз, кичик уй—олам чеккаси,
Лекин, деразаси аёздан нақшдор.
Бунда бутун Сибирь географияси—
Океандан Уролга қадар бари бор:

Мана, қор остида чеки йўқ ўрмон,
Мана, текис ва кенг кумуш саҳролар-
Ажралиб кўринар тоғ, дара, доvon,
Кийик шохларидай узан, дар'ёлар.

Оқарган варақлар эмас столда,
Балки ўша қорли, кенг рус даласи,
Бутун вилоятлар... аён жадвалда,
Ҳатто, якка отли қашшоқ кўраси,

Замбил девори ҳам қорда қийшайган,
Ўтган ҳафта ўлган бу уй хўжаси,
Ўша кун дун'ёга келдим бунда ман,
Унинг ҳисобида барча-барчаси...

Онам—гарчи бемор, ётар дармонсиз,
Лекин, мен тўғримда ўйлар, очар фол.
Эшик ҳам тўнгибди, қиров-армонсиз,
Ёғоч уй ичида ҳувуллаш шамол.

Сирли ва шумлироқ даҳлиз ваҳмаси,
Гоҳ бирдан ғижирлар, гоҳ жим ҳаммаёқ.
Лўмда қўпорилган таглик тахтаси,
Ҳозир кўринади фақат тўнг тупроқ.

Катта бобом янги уйланган кеча,
Шу тахтадан ўтмиш, ясан-тусан бут.
Қора кун келганда урилли теша,
Ва ундан ясалди отамга тобут.

Лекин, бари—ҳатто, мусибат ва ғам
Унинг жадвалида... чатнаб ёнар шам,
Майли, тун қоронғи, тинмас бўрон ҳам,
Бутун Русияни кўрар у шу дам.

Кўз олдида: Қозон, қинғир кўчалар,
Қадим кутубхона, Москва шаҳри ҳам.
Эсида: Петербург-узоқ кечалар,
Тошқирғоқ-кўкимтил Нева наҳри ҳам.

Оҳиста қўнғироқ—сўнг ҳозир уйда..
Ранг ўчган деворда соат осиглиқ,
Сониялар ўтар жим-жит, бир кўйда,
Вақт тошида занглик занжир босиглиқ.

Тунлар хилват Невск теварагида¹,
Хира жосуслардан адаштириб из,
У яна ишчилар тўгарагида,
Шогирдлар кўзига боқар гумонсиз.

Сотмас бундай кўзлар, келсада ажал,
Бу кўзлардан юрак куч олар кунда.
Русия, армонинг шуларда тугал,
Ишчи синф, сенинг ёшлигинг шунда!

2

Нақадар тиниқлик, оқ нақадар оқ!
Оқлик, тиниқликқа бирам ярашиқ—
Саян тоғлари ҳам букун ярқироқ,
Хаттоки, Шушндан кўринар очиқ.

Яхмалак устида уйим-уйим қор,
Қорнинг тиниқлиги кўзларга урар.
Бир тўп бола Ленин ёнида, қатор,
Куракларин туғдай кўтариб, юрар,

Унинг изларига тушар излари
Аёз ҳаволарда бирга олар тин,
Ленин номин, балки, дастлаб ўзлари—
Эшитарлар узоқ йиллардан кейин.

Қай бола азамат бўлиш истамас:
Қоши-кўзи қиров Ленин, ёнма-ён,
Ўзи ҳам гўдакдай кулар, басма-бас,
Кураклардан учар қорлар ҳам чаққон.

Русия тупроғи—кўз илғамас, кенг,
Бир четига учиб етолмас шамол,
Болалар ҳаёти утар бир хил, тенг,
Қайси бурчагига борма, бирдак ҳол.

Ҳали у пайт ҳаёт сўқур ҳар қалай,
Ажратар ўз ота ва онасидан.
Ўн ёшар Чапаев югурдак, малай,
Кун элтар савдогар чойхонасидан.

Енгил-елпи учар Уржумда илк қор.
Қаёнга қарама-ўрмонзор нуқул.
Етимлар уйида Серёжа ҳам бор²
Келажагин ҳали қайдан билсин ул?

¹) Невская застава.

²) Серёжа Костриков—Киров.

Тбилисида қадим гумбазлар тоши—
Ушалар, ўт ўсар кавакларидан.
Сталиннинг тўлиқ йигирма ёши,
Кечар пасқам кўча бурчакларидан.

Қалпоғини олар. Кавказ юксак, оқ,
Букун кўзларига кўринар бутун.
Қазбек чўққисидан эскан ел шу чоқ
Йвгит сочларида қўзғотар тўлқун.

Тутун ва ҳовурдан хира ёниб шам,
Гурунгларда баҳслар қизган айёми,
Унинг ҳар нутқида мисоли қасам
Дадил янграйди Лениннинг номи.

На Кавказ тоғлари, на Сибирь, сургун
Уларни ажратмас-учрар иковлон,
Минг йиллар бир сафда туришлик учун...
Броқ, чор-салтанат мудҳиш-беомон,

Сибирь сургунлари олис, ваҳмали.
Ўктам Будённийчи отлиқлар, тўп-тўп,
Чапаевчилар ҳам йўргакда ҳали.
Улар—Русияда кўкатлардай кўп.

Қуён изи тўлиқ қора ўрмонзор,
Қор тоғлари оша қуёш чиққан ёқ,
Ўрол қорларига кўмилган уй бор,
Унда биринчи кун яшар чақалоқ.

Онаси туш кўрар.
Изтироб унда,
Ёруғ келажакни фаҳм этай демас.
Шунчалик қоронғи ва совуқ тунда
Етим туғилсанг ҳам қўрқинчли эмас.

Тўнғмиш дарчаларда кеча ёққан қор.
Бутлар ҳам бурчакдан боқишар мунгли,
Ленинни билсайди гар онаи зор,
Ўғли деб бунчалик чўкмасди кўнгли.

Ҳануз уша ҳолат у турган уйда,
Ранг ўчган деворда соат осиглиқ,
Сониялар ўтар жим-жит, бир кўйда,
Вақт тошида занглик занжир босиглиқ.

Шошилмас, айлавар соатдаги мил,
Сокин рақамлардан кечади ҳамон.
Улгурар сония, улгуради йил,
Ҳам учар чархида замин-у-замон.

Замбил деворлару, болалик чоғи.
Ва қадимги йўллар қолиб кетдилар.
Инқилоб муддати, жанглар қийноғи
Сония-сония келиб етдилар.

Совуқ ва тез оқар Енисей буйида
Ҳали олис, хилват ўлкада юрдим.
Ленин турган ўшал музей-уйида
Иш стол ёнида бош эгиб турдим.

Бунда заҳмат чеккан,
Ишлаган Ленин,
Балки, мен турган жойда турган, неча гал.
Мен янги туғилган куним оқ, лекин,
Менинг тақдиримни у этганди ҳал.

Ўтди эсар ёшлик, улғайиб қолдим,
Сўнг, улуғ Октябрь тонги отган кун,
Не ҳовли-бир ўлка меросга олдим:
Дала, сув, тоғ, денгиз-туғал ва тўкин.

Ўз халқим шонини этганман қабул
Қизил туғ тағиде, йигит ёшимдан.
Қалпоғим тўзиган жангларда буткул,
Эшикдан кирмайин олдим бошимдан.

Таг тахтадан ўтдим кўп эҳтиёткор,
Кичик уйда нари-бери юраман.
Эзгу ва муборак сукут барқарор,
Гўё абадият, бунда, кўраман.

Лекин, бу сукуват сажда учун-мас,
Қасам'ёд учундир!.. Жанг ва тумтароқ—
Аниқроқ эшитилар бундан ҳар нафас,
Кўринади бундан ҳар кун ва ҳарчоқ:

Қадимий Кремль—қадимий девор,
Чўзилган Сталин қўли илгари:
— Сизга Ленин туғи бўлсин мададкор!
Асрларга кетгай янгроқлари!

Майи—юль, 1944 йил.

МИРТЕМИР таржумати.

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР
ҚЎШЧИНОР*

РОМАН

Сидиқжоннинг ҳадиги

Сидиқжон Қўғазорга келгунича йўл бўйи ўзини шу умид блан овутиб келди: аравадан тушуви бланоқ аҳволини ва тилагини Ўрмонжонга айтади; биринчи кўрган одамига шунчалик меҳр-оқибат кўрсатган Ўрмонжон унинг аҳволини кўриб яна ҳам кўпроқ меҳр-оқибат кўрсатади, шу арава блан уни Баҳрободга жўнатади, ўзи кузатгани чиқади, хайр-хўш қилганида „тузалишинг бланоқ бетўхтов қайтиб келгин“ деб қайта-қайта тайинлайди...

Броқ, шу умид блан бўлганида Ўрмонжоннинг хотинини унутган ёки негадир уни уйда бўлмайди деб ўйлаган экан шекилли, аравадан тушуви бланоқ, бу хотин ва унинг унга қилган муомаласи ёдига тушиб юраги гумириб кетди, унга ёмон кўз блан қараганини хотин пайқаманлиги блан шу чоққача ўзига тасалли бериб юрган бўлса ҳам ҳозир унинг пайқаманлигига ўзини сра ишонтираолмас, назарича, ҳозир кирса хотин уни энг камида қовоғини солиб қарши оладиган, агар ёмонликқа олса эрининг олдида бирон ёмон сўз айтиб, кейин ҳамма гапни очиб ташлайдиган кўринар эди. Сидиқжон ялангликда узоқ туриб қолди. Теварак-атроф жим, аллақерда чегиртка чириллар эди. Сидиқжон оёқ учиди юриб ўша ўзи кўрган айвоннинг эшигига борди ва қия турган эшикдан ичкарига қаради.

Ўрмонжоннинг хотини Тўхтанисо столга кўкрагини бериб хира чиронинг сарғиш шу'ласида худди ёш боладай „ола-мола, оламон-ола“ деб хижжалаб секин-секин китоб ўқиб ўтирар эди. У оёқ шарпасига бошини кўтариб қаради-да, ўрнидан турди.

— Ким? Кимсиз?— деди.

Сидиқжон ичкарига киришга мажбур бўлиб қолди.

*. Боши ўтган сонларда.

— Мен.. Ўрмонжонакам бормилар?—деди Сидиқжон. Бу саволни шундай важоҳат блан бердики Тўхтанисо қўрқиб кетиб эшикка томон бир неча қадам босди.

— Нима эди? Нима бўлди?—деди ва синчиклаб қараб Сидиқжонни таниди:— Қелинг... нима эди? Тинчликми?

— Тинчлик... Ўрмонжонакамда ишим бор эди. Қаёққа кетдилар?

— Номозгарда ҳосилот блан чиқиб кетган эдилар. Қачон келишларини билмайман.

Сидиқжон, узоқ йўлдан қора тортиб келган кишиси бу шаҳардан аллақачонлар кўчиб кетган бўлиб, энди нима қилишини ва қаерга боришини билмай қолган мусофирдек бўшашиб кетди. Шунгача унинг бетоблигини пайқамаган Тўхтанисо энди пайқаб:

— Тобингиз йўқми?—деди ва арқон кроватъни кўрсатди—Ўтиринг!

Сидиқжон, худди Ўрмонжондан бўлган бутун умидлари йўққа чиқиб, энди бу ерда вақтни бекорга ўтказмасдан бирон йўл топиш учун кўчага чиқиши зарур бўлгандай, стол ёнида турган курсига амонатгина ўтирди. Унинг кўзига қоронғи дала йўли, унда ўзи якка зўрға-зўрға қадам ташлаб, инқиллаб кетаётгани кўринди; кўнглидан „Бир сиқим тупроғим дала-тошда қолиб кетади“ деган гап ўтиб кўзига ёш келди.

— Нима қилди?—деди Тўхтанисо унинг дардини куч гумон қилиб— нима бўлди?

Сидиқжон анчадан кейин ўзини босиб олдию, ўпкаси тўлиб гапираолмай қолишидан қўрқиб, тез-тез гапирди:

— Нима бўлганини билмайман. Дўхтур хотинлар йигна тикишган эди, шу йигнанинг заҳри бор эканми... ундоқ десам бошқа ҳечким оғригани йўқ.

Сидиқжоннинг товуши ҳозиргина йиғидан тўхтагану йиғлаганига, тониб гапираётган кишининг товушига ўхшар эди.

— Қўрқманг, иним,—деди Тўхтанисо— укол ба'зи одамни шунақа қилар экан. Мен ҳам уч кун ётиб олган эдим. Эртага отдай бўлиб кетасиз. Чой дамлаб бераман. Туринг, каравотга чўзилинг.

Сидиқжон унинг гапидан ҳам, ҳаракатидан ҳам ҳеч нарса пайқамади; юзига қарагани қўрқар эди.

Тўхтанисо чой дамлаб келди. Сидиқжон бир пиёла чойни худди уграош ичкандай пўриллатиб ичди-да, чой оғзига ёқмаса ҳам, бир оз та'би очилгандай бўлди.

— Қишлоққа кетсам деб келган эдим. Ўрмонжонакам бўлсалар айтсам деган эдим. Худо шифо берса қайтиб келаман. Ўрмонжонакам йўқ эканлар. Энди ҳайронман...

— Ўрмонжон акангиз бўлсалар ҳозир жўнамоқчимидингиз?—деди Тўхтанисо ҳайрон бўлиб— ҳозир, яна шу аҳволда йўлга чиқиб бўлар эканми! Бугун ётинг. Эртага ҳам ўнғарилмасангизу кетаман десангиз бир гап бўлар.

Сидиқжон ўйлаб қараса, дарҳақиқат, башарти Ўрмонжон бўлган тақдирда ҳам ҳозир ундан арава сўраш тўғри келмас

экан. Шундан кейин бу кечани шу ерда ўтказадиган бўлдию Тўхтанисонинг яна бир мартаба кроватъга таклиф қилишини кутиб инқиллади; Тўхтанисо таклиф қилгандан кейин яна бир мартаба инқилладию туриб кроватъга чўзилди.

— Сиз китобингизни ўқийверинг, мен сизни китоб ўқишдан ҳам қўйдим.

Тўхтанисо хижолат тортгандай илжайди.

— Китоб ўқиш бўлмай ўладими! Ўрмонжон акангизнинг қилган ишлари-да! Шунча айтдим, тилим қотиб қолган, энди бўлмайди дедим... қаёқда! „Сен ўқимайдиган бўлсанг бошқаларни қанақа ўқитаман“ деб сра қўймайдилар. Мен-ку майли, чолларни айтинг, бечоралар оппоқ соқолларини силкиллашиб „ола-бола“ деб ўтиришса-я!

Сидиқжон Тўхтанисодан бирон оғиз ҳам ортиқча гап кутмагани учун бу гаплар бирон нарсанинг даромади эмасмикин деган шубҳа блан секин ер остидан унинг юзига қаради. Бу чоқ Тўхтанисо унга қараб лабининг бир чети блан жилмайиб турар эди. Сидиқжон шошиб қолганидан:

— Чоллар ҳам ўқишадими? — деди.

— Ҳа, ҳамма! Кампирлар ҳам! Ўрмонжон акангиз „Бу йил куздан бошлаб бармоқ босиш бекор, қўл қўймайдиган одамга ҳеч нарса берилмайди“ дедилар-да. Шу гап бўлган куни эртасига бир ғулу кўтарилди, беш-олти киши ишга чиқмади. Уртоқ Аҳмедовнинг олдига арзга ҳам боришпти. Ўрмонжон акангиз нуқул куладилар. Йўқ, кейин тинчиб қолишди. Авваллари ҳўп қизиқ бўлди. Ҳамма хижолат... Қапкатта одамлар жўрттага Ўрмонжон акангизнинг олдидарида ёш болаларнинг қилиғини қилишади. Зокирота деганимиз бор, шу киши биринчи куни мактабга ёғоч от миниб, орқаларига жилт осиб келдилар. Йўқ, кейинчалик ҳамма кўниб қолди. Лекин ҳозир ҳам уялишади. Бир ҳисобда ўқиган ҳам яхши: шу ерда ўтириб Тошканд, Масковда бўлаётган ишларни библиб туради киши. Мана бу ариқ иши бошланиб мактаб тўхтаб қолди.

Тўхтанисонинг бу гаплари ҳечниманинг муқаддимаси эмаслиги маълум бўлди. Лекин бу гапларни „ола-мола“ сидан хижолат бўлиб даф'и истаҳола учун айтдимиз ё меҳмон блан гаплашиб ўтириш, беморни овутиш учун гапирдимиз — библиб бўлмас эди. Ҳарқалай унинг бу хилда гаплашиб ўтириши Сидиқжонга нисбатан қўнглида ҳеч қандай гинаси йўқлигини, ҳатто Сидиқжон бемаҳалда келгани ва касал ҳолда кроватъни банд қилиб ётгани малол келмаганлигини кўрсатар эди. Сидиқжон энди бир қадар хотиржам бўлганида Тўхтанисо яна унинг қўнглига ғашлик солиб қўйди: у, столнинг нариги бурчида турган китобини олмоқчи бўлиб, кроватъ ёнидан ўтиши керак бўлган ҳолда столни айланиб ўтди. Бу, Сидиқжоннинг фаҳмича „Қўшним ўғри бўлса ўзимни эҳтиёт тутаман“ дегани эди.

Ташқаридан кимдир „Ўрмонжонака“ деб чақирди, ҳаял ўтмай эшикдан илжайган калла намоён бўлди.

— Келинг, Тожибойака, — деди Тўхтанисо ва ирғиб ўрнидан турди. — Қани, бу ёққа.

Тожибой барваста гевдасига номуносиб бир тарзда мушукдай мулойим қадам ташлаб стол ёнига келди; қўлидаги тугунчани столга қўйди-да, Сидиқжонга қараб кўзлари олайиб кетди.

— Ийе! — деди худди ҳозир унинг устига ўзини ташлайдигандай бир вазоҳат блан — нима қилди? Ўрмонжонакаммилар?

— Йўқ, меҳмон, — деди Тўхтанисо совуққина.

— Бундоқ денг-да. Кайфим учиб кетди-я! — деди Тожибой ва ёқасини катта очиб кўкрагига уч мартаба туфлади. — Бугун кўрган эдим, ҳайрон бўлдим... Худо кўрсатмасин... Меҳмон дедингизми?

Тўхтанисо яна меҳмон дегани ўнғайсизланиб.

— Сидиқжон, товлари қочипти, — деди.

Тожибой даррав энгашиб Сидиқжоннинг юзига қарадию, худди унинг афти ма'қул бўлмагандай, совуққина:

— Э, ошна, нима қилди? — деди ва ундан жавоб кутмасдан Тўхтанисога мурожаат қилди: — Анзиратхоланинг уйига шу киши борадими?

— Ҳа, шу киши.

Тожибой яна Сидиқжоннинг юзига қарадию анчадан кейин:

— Ўрмонжонакам бирон ёққа кетдиларми? — деб сўради.

— Йўқ. Чиқиб кетган эдилар. Ишингиз бормиди? — деди Тўхтанисо.

Тожибой курсига ўтираётиб, худди жуда қизиқ нарса тўсатдан эсига тушгандай, пияз этиб кулиб юборди.

— Ўрмонжонакам хўб аломатлар-да, жуда-жуда аломатлар, — деди, лекин унинг нимаси аломат эканлигини айтиш ўрнига, Ўрмонжоннинг иш биларманд ва ғайратли эканлигини, шундай ақлли одам раис бўлса ҳар қандай колхоз ҳам гуллаб кетиши, Қўшчинор колхозига унинг пой-қадами ёққанлиги, у келгандан бери Капсанчилар қишлоғининг ҳатто бод-ҳавоси ҳам ўзгарганлиги тўғрисида гапирди; сўнгра унга куч-қувват, ғайрат берган нарса унинг оилавий хушбахтлиги деган мазмунда гапириб, бу гапдан Қўшчинорни Қўшчинор қилаётган Ўрмонжон бўлса, Ўрмонжонни Ўрмонжон қилган унинг хотини деган хулоса чиқарди. Сўз Ўрмонжон ҳақида кетаётганда бу гапларнинг ҳаммаси хушомад деб қовоғини солиб ўтирган Тўхтанисо ўзи ҳақидаги мақтовга келганда оғзининг таноби қочиб:

— Мен нима қилибман... менда нима гап... ҳеч-да... — деди.

— Хотин, яхши хотин эркак кишининг бўйни, — деди Тожибой бу гапларга зўр мароқ блан қулоқ солиб ётган Сидиқжонга юзланиб — яхшиликка бурадиган ҳам бўйин, ёмонликка бурадиган ҳам бўйин. Шундоқ эмасми?

Сидиқжон ўрнидан туриб ёнбошлади. У ёмон хотиннинг жафосини тарта-тарта жонида жон қолмагандай „нимасини айтасиз“ деган мазмунда бош чайқайди.

— Қани энди ҳамма хотин ҳам сиздай бўлса! — деди Тожибой Тўхтанисога зўр ҳавас блан қараб.

Тўхтанисо хижолат тортиб ерга қаради.

— Менга нима қипти...

— Қандингизни уринг-да! Ўрмонжонакам чизган чизигингиздан чиқмайдиларми? Чиқмайдилар! Ё чиқадиларми?

Илжайиб турган Тўхтанисо бирдан жиддий тус олди.

— Нега, ихтиёр ўзларида.

Тожибой бу гапни қўпол тарзда айтганини фаҳмлаб силлиқлади:

— Тўғри, ихтиёр ўзларида, лекин сизга маслаҳат соладилар, маслаҳатингизга юрадилар-да, яхши маслаҳат берсангиз юрмайдиларми? Йўлингизга юрганлари, чизган чизигингиздан чиқмаганлари шу-да?

— Яхши маслаҳатга ҳамма ҳам юради, — деди Тўхтанисо.

— Тўғри, лекин яхши маслаҳат ҳаммадан чиқавермайди-да. Бизнинг хотинлардан ҳам чиқса-чи! Яхши маслаҳат эмас, бир оғиз бама'ни гап — анқога шафи'!

Тожибой ўзининг хотинини ёмонлаб кетди: жуварини сочмасдан туялмайди, сув қайнатса ҳам тагига олдириб қўяди, боласининг бурни ҳамма вақт оқиб туради, ўлгундай ишлайдию табельчи меҳнат куни ёзмаса ҳам индамайди, насиҳат қилинса эснайди, сочидан сузмаҳалтанинг ҳиди келади...

— Ўзига ҳам қийин, менга ҳам қийин! — деди Тожибой. — Қийин, жуда-жуда қийин! Сиздай синглимиз бўлсаю биз шунақа қийнаlib ўтирсак...

Тўхтанисо кулгидан лабини йиғиштирсмай ерга қаради.

— Мен нима... мен нима қиламан...

— Шунинг қилинганга солиб бермасангиз бўлмайди, синглим. Бир сингиллик қилинг! Ҳа, айтгандай, келинингиз сизга ўрик бериб юборган эди. — Тожибой тугунчани очиб ўрикдан иккитасини Сидиқжонга узатди. — Заб ўрик экан-да. Ариқ битиб, сув сероб бўлиб боғ-роғ қилганимизда албатта шунинг данагидан экамиз... Шундай қилинг, синглим, келинингизни рўёбга чиқаринг. Сизга, сиздай хотинга бу ҳеч гап эмас. Унинг сизга ҳеч оғирлиги тушмайди. Сиз блан бирга бўлса бас. Одамнинг одамга акси уради. Ҳамма гап мана шунда. Буни келинингизнинг ўзи ҳам билади. „Тўхтанисо опам блан бирга бўлсам иш билар эдим, гап билар эдим, тушунган хотин бўлар эдим“ дейди. Сиз блан бир бригадада бўлса бас. Мен шу тўғрида Ўрмонжонакамга гапирмоқчи эдим, менга „Йўқ“ десалар... йўқ демайдиларку! Мабодо йўқ десалар сизнинг айтишингиз ноқулай бўлиб қолади деб индаганим йўқ. Буни сиз айтсангиз яхши бўларди. Шундоқ қилинг, секин айтинг... Сизнинг маслаҳатингизга юрадилар, сабабки сизнинг маслаҳатингиздан ҳеч қачон куйган эмаслар. Хўпми?

Тожибойнинг бу гапларидан кейин Тўхтанисо эрининг ишига ҳеч қачон аралашмагани ва аралашмишга ҳадди сигмаганлигини айтишга номус қилди; номус қилдию „хўп“ деди, лекин шу блан кўнглига жуда катта ғашлик тушди. Тожибой, гўё у хўп десадемаса шу ишни қилишидан кўнгли тўқ бўлгандай, унинг жавобини кутмасдан, Сидиқжонга мурожаат қилди:

— Тобиңгиз қочгани ёмон булпти-ку, ошна! Анзиратхोलаниң уйга қачон борасиз? Борасизми?

Сидиқжон бошини яна ёстукқа қўйиб жавоб берди:

— Қишлоққа кетиб, тузалганимдан кейин қайтиб келмоқчиман.

Тожибой, худди фавқул'одда бир ҳикмат эшитгандай, оғзини ва кўзларини катта очиб Тўхтанисога қаради. Тўхтанисо Сидиқжонниң сўзини эшитмаган ва ўз уйи билан бўлиб бошқа ёққа қараб ўтирар эди. Шундоқ бўлса ҳам Тожибой „бу гапниң фаҳмига етдиңгизми“ деган мазмунда унга бош иргитиб қўйди. Сидиқжон бу гапниң нимаси Тожибойни бу қадар ҳайратга солганини билмай қолди.

— Шунақами? — деди Тожибой ундан яна шунақа зўр гап кутгандай катта ихлос билан унинг юзига тикилиб, — қишлоқда кимниңгиз бор?

— Онам бор, укам бор.

Тожибой дарҳол ма'юс қиёфага кирди.

— Ўҳ-ўҳ-ўҳ! Ҳа-она-я! Онаи зор! Шўрлик она ҳозир қандай тушлар кўраётган!. Уй-жойиңгиз борми?

Сидиқжон кўзига ёш келиб, зўрға жавоб берди:

— Бор.

— Ийе! Онангиз бўлса, уй-жойиңгиз бўлса... давлат-ку! Нима қиласиз мусофирчиликда? Ўзиниңгизни мусофир қилиб, онангизни мусофирдай қилиб... Ҳозир ҳам унча билинмайди — янги келгансиз, ўзингиз якка битта уйда турсангиз, бошингиз мана бунақа ёстукқа тегса... бир қўлум сувга зор бўлиб „вой“ деганиңгизда „қаеринг оғрийди“ дегудай киши бўлмасдан ётсангиз... Бундан ёмони борми! Анзиратхолам ҳам юраги торгина бир кампир, бўлар-бўлмасга хархаша қиладиган... уйи ҳам гўрға ўхшайди.

Шундан кейин Тожибой мусофирчилик қандай ёмон эканлиги, бу тўғрида кимлар нималар дегани, ҳозирги замон одамларида гўё бир-бирига меҳр-оқибат қолмаганлиги, Анзиратхोलаниң фе'латвори ва ким билан уришганию унга нималар дегани, алла қаердаги ғарибгўристонлик тўғрисида гапирди. Бу гапларниң ҳаммасини Сидиқжонга жуда хайр-хоҳ бўлиб, дам-бадам унинг пешонасини ушлаб кўриб, қўлини силаб гапирди. Сидиқжонниң кўзига қабр сингари қоп-қоронғи ва тор уй, қайнонаси сингари ўлгундай баджаҳл ва шанғи кампир, ўзиниңгиз бемор ётгани, ўлгани; фақат бўйра солинган ва усти очиқ тобутда тўрт киши кўтариб кетаётгани кўриниб кетди. Сидиқжон шундоқ бўлдики, агар иситмаси баланд бўлмаса, Ўрмонжонни кутмасдан ҳозир Баҳрбодга пиёда жўнаб кетар эди. Тожибой чуқур уф тортиб ўрнидан турди. Тўхтанисо уни кузатиб қайтганида Сидиқжон ёнбошлаб пешонасини ушлаб сукут қилиб ўтирар эди.

— Сидиқжонака! Ҳа?

Сидиқжон пешонасини уқалаб:

— Ҳеч... — деди ва кўзини артганини билдирмаслик учун юзини силади.

— Унинг гапларига қулоқ солманг. Бу гапларни сизга куйганидан гапиргани йўқ, Сизнинг ўша Анзиратхоланинг уйига боришингиздан хавотир. Анзиратхоланинг уйида Канизак деган боши-очиқ бир жувон туради. Бу қуруб кетгур ўшанга қизиқиб юрпти деб эшитаман. Сизни ўша ерга бормасин деб бу гапларни гапирди. Анзиратхола бўлар-бўлмасга хархаша қилади дегани бекор гап, уйи ҳам ҳеч кимнинг уйдан қолишмайди.

Тўхтанисо фақат Анзиратхола ва унинг уйи тўғрисида гапиргани учун Сидиқжон ўйлаб қолди: „менинг у ерга боришимдан бу одамку хавотир эмасдир, бошқа уй топилгунча яна уч-тўрт кун шу ерда туриб қолишимдан сен хавотирдирсан. Бу ҳам „қўшним ўғри бўлса ўзимни эҳтиёт тутаман“ деганинг эмасмикин? Иш қилиб эрингга айтмаган бўлсанг бас. Айтган бўлсанг ҳам силлиқроқ қилиб айтгандирсан, бўлмаса мени бунақа қарши олмас эдинг“. Сидиқжон индамади. Тўхтанисо, Тожибой буйнига қўйиб кетган ишдан та’би хира бўлганлиги учун бу тўғрида яна гапириб Сидиқжонни дурустроқ ишонтириш юрагига сиғмади. Сидиқжон унинг бошқа гапирмаганидан яна ҳадиксиради.

Сидиқжон шу ётганича пинакка кеткан экан, бир вақт кўзини очиб қараса тепасида Ўрмонжон турипти. У кўзларини катта очиб Ўрмонжоннинг юзига тикилган ҳолда ўрнидан турмоқчи бўлган эди, Ўрмонжон елкасидан босди..

— Қимирлама, қимирлама! Хўш, нима қилди? — деди унинг ёнига ўтириб — укол ёқмапти-да. Ҳеч нима қилмайди. Бир сен эмас, яна етти киши шунақа ётипти... Дуруст, дуруст, хурсандман. Касал бўлганингга эмас, яхши йигит чиққанингга! Баракалла! Хўп қўрқибсанда? Жуда қўрқоқ экансан-ку! Эрталабгача дуруст бўлиб қоласан.

Сидиқжон ҳамон унинг юзига тикилиб бирон нарса пайқашга тиришар эди. Унинг вазоҳати шундоқ эдики, Ўрмонжон уни беҳуш гумон қилиб икки елкасидан ушлаб силкиди.

— Ҳа, мунча! Нима бўлди? Ҳушинг жойидами? Қаеринг оғрийди?

Сидиқжон унинг муомаласи ва муносабатида ҳеч қандай ўзгариш йўқ эканлигига ишонганидан кейин хурсанд бўлганидан илжайди.

— Ҳеч қаерим оғримайди, дуруст бўлиб қолдим.

— Нега бунақа бақрайиб қарайсан?

— Бақрайганим йўқ... Сизни кутиб ухлаб қолибман.

— Хўш?

— Қишлоққа бориб келайми деган эдим.

— Шу аҳволдами? Бекор айтибсан!

Унинг жаҳл блан „бекор айтибсан“! дейиши Сидиқжоннинг кўнглидаги ғашликни буткул ювуб ташлади. У бирдан енгил тортди.

— Бир-икки кун туриб тузалганимдан кейин келсам деган эдим.

— Нега, бу ерда тузалиб бўлмас эканми?

— Бўлади... Ҳар қалай қишлоқда онам бор, укам бор.

— Бу ерда ҳеч кимим йўқ демоқчисанми? Фақат шунинг учун кетмоқчимсан?

Сидиқжон ўзини бу қадар ташвишга солган ёлғизлик, кимсасизлик, Тожибой айтгандай вориб-мусофирлик туғрисида гапирмоқчи бўлган эди, сра оғзи бормади; бу туғрида гапирса Ўрмонжон қаттиқ уришиб берадиган ёки қаҳ-қаҳа уриб куладигандай эди.

— Бошқа нима бўлар эди?

Ўрмонжон бўйинини силаб уйлаб қолди-да, бирдан сўради:

— Фақат шуми?

— Шу.

— Йўқ, ростини айтавер, агар...

— Йўқ, жон ака, — деди Сидиқжон бошини кўтариб, — бошқа ҳеч нарса кўнглингизга келмасин. Сўранг, ҳаммадан сўранг, Зияёдахон опам айтсинлар. Агар кўнглимда кетиш бўлса...

— Биладан, биладан, кўнглингда кетиш бўлса бунақа ишласмас эдинг. Лекин яна сўраган яхши-да.

— Йўқ, Ўрмонжонака, мен сизга ҳали айтганим йўқ сиз менинг кўнглимни билмайсиз. Мен кетаман деганимки, мабодо узоқроқ ётиб қолсам...

— Ҳа, узоқроқ ётиб қолсанг нима бўлар экан? Бировга оғирлигинг тушадими? Шунинг андешасини қиласанми? Битта сенинг оғирлигинг шунча одамга бир мисқолдан ҳам тушмайди. Колхозчилик, ука, колхозчилик! Буving андешасини қилма!

— Мен нима бўлсам шу ерда, шу одамлар блан бўладан, Ўрмонжонака. Сиз сабаб бўлдингизу мен яна тўпимга қўшилиб олдим. Энди ўлар-ўлгунимча тўпимдан айрилмайман. Мен сизга ҳали айтганим йўқ, кўнглимни билмайсиз.

— Кўнглингни билиб оларман. Колхоз нима эканлигини сен ҳам билиб оларсан. Ҳечқаёққа бормаيسان. Қишлоқ қа бир бориб онангни хотиржам қилиб келишинг керак, лекин бу кунларда эмас. Ўзим айтаман. Хўбми?

— Хўб, шунчалик десангиз худо хайр берсин...

Ўрмонжон ўрнидан турди. Сидиқжон Анзиратхоланинг уйидан бошқа уй топилмасмикин деб сўрагани оғиз очдию сўрамади. Ўрмонжон унинг бир нима демоқчи бўлганини пайқаб;

— Ҳа, нима демоқчисан? — деди.

— Айтганингиздай эрталабгача дуруст бўлиб қоладиганга ўхшайман. Ҳозир ҳам дурустман. Иситма ҳам унча эмас.

— Алабатта—деди Ўрмонжон унинг пешонасини ушлаб кўриб—ўзинг ҳам жуда қўрқоқ экансан-да! Ичкуёв деган шунақа нозик бўлиб қоладими?

Сидиқжон кулди.

— Қўрқганим йўқ, Ўрмонжонака... Айтгандай, Анзиратхолам блан гаплашиб қўйганмисиз?

Ўрмонжон ялт этиб унга қаради.

— Отини ҳам билиб олибсан-ку. Анзиратхоланг ҳар кўрганида мендан сени сўрайди.

Сидиқжон унинг ра'йини билиш учун:

— Эртага ўша ёққа бора қолсам, — деди.

— Кўрамиз-да, тузалсанг борасан.

Ўрмонжон шу гапни айтдию тўхтамасдан чиқиб кетди.

Сидиқжон ундан бундай жавоб кутмаган эди. Бу жавобни эшитиб қўрқиб кетди. „Бундан чиқдики хотини ўша гапни айтган, лекин жуда-жуда ётиғи блан айтган экан. „Хайрият ҳам бошқа жой тўғрисида оғиз очмаганим!“.

Сидиқжон пешонасига бир муштлаб кўрпага ўралди.

(Давоми келаси сонда).

МИХАНЛ ШОЛОХОВ

УЛАР ВАТАН УЧУН ЖАНГ КИЛДИЛАР*

Кўприк олдини мудофаа қилиб турган қўшилманинг жангчилари душмanning олти бор қилган шиддатли ҳужумини қайтарди, немис пиёда аскарлари блан танклари тепалик орқасига чекинишди, шундан кейин, пешинга яқин, жанг майдонига бироз жимлик чўқди.

Бутун олдинги марра бўйлаб гумбирлаб турган артиллерия отишмаси, снарядларнинг портлаши ҳамда пулемёт ва автоматларнинг тараклаши жимигандан кейин, бу қўққисдан пайдо бўлган жимлик Звягинцевга жуда ҳам эриш ва ажиб туйилди... У, бошидан оқиста каскасини ечди, терлаб ва лой бўлиб кетган юзани гимнастёркасининг енги блан ҳорғин артди, кейин ўз товушига завқ блан қулоқ соларкан:

— Мана жимиб ҳам қолди... — деди.

У, бу жимликдан ниҳоятда ҳузур қилди ва бошини бироз қинқайтириб, болаларча, зўр диққат блан окоп четидаги дўмчадан оқиб тушаётган тупроқнинг шитир-шитирига анчагача қулоқ солиб турди. Қум ҳамда майда-увоқ кесаклар дўмчанинг ёнбағридан саряқ сувга ўхшаб оқиб тушаркан окоп ичига тик қуюлар ва Звягинцевнинг оёғи остида уюлиб ётган гильзаларга тегар ва гильзалар эса гуё ер остида жиринглаётган қўнғироқчалардай ҳазин бир оҳангда жиринглаб эди. Қаердадир, яқингинада, чегиртка чирқиллади, — шу он Звягинцев ўз диққатини тортган бу янги овозга бурилди. Битта қизғич ари, дўриллаб қолган эски чархнинг овозига ўхшаган қўпол овоз блан гўнғиллаб окоп устидан бир айландида кейин қопқора тук босган оёқларини чўзиб окоп четидаги дўмча устида очилиб турган саҳро гулининг шохига қўнди. Звягинцев, тез-тез кўзларини пилпиллатар экан, чанг босиб кетган ва тебранаётган гулга, ва ниҳоятда ажойиб ясанган арига зўр диққат блан қараб турди. У, буларга шуқадар зўр диққат блан қарадики гуё умрида биринчи марта кўраётгандек эди, кейин у, бирдан ҳайрон бўлиб бошини орқасига ирғитди: майингина эсаётган шамол эса унинг қулоғига қаердандир, анча олисдан, бедонанинг тоза ва янграган товушини олиб келди...

* Боши журналийнги 1946-йил 9-чи соннда.

Қуёшда қуриб қолган кўкатларнинг шитир-шитири, газак гулининг товланиб турган оппоқ баргларининг гўзаллиги, иссиқ ҳавода гўнғиллаб, физ айланиб юрган ари, бедананинг ёшлигидан таниш бўлган ёқимтой сайраши, ҳаётнинг мана шу майда икир-чикиридаги яшаш оҳанги Звягинцевни ҳам хурсанд қилди, ҳам тангирқотиб қўйди: „Гўё жанг бўлмагандай, ажойиб бир ҳол!— ҳайрон бўлиб ўйлади у. — Ҳозиргина ҳаммаёқда ажал балоси ўкириб юрувди, энди бўлса худди тинчлик вақтидагидай бедана „бит-билдиқ“ отаяпти, қолган барча қурт-қурмисқалар ҳам ўз иши блан банд... Ажойиб ишлар!“

Атрофга аланг-жаланг қилиб қараб турган Звягинцев шу он, гўё босинқираган-дахшатли тушдан ҳозиргина уйғониб атрофдаги оддий нарсаларга кўзи тушиб бениҳоя қувониб турган одамга ўхшар эди. Звягинцевнинг бу жимликка кўнқиши ва буни ўзлаштириши учун яна бирозгина фурсат керак эди. Броқ бу жимликдан яхшилик кутиш мумкин эмас, — бу худди момоқалди роқ бўлишидан олдинроқ бўладиган жимликка ўхшар эди, — агар бу жимлик яна бироз чўзилсами — эҳтимол Звягинцев гумириб кетар эди, лекин ҳадемай, чап флангда пулемёт қисқа-қисқа очеред бериб тарақлаб, тепалик орқасидан эса немисларнинг оғир миномётлари отиб қолди, мана шундан сўнг бу қисқагина жимлик жанг майдонига қандай қўққисдан чўккан бўлса яна худди ўшандай қўққис ғойиб бўлди.

Ўқ ташучи-ёшгина, Звягинцевга унча таниш бўлмаган қизил аскар — окопнинг орқа томонидан эмаклаб келди, у, халлослаб ва уф-уфлаб:

— Ўқ-дори олиб келдим. Хўш, соқол, ўқдан оласанми?—деди.

Звягинцев малла соқол қоплаган иягини кафти блан силаркан ҳафа бўлиб сўради:

— Хўш, нега мен соқол бўлай! Нима мен сенга, чолми?

— Чолликка-ку чол эмас сан-а, шунга яқинроқ, ўлгудек соқолинг ўсиб афти-ангоринг бузилипти. Бўл, ўз улишингни ол!

— Соқолим ўсса ўсар... Бунақа чекиниш блан пардозу андоз қилиб бўлсан, тушинмоқ керак буни ақилвой, ёшим бўлса ҳали унча кекса эмас, — деди хафақон Звягинцев ва мойланган ўқлар тўла илиқ, оғир халтани титиб.

Звягинцевнинг бу гапларига унча аҳамият бермаган сўзамол ўқ ташучи деди:

— Сенга ўзи нима бўлди, ота, худди араванинг кегайига ўхшаб букчайиб окопда ўтирибсан? Немис бўлса кўринмаса, отишманинг ҳам мазаси йўқ, бундоқ офтобга чиқиб, кексайган суякларингни иситиб ҳузур қилсанг бўлмайдимми!

„Ота“ ва „Кексайган суяк“ деган сўзлар Звягинцевга унча ёқмади, у афтини буриштирди ва заҳардек қилиб деди:

— Хўш, йигитча, нега энди, агар немис кўринмаса ва отишманинг мазаси бўлмаса, ўзинг бошингни чотяннга тикиб эмаклаб юрибсан?

— Мен бунга одатланиб қолганман, — деди кулиб ўқ ташучи. — Мен бу ҳунарим орқасида эмаклаб юришга худди ўрмаловчи ҳай-

вонларга ўхшаб жуда ўрганиб кетдим, тикка юришни эсимдан чиқариб қўймасам, деб қўрқаман. Ҳаммавақт ўзимдан беихтиёр эмаклаб қоламан...

— Аҳмоқнинг шохи-мугузи бўлармиди, тик юришни эсингдан чиқариб қўйсанг ажабланарлик ҳечқиси йўқ, — деди завқ блан Звягинцев.

Звягинцевнинг камоли зерикканидан, бу хушчақчақ бола блан гаплашгуси келди ва, ҳамма вақт ёш жангчилар блан гаплашганда ўзидан беихтиёр овозида пайдо бўладиган кичик кўнгилик ва ғамхўрлик оҳанги блан, сўради:

— Йигитча, сен учинчи ротадан эмасмисан? Башаранг та-нишга ўхшайди менга.

— Учинчидан.

— Фамилиянг нима?

— Утишев.

— Уйланганмисан, Утишев?

Ўқ ташучи „йўқ“ деб бош чайқади да кулимсиради.

— Ҳали ёшман, урушга қадар уйланишга улгирмадим.

— Шунақа, улгирмапсан... Агар ўқ ташучи бўлиб ишлаверсанг юришни ҳам унитиб қўясан, урушдан кейин уйланмоқчи бўлсанг, бутун яхши одамлар қиладиган ишни бирёққа қўйиб, я'ни ўз оёғинг блан бориш ўрнига, ҳарбий одатинг эсингга тушиб кетиб, қаллигинг олдига эмаклаб бориб юрмагин. Қиз, жонон, бўлса сендақангги куёвни кўриб ҳушидан кетиб қолади! Келиннинг отаси бўлса сени йўғон сўйил блан боплаб елкангга туширадида: „Ҳа ўша сен, палон-писмадон, келиннинг обруйини туширма, аблах! Одамларга ўхшаб юр!“ — дейди.

Утишев ўқ солинган туника қутини қайишидан тортар экан кулимсираб туриб деди:

— Пахмоқ соқол бўлсанг ҳам ўлгудек айёр экансан ўзинг... Менинг кўп бошимни айлантирма, гапингга қулоқ солганим блан ўқларни ҳам ҳисобини қилиб турибман. Бас, етар! Битта сен отармидинг.

Звягинцев нимадир демоқчи бўлди, броқ Утишев бўлса нариги окопга қараб эмаклаб кетаркан орқасига қайрилмасданоқ, насиҳат омиз ва жиддий бир тусда деди:

— Сен, соқол, иқтисод қилиброқ, мўлжаллаброқ от, ҳадеб тўғри келган томонга қараб ўқ узаверма. Қариганингда қизларни ҳам камроқ ўйла, шундай қилсанг қўлинг ҳам қалтирамайди...

Бу кутилмаган сўздан алам қилган Звягинцев жавоб қайтариш учун сўз тополмай қолди ва бироздан кейин унинг орқасидан бақирди:

— Қанақа қилиб отишни катта онангга ўргат, ҳў сен манқал Утешив кулимсираб, орқасига ҳам қайрилиб қарамай, ўқ солинган қутини қайишидан судраб эмаклаб кетди. Звягинцев унинг орқасидан икки курагининг нақ терлайвериб шўрлаб кетган ерига, елкасидан ўтказиб олган қайишига, офтсбда оппоқ оқариб-ўнгиб кетган гимнастёркасига нафрат блан қараркан хафа бўлиб ўйлади: „Одамлар ҳам ўлгудек бема'ни булиб кетаяпти, шу ҳам

одаму, садқайи одам кет! Худди Петька Лопахинга шогирд тушганга ўхшайди... Аттанг, Микола Стрельцовнинг йўқлиги чакки бўлди. Бундай гаплашадиган тузук-қуриқ бирорта одам ҳам йўқ*.

Звягинцев, йўқ дўстини эсларкан, ўзининг солдатлик хўжалигини тартибга солди: оёғи остида уюлиб ётган гильзаларни улоқтириб ташлади, бўйничага ўхшатиб юмолоқ қилиб ўраб олган шинелини тузатди, котелогини кўкат блан артиб тозалладида окопнинг ўқ қўядиган ўрасига қўйиб қўйди; окопини яна бироз чуқурлатмоқчи бўлувди бирдан яна шу метиндай тақир ерни бел-курак блан кавлаш эсига тушиб кетиб, — унинг а'зойи бадани бунга мон'лик қилди ва шундан кейин у, бирданига қўлларини ҳолдан кетиб зил-замбил бўлиб оғирлашганини пайқади ва бу масалани қат'ий ҳал қилди: „Кавламасам ҳам бўлади, ахир мен қудуқ қазияпманми! Ажалинг етган бўлса қудуққа тушиб олганинда ҳам гирибонингдан бўғиб чиқади“.

Сийраккина оппоқ булут парчалари ниҳоятда секин ва лекин салобат блан шарққа қараб сузиб борар эди. Оппоқ булут парчаси бир лаҳзагина қуёш юзини тўсганда ҳам ҳаво салқинла-мас эди; мисдек қизиган ер ҳаро'ат блан нафас олар, ҳатто окоп-нинг соя томони ҳам шуқадар қизиб кетган эдики Звягинцев окоп деворига суянишга жирканар эди.

Окоп ичи гуё ҳаддан ортиқ даражада кизитиб юборилган ҳам-момдек нафасни бўғучан дим; қаердандир пайдо бўлган пашшалар хиралик блан гингиллашар эди. Иссиқдан дармони қуриб, ҳол-сизланган Звягинцев бўйинчага ўхшатиб ўраб олган шинелининг остига қўйиб анча ўтиргач ўрнидан турди, мудраб кетаётган кўзла-рини кафтининг орқа томони блан ишқади, шикастланган ва ёниб кетган танкларга, саҳрода чўзилиб ётган немисларнинг ўликларига, олис тепалик орқасидаги Доннинг оқиши бўйлаб шарққа томон кетган катта йўл устида пайдо бўлган ва осмонга кўтариб сил-жиб бораётган қорамтил чангга тикилиб қаради; „Нимадир қилиш-моқчи бу ла'нати фрицлар, — деб ўйлади у, чанг ҳаракатини кузатаркан. — Мадад кучлари келаяпти чоғи, роса тўзитишди. Янги кучларни келтиради-да, перегруппировка қилишади, бояги биз берган зарбанинг оғриғи босилгандан кейин яна осилишади. Ўлгудек қайсар, сўрбет экан бу ла'нати немислар! Броқ биз ҳам одамнинг увоғи эмасмиз, биз ҳам бошлаб „жонинг чиқадиган ер қаер“ деб уряшни ўрганиб олдик, энди яна осилиб кўрсин, чу-нон ҳам боппайликки бурнини артолмай қолишсан. Энди бу уларга қирқ биринчи йил эмас! Аввало роса ҳавлиқишди, бас энди!“ — деб ўйларкан Звягинцев ўзини юлатар эди, кейин у, Лопахин шикастлаган таңқни кўзидан кечирди.

Ҳалигина даҳшат солиб турган кўкниш танк энди бўлса ёнбо-шига қинқайиб, замбарагининг оғзи катта очилиб абадий жимиб турар эди. Танк люкидан ирғиб тушган ва оёғидан автоматдан ўқ еб йиқилган биринчи танкист эса қулочини кенг ёзиб танк гусенидасининг ёнида ётар ва унинг тугмалари ечилиб кетган мундирининг этагини шамол ялқовлик блан ҳилпиратиб турар эди: иккинчиси эса — Звягинцев ўлдиргани — ўлим олдидан анча

нарига танкдан эмеклаб борди. Звягинцев бурганларнинг сийрак шохлари орасидан муккаси блан чўзилиб ётган иккинчи танкистнинг қора сочли гежгасини, кулранг кўйлагининг енгини тирсагигача шимариб олган ва олға қараб чўзилиб қолган қора қўлларини, қуёшда ялтираб турган нағалини ва ботинкасига қоқилган михларнинг оппоқ бўлиб ейилиб кетган юмалоқ бошларини кўрди.

— Бу иссиқдан кечгача анави мен ўлдирган ҳам ва бошқа ўликлар ҳам шишиб, сасиб кетади. Ана ўшанда кўрасан жийшини... — негадир Звягинцев овозини чиқазиб деди ва бурнини жийриб афтини буруштирди.

Унинг а'зойи-бадани дуркираб кетди ва у нақ баҳордан буён, жангларда ҳам, юришларда ҳам, ўликларнинг полкка ҳамма вақт йўлдош бўлиб келаётган кўнгилни беҳузур қиладиган қўланса ҳидини эслаб гуё тани музлаб кетаётгандек елкасини қисди.

Бир вақтлар, ҳали Звягинцев ёш ва тажрибасиз солдат экан вақтларида, ўзи ўлдирган душманнинг афтини кўришга жуда-жуда қизиқар эди, энди у вақтлар алла қачонлар ўтиб кетди; ҳозир бўлса ўзи отиб ўлдирган ва нарироқда чалқанча чўзилиб ётган йўгон танкистга бепарво қарар ва фақат биргина нарсани орзу қилар эди: олти соатдан буён жуда ҳам жонига теккан мана шу тор окопдан тезроқ чиқишу бирор жойдаги янги похол ғарами орасига кириб икки кечаю кундуз кўз очмай, тўйиб ухлаш.

У, дарҳол, ҳозиргина янчилган жовдори буғдой похолнинг иссиқ ҳидини хаёлига келтирди ва бу эса унинг юрагини ширингина гумиртиб юборгач у яна окоп ичига ўтирди, бошини орқасига ташлаб кўзларини юмди. Унинг уйқуси келар ва унинг кўзларини юмиб келаётган бу уйқуни қочириш учун ҳатто Лопахин блан ҳам жон-жон деб гаплашар эди, лекин Лопахин, немисларнинг тўртинчи ҳужумидан кейин эҳтиётдан қазиб қўйилган окопга ўтиб кетган ва ҳозир эса у, бу ердан анча нарида эди.

Уйқу блан ўнгнинг фарқи қолмайдиган мудроқ босган чоқда Звягинцев хотинини, болаларини, ўзи ўлдирган кўк кўйлакли немис танкистини, МТС директорини, қандайдир нотаниш, шариллаб штоб блан оққани учун остидаги ранг-баранг майда шағаллари сийқаланиб кетган саёз бир сойни кўрди... Соё ўзини тик қирғоққа уриб қутирар, борган сари кучлироқ гувиллар эди, Звягинцев зўрға уйғонди, кўзини катта очди: унинг устида, баланд осмонда, ўз моторларининг гувиллашини анча орқада қолдириб, ўзимизнинг олтига қиручи аэропланларимиз учиб борар эди.

Звягинцев жуда ҳам дангалчи одам эди ва мана шунинг учун ҳам у, авиациямизни ҳамма вақт мақтамас ва ҳар доим ҳам севмас эди, агар авиациямиз ердаги қўшинларни осмондан қўриқлаб турса ёки унинг қўз олдида душман позициясини бомбардимон ва штурм қилган чоқларидагина авиациямизга унинг кўнгилида анчайин муҳаббат уйғонар эди; мана шунинг учун ҳам шиддат блан учиб кетаётган қиручи аэропланларни уйқисираган кўзларини сузиб совуққина кузатди-да ва ғазаб блан гўлдиради:

— Яна кечикдиларинг! Бизни немис аэронланлари бомбардирмон қилиб, тепамизда хира пашшадек айланиб юрганда, балки сизлар кофе ичиб, ит терисидан қилинган валенкаларингни кийиш блан овора бўлгандирсизлар, энди бўлса, тўйдан кейин ногора қилиб, қуруқ парвоз қилишга устасизлар, давлат ёнилғисини бекорга исроф қиласизлар... Сизлар қиручи эмас, бензин исрофчиларисиз, тушундингизми?

У, ўз газабини охиригача тугалмади — немислар артиллерия тайёрлигини бошлаб юборяшди, шундан сўнг олдинги маррага шуқадар снаряд ёғилдики Звягинцев шу оннинг ўзидаёқ қиручи аэропланларни ҳам ва дун'ёдаги бошқа барча нарсаларни ҳам мутлақо унитди...

Тепалик орқасидан отилган юзларча снарядлар блан миналар ҳуштак чалиб, гумбирлаб, чинқириб, окоплар олдига келиб тушиб ёриларкан қора тупроқ блан тутунни осмонга фонтан қилиб шопирар, бусиз ҳам иланг-биланг қилиб қазилган мудофаа линиясининг атрофида снаряд ўйиб ташлаган сон-саноқсиз чуқурлар бор эдию бу гал яна бешбаттар қилиб энига ҳам, бўйига ҳам қўш солгандек қилиб ҳайдаб ташлади. Снарядлар шуқалар тез, кетмакет ёрилар эдики, бу артиллерия отишмасидан ларзага келиб титраб турган ер ҳам тўхтовсиз гувиллаб турарди.

Звягинцев кўпдан буён буқадар кучли ўт остида қолган ва кўпдан буён буқадар даҳшатли қўрқувни бошидан кечирган эмас эди... Снарядлар блан миналар шу қадар тез ва шуқадар кўп ёғилар ва борлиқ эса борган сари тўхтовсиз гувиллаб, қутириб борар эдики бошида ўзини анча дадил тутган Звягинцев охири довлигини йўқотди-да бу дўзахдан омон чиқишга ҳам ақли бовар қилмай қолди...

Уйқусиз тунлар, ниҳоятда ҳориганлик ва олти саот давом қилган жангнинг оқибати эҳтимол ўз ишини қилган бўлса, окопнинг чап томонига, яқинроққа келиб тушган йирик калибрлик снаряд портлади ва шундан кейин яраланган қўшнисининг жанг суронини босиб кетган қисқагина фиғони янграгач Звягинцевнинг ичида гўё нимадир узилиб кетгандек бўлди. У бирдан сесканиб кетди ва окопнинг олдинги деворига кўкраги, елкаси, қолаверса ўзининг бутун йўғон гавдаси блан ёпишли ва, панжаларининг учини музлатиб қўлини мушт қилди, кўзини катта очди. Бу гумбир-гумбирдан ер гўё безгак тутаётгандек титрар, қалтирар, ларзага келар эди, ўзи ҳам тўхтовсиз какраб титрар экан портлашлардан худди унинг ўзидек титраб турган ерга жон-жаҳди блан ёпишар, ундан ўзига паноҳ излар ва бу паноҳни тополмагач, илгарилари, кимни-кимю, аммо Иван Звягинцевни ўз ери албатта, ҳар қандай болодан ва ҳатто ўлимдан ҳам қутқариб қолди деган кўнглидаги ишончга мана шу онларда томомила барҳам берди...

Фақат бир лаҳзагина унинг хаёлида: „Окопни чуқурроқ қазини керак эди“ деган ўй чақмоқдек „ялт“ этиб қолди, — кейин унинг фикрлари чувалашиб кетди да хаёлида юрагини очкўзлик блан кемираётган қўрқувдан бошқа ҳеч нарса қолмади. Терлаб-ивиб кетган, даҳшатли сурондан қулоқлари гаранг бўлиб битиб

қолган Звягинцев кўзларини юмди, ўзидан бенхтиёр йўғон қўлларини тиззалари орасига ташлади, бошини эгди ва, негадир какрага ўхшаб тақир бўлиб кетган тулугини зўр азоб блан ютиб юборгач, озпоқ оқариб кетган лабларини пичирлатиб, дуо ўқий-бошлади.

Бир вақтлар, ёшлигида, қишлоқдаги черкав мактабида ўқиб юрган чоқларида, кичкивагина Ваня Звягинцев байрам кунлари онаси блан черкавга борар ва кўп дуоларни ёддан билар эди, броқ ўшандан буён узоқ йиллар мобайнида ҳеч қандай сўров блан худони безавта қилмади, билган ҳамма дуоларини унитди—энди бўлса қисқа, броқ йнод блан ўзи билганича пойма-пой дуолар ўқир эди: „Худоё, ўзинг сақла! Худоё худовандо, ўз панонингда сақла, ёш жонимга раҳминг келсин!..“

Оғир ва ҳаддан ортиқ узоқ туюлган не-не минутлар ўтди. Отишма тинмади... Звягинцев бирдан бошини кўтарди, яна қўлларини шуқадар куч блан мушт қилдики панжалари қисирлаб кетди, ҳар бир портлаш вақтида анча анча тупроқ тушиб турган окоп деворига шошган ва газаб блан ялтираб турган кўзларини тикаркан жон-жаҳди блан бақариб сўкина бошлади. У, шундай боплаб сўкиндики, агар буни бу соҳада жуда ҳам устаси фаранг бўлган Лопяхин эшитгандами, албатта ёқасини ушлаб қолар эди. Броқ бу ҳам унинг кўнглини кўтараолмади. Шундан сўнг у жим бўлиб қолди. Аста-секин унинг қалбини оғир бепарволик чулғади... Каскасининг тердан ивиб кетган ва сирпанчиқ бўлиб қолган томоқ қайишини иягидан чиқардида кейин каскасини ечди, соқол босиб кетган кўкиш-кулранг яноғини окоп деворига тиради, хорғин, лекин қат'ий равишда ўйлади: „Тезроқ ўлдирса бўларди...“

Атрофда, чанг ва тўзон, портлаш чоғида пайдо бўлган сариғиш олов ҳамда тутун ичида, ҳамон уруш сурони гумбирлар эди. Одамлари ташлаб кетган хутор эса тамом ёнар. Алангаси буруқсаб турган уйлар устида қопқора тутун кенг қанотини ёзган ва окоплар устида сузиб юрган перох қурумунинг аччиқ ҳидига чўчала бўлган ёғоч ҳамда похолнинг қўланса, нафасларни бўғучи ўткир ҳиди қўшилиб кетган эди.

Артиллерия тайёрлиги ярим соатдан сал кўпроқ давом этди, аммо Звягинцев, шу ярим соатлик вақт ичида, бир ўлиб, бир тирилди. Охири унинг кўнглида шундай аҳмақона бир орзу пайдо бўлди:— окопдан тик чиқиб, окопларга борган сари яқинлашиб келаётган қопқора қалин ўтга қараб, тепалик томонига чопиб кетиш эди, лекин у, бу бема'ни хсҳишдан ўзини зўр куч блан аранг ушлаб турар эди.

Немис артиллерияси энди мудофаннинг орқа томонини ўтга тутабошлади ва ёниб турган хуторда тез тез ёрилаётган снарядлар жадал блан портлар ва, бундан ташқари, анча олисдаги майсазорда ўсган иман дарахтини тўпга тутаркан:— мана шу ярим соат ичида озиб, кўзлари киртайиб ва қариб қолган Звягинцев— каскасини кийди, милтигининг чанг босган затвори блан мўлжал-

та оладиган рамкасини енгя блан артди ва окопдан бошини чиқариб қаради.

Олисда, тепаликни ошиб, танклар ҳимоясида жуда куп немис пиёдалари келар эди. Звягинцев моторларнинг олислиги учун анча мулойимлашган гувиллашини, атакага келаётган немис солдатларининг ҳархил оҳангдаги ҳайқириқларини эшитди ва нафасини буғиб келаётган нарсанинг енгиб ташлаганини ўзи ҳам сезмади-да шундан сўнг анча дадиллашиб қолди. Броқ ҳамон унинг юраги тез-тез уриб туришига қарамай энди унинг қалбида ҳалигина ҳукмрон бўлиб турган саросима ҳамда ваҳманинг изи ҳам қолмаган эди. Уйдим-чуқур тепачалардан лапанглаб ўтиб келаётган танклар, овозининг борича ҳайқириб ўзларига далда бериб келаётган немисларнинг ҳаммасини яққол кўриб турар эди, мана шунинг учун ҳам Звягинцев, кўпдан ўзи кўникиб қолган бу манзарга бепарво қараб тураверди. Бу балога қарши курашса бўлар эди. Энди, бу ерда иш Иван Звягинцевга ҳам боғлиқ; иссиқдан ақлдан озаёзган немис тўпчиси бирор дайди снаряд блан қачон окопимнинг абжагини чиқараркин деган хаёл блан калласини чоига тикиб ва қўлларини қовуштириб, ноумид, жонидан кечиб ўтирмайди, аксинча камада у энди мудофаа қилади...

Звягинцев сувдонидан илиқ, балчиқ ҳиди келиб турган сувдан бир-икки қултум хўпладида кейин батамом ўзига келди ва ўзининг шуқадар қаттиқ хумори бўлганини биринчи бор сезди, папирос ўрашга улгираолмаслигини ва тўйиброқ бир-икки ҳам тортолмаслигини эслаб ниҳоятда афсусланди. Ҳозиргина ўз бошидан кечирган қўрқувни ҳамда дуолар ўқиганини эслаб, гўё бегона, бошқа бир киши тўғрисида ўйлаётгандек, минг афсус ва надоматлар блан: „Ла'натилар, одамни нималарга олиб бордия!“ — деб ўйлади. Кейин кўз олдига Лопахиннинг масхара қилиб кулиб турганини келтирди-да шу ондёқ масалани олдинданоқ ҳал қилиб қўяқолди: „Бу ҳақда оғиз ҳам очмаслик керак, Петрга айтишдан худо сақласин, агар билиб қолса менга кун бериш уёқда турсин, тириклай ғажиб ташлайди! Тўғри, мендақангги партиясиз одамга дин ман' қилинган эмасу, ҳарҳолда унча яхши бўлади...“

Звягинцев ҳозиргина бошидан кечирганларини ўйларкан ўзида қандайдир ички ҳаяжон сезди-да уялиб кетди, аммо ўзини оқлаш учун унинг вақти ҳам йўқ эди ва ўзи ҳам буни истамади, шундан кейин барча бўлиб ўтган ишларга фикран қўл силтади-да ўзидан уялиқираб томогини қирди ва ўзи тўғрисида жаҳл блан „Бироз дуо ўқиган бўлсам нима бўпти... Мажбур бўлганиндан кейин дуо эмиш-а, ундан улгиржироғини ҳам қилиб ташлайсан! Улим сенинг катта холанг бўлмайди, бу ла'нати ҳаммага — партияликка ҳам, партиясизга ҳам, ҳамма одамга баббаробар қўрқинчли...“ — деди.

Душман артиллерияси олдинги чегарани яна тўпга тутиб қолди, броқ Звягинцев атрофида бўлаётган ҳамма нарсага аввалги дек қўрқув ва ваҳима блан эмас, бу гал анча бепарволик блан қаради. Энди унга душманининг тўпга тутиши у қадар даҳшатли кўринмас, энди бурунгидек душман снарядлари фақат унинг

окопи атрофигагина тушаётгандек туюлмас эди, иланг-биланг қилиб қазилган мудофаа линиямизни, ниҳоятда немис саронжомлиги блан душман батартиб ўтга тутар эди.

Олов тўлқинлари панасида немис пиёдалари окопларга яқинлашиб қолишди. Душман солдатлари, шахдам қадам ташлаб, тик бостириб келишарди. Танклар эса йўл-йўлакай ва қисқа-қисқа тўхтаб ўқ узиб келишар-кин, Звягинцев душман танкларига қарши биз томондан отилаётган замбаракларнинг ўтлари борган сари заифлашаётганини пайқади. Шу вақт бизнинг оғир артиллериямиз ўт очди. Доннинг нариги томонидан, анча олисдан, авзал гумбирлаган овоз эшитилди, баланд осмонда вишиллаб келаётган снарядлар ҳуштак чалиб окоплар устидан ўтаркан, ҳавода кўзга илинмас дуга чизиб немис пиёдалари олдига тушди-да қопқора тупроқни осмонга шопириб ташлади.

Танклар, снарядлар тушиб турган ердан чиқиб олиш учун, шяддат блан олдинга ташланди. Танклардан орқада қолиб кетган немис пиёдалари ҳам жон-жаҳди блан олға ташланди.

Звягинцев „юрагини чангаллаганича“, снарядларнинг портлашидан қулаб ва ўзини таппа ерга ташлаб, снарядлар ўйиб ташлаган чуқурлардан айланиб ўтиб, унча талафот кўрмай борган сари жадал блан окопларга яқинлашиб келаётган душман солдатларини кузатиб турди. Уларнинг кўплари йўл-йўлакай автоматларидан тариллатиб келишар эди... Бирдан шунгача жимиб турган бизнинг олдинги чегарамизга ҳам жон кирди Бу ердаги барча одамларни ва барча нарсаларни душман батареяси аллақачоноқ ер блан яксон қилиб, кулини кўкка совуриб ташлагандек туйилган эди. Аммо зарарланмаган ўт очиш нуқталарининг ҳаммаси душманга қарши ялписига ишга тушди, немис пиёдалари устига барча пулемётлардан селдек даҳшатли ўқ ёғдирилди. Немислар ётиб қолишди, броқ бироздан кейин, қисқа-қисқа чапишиб яна борган сари яқинлашиб келаверишди.

Шу он Звягинцев ерга тикиб турган кўзларини ю сори кўтарди ва бир зумга осмонга қаради, — мана шу сўнги ярим соат ичида осмонда ҳеч қандай ўзгариш бўлган эмас эди: поёнсиз осмон ҳамон аввалгидек мовий, тиниқ, ерда бўлаётган „қиёмат“га бепарво эдию фақат осмони-заминда, гўё қуёшда куйиб четлари бироз қорайиброқ қолгандек кўринган, сийрақгина булут парчасини эса майингина эсмоқда бўлган шамол шарққа томон судраб борор эди... Звягинцев мана шу қуёшда жилоланиб турган мовий борляқнинг фақат-бир четинигина кўрди, броқ Звягинцев ниҳоятда очкўзлик блан қамраб олган ҳамма нарсалар ўз жозибаси блан унинг юрагини туз сепкандай жизиллатиб юбораркан гўё кўз ёши тўкиб хайрлашаётган жонон жилмавишидек туйилди...

Звягинцевнинг нақ юзгинасининг яқинида, қисилган кўзларининг ёнгинасида, унинг кўзларига халақит бериб, чанг босиб энгашиб қолган саҳро гули тебранар, бурганнинг майда шохлари қимирлар эди, нарироқда эса, кўкатлар орасида, энгашиб келаётган немис солдатларининг гавдаси яққол кўринди, буларнинг

гавдалари минут сайин йириклашардики, бу уларнинг борган сари яқинлашиб келаётганини кўрсатар эди...

Тўғри Звягинцев окопига қараб саккизта немис солдати тик бостириб келар эди. Буларнинг олдида, гўё кучли шамол қарши-лигини енгиб келаётгандек бироз энгашиб, немис офицери келар эди. У чопиб келаётиб қўлидаги ёғочини силтаркан кейин бироз орқасига бурилди ва нимадир деб қўмонда берди шекилли солдатлар ундан ўтиб кетишди-да чолганича келишаверди.

Звягинцев офицерни мўлжалга олди, бир лаҳза нафасини ичига ютаркан ўқ узди. Шундан сўнг у офицернинг йиқилишини кутиб турди, броқ офицер ҳечнарсга бўлмагандек келаверди. Офицернинг дов'юраклигига ҳайрон қолган ва ўзининг тегизолмагани учун ғазабланган Звягинцев икки-уч бор ўқ узди, кейин шошиб, ҳаяжонланиб яна икки бор отди... Офицер ҳамон, гўё сеҳрлангандек, аҳтимол аввалгидан бироз яна ҳам қадамни тезлатиб, гўё сайил қилиб юргандек, қилпилаб, қўлидаги ёғочи блан имошора қилиб келаркан солдатлар орқасидан нималар деб бақирар эди.

„Бу итвачча маст-ку!“ — Звягинцев унинг мастлигини пайқади ва қалтираб турган қўллари блан милтиғига ўқ солар экан, сабр-сизлик ҳамда ғазабидан тишларини гижирлатди: „Шошма сен ҳали... Ҳозир адабингни бериб қўяман! Ҳозир ўз қонингни ичга яна яхшироқ кайф қиласан, итвачча!“

Звягинцев милтиғини ўқлагунча, сержант Никифоров шошмасдан ва бепарволик блан пулемётдан икки бор қисқа-қисқа очерод берар экан дов'юрак офицер блан яна учта солдатни ер тишлатиб қўйди. Қолган бештаси эса, талафотни кўриб ўзига келди шекилли, ўзларини таппа-таппа ташлаб чуқурларга ётиб олишди ва, гўё ўзларининг барча ўқларини бирдан отиб тугатишни истагандек, автоматларидан пола-партиш отабошлашди.

Танклар эса қаердадир ўнг томонда гувуллар. Жангнинг ғав-ғо-сурониди Звягинцев лейтенант Глошчечковнинг хириллаб бақирган овозини зўрга эшитиб қолди:

— Танкларни ўтказиб юбор! Танкларни ўтказиб юбор! Пиёдаларга қарши — огонь!..

Рота мудофаа қилиб турган жой бўйлаб ва шунингдек, душман асосий зарба беришни мўлжаллаган қўшни участкада танклардан ажратилиб қўйилган немис пиёдалари ётиб қолди, шундан кейин ёғиб ўтган танклар орқасидан пана-пана ерлар блан илгари эмаклаб келишаркан, ҳал эфучи жангга ташланиш учун, жуда оҳиста бўлса ҳам, борган сари яқинлашиб келишар эди.

Немислар яқин келиб қолишди. Звягинцев — ёт ва манфур душман овозини — команда берилган овозини ва кўкрак қафасини гумбирлатиб уриб турган юрагининг гуп-гупини яққол эшитди. У, тинмай ўқ узаркан қўққисдан жимиб қолган сержант Никифоровнинг пулемёти отаяптими, йўқми — деб қулоқ солиб қўяр эди. Аммо пулемёт отмас эди. „Энди — найзабозликка ташланиш керак“ — деб ўйлади Звягинцев бепарволик блан ва кафти терлаб кетган қўли блан гранатасини ушлаб қўйди. У, шуқадар

ҳаяжонландики, нафас олиши оғирлашди, бурун қанотларини кериб, гўё олисдан чоптириб келган отдек пишқириб, иссиқ ва тутун босган ҳаводан нафас олар эди.

Бу орадан бир минут ўтгач немислар ҳайқирганича ҳужумга туришди. Звягинцев гўё туман орасида кўргандек кўкиш мундирларни кўрди, гупиллаган оёқ товушларини, гранаталарнинг портлашини, шошилиб отилган милтиқларнинг пақиллашини ва қисқа-қисқа тариллаб турган пулемётларнинг очередини эшитди. У атрофга ғазаб блан кўз ташлади: унинг ўртоқлари, жонажон ўртоқлари, ўлар-ўлгунча оғанини бўлиб кетган ўртоқлари, окоплардан чиқишар эди; улар унча кўп эмас, броқ уларнинг „ура“ деган садоси бу гал ҳам, ҳар сафаргидек — одам кўпдек даҳшат блан янгради...

Звягинцев бир сакраб окопдан чиқди, унинг йўғон гавдаси бугал ниҳоятда енгил туйилди, унга ва милтиғини оласолибоқ, тишларини ғижирлатаркан, яқинлашиб келаётган немисдан кўзини узмай, жимгина олға қараб чопди. Шу он у, милтиқнинг ҳамма оғирлиғи найза учига ўтганини сезди...

У, ўз окопидан фақат бир неча метр нарига чошиб боришга улгурди халос. Унинг орқасида чақмоқдек ялт этиб олов кўринди, кейин қулоқларни батанг қилиб гумбирлади ва чаноғидан чиқиб кетаёзган кўзларини бир зумда қопқора туман қопларкан у муккаси блан йиқилди.

МА'РУФ таржимаси.

(Давоми бор)

МИРМУҲСИН

УСТА ФИЁС

ПОЭМА

Колхоз мажлисида...

Қош қорайгач барча йигилди;
Мақтаб, ферма, ҳамма хонадон...
Келмайдиган отбоқар ҳам келди —
Темирчилар устахонадан.
Шипга осиг қирқинчи лампа,
Идорада барча эди жам';
Келган эди Эшмақ — тракторчи,
Келган эди Аппон ака ҳам...

Президиумда Раис, Ҳосилот,
Ва Райкомдан келган бир жувон.
Стол ёқасида ўтирарди,
Колхоз саркотиби Ойимхон.

Жой тор эди. Ана, туриб қолган,
Тўғон чолнинг қурур тинкаси.
Гоҳо, бирдан гапни қовуштирмас —
Чақалоқнинг инга-ингаси...

Уй ичи дим, тутун...
Тракторчи —
Ҳадеб чекар эди тамаки.
Энг бурчакка ўтириб, тинмай —
Йўталарди Аппон амаки.

Ташқарида; дала сутдек ойдин...
Кўтарилмиш ўнбеш кунлик ой
Вовуллайди қишлоқ итлари,
Гувуллайди тегирмон ва сой.

Барглар ўйнар, ғув-ғув шамолда —
Шувуллайди қамишлар — тўқай.
Вовуллайди қишлоқ итлари,
Тикланарди аста-аста ой...

Докладдан сўнг раис сўради:
— Қани айтинг, ким чиқар сўзга?
Газетдаги бизга ҳам мансуб,
Тааллуқли бизнинг колхозга...

Уста Ғиёс ўрнидан турди.
Одамларга бир ташлади кўз.
Оғзидаги носни тупурди;
— Айтсам айтай икки оғиз сўз:
Звенондан Турди, Ашурлар
Асакага қочишиб кетди!
„Бу тўқайга эссиз шунча меҳнат,
Эссиз, ўткан умримиз“, депти.

Хуш!
Бошида гап шундаймиди?
Шундаймиди бизнинг ва'дамиз...
Мана, ўзи сўз бера туриб —
Қочиб кетди четга, бетамиз!

Ҳа, жонимиз унтами бизнинг!
Икки келамизми дун'ёга?
Шунча одамимиз қочса-ю,
Миқ этмайсиз!
Хуш раис, нага?

Умарқул ҳам қайтармаганмиш...
Ўринлатган эмиш ишни хўб.
Ноинсофлар!
Наҳотки қочса,
Наҳот ташлайдилар кўзга чўп?

Мундоғларнинг баҳридан ўтмоқ...
Кўрасанки, юрт қил устида.
Шундай кунда „чий“ деганларни,
Пасткаш дейди, гапнинг ростида...

Дўст — қайғунгни бўлишса, у дўст.
Мундоғлардан ҳамма уялар!
Ёмон кунлар ўтар-кетару,
Юзларингни куйгани қолар!..

От-улов ҳам қолар етишиб.
Ўғиллар ҳам қайтишар жангдан..

Эл қарғиши, ҳой ноинсофлар!
Бир кун маҳкам тутар ёқангдан!

Тутоқасан, куфур бўласан...
Гоҳо, қўяқоласан нолиб.
Ушласанг-у, тепсанг бўрсугдек —
Оёғингни остига олиб.

Бундогларни санам: дўст деб!
Ўраминики, юрт қил устида.
Шундоқ кунда „чий“ деганларни —
Пасткаш дейди, гапнинг ростида...

Қочоқларга чора кўрилсин!
Жимиб қолсак иш яна ёмон.
Аппонвой ҳам тузик ишласин,
Шунинг блан сўзим ҳам тамом...

К у з а к

Бўғотларда қиров ялтирар,
Далаларга ястанмиш туман.
Худди қишдек одам қалтирар...
Боботоғда қор олмассумон.

Ўрук барги тилларанг олмиш,
Дарахтларни саваларди куз.
Хонадонда азим ёнғоқлар —
Сой бўйида қайрағочлар баргсиз...
Учишади зогчалар қағ-қағ...
Чирқиллайди саҳарҳез чумчуқ.

Қизалоқлар хазон сукурар,
Талашиб, тортишиб, чечан...
Хув ана, Норота азонлаб,
Ўз томига босмоқда пичан.

Ўркач-уркач пахса деворлар,
Пасту-баланд томлар, мўрилар...
Хув... қўриққа пода ёйилди.
Ма'рашади қўйлар, қўзилар.

Уйғонади колхоз қишлоғи,
Даканг хўроз қичқирган боя.
Мўрилардан тутун бурқади,
Ёнар эди ҳўл гўзапоя.

Теримчилар далага чопар,
„Эртанги қор“ хавфи қўрқитмиш.

Хонадонда гўза чувишар,
Пахтазорда доим жадал иш.
„Осмон булут, эрта қор, ёмғур!“
Теримчининг хавфи шу фақат.
Энтикади, шошар, ошиқар...
Томоғидан ўтмайди овқат.

Изғиринда ёрилар қўллар,
Ачишади, оғрир ҳарнафас.
Теримчига бу ҳеч гап,
Фақат —
Намгарчилик бошланмаса бас!

Тера-тера толар...
Шувда ҳам,
Бир чаноқни қолдирмас чала,
Бас у учун, фақат иш чоғи,
Бошланмаса ёмғуру-жала.
Изғиринда кўкарар юзи,
Совуқ шамол беради озор,
Булар бари ҳечгапдир.
Чунки —
Юрагида Ватан ишқи бор.

Теримчилар далага чопар,
Тарқалади қўшиқ оҳанги.
„Қий-чув“ бўлиб иш бошланади,
„Қий-чув“ бўлар колхознинг тонги.

Илк шу'лалар тушди далага,
Кутарилар ҳовр нам ердан.
Қушлар учди, аллақерда,
Гуруллади трактор бирдан.
Учиб кетди зоғчалар қағ-қағ...
Теракларга беркинди чумчуқ.

Уста Фиёс азонлаб турди,
Кампир тутди чўян қумғонни.
Белбоғига юзини артди,
Ўраб олди зоғора нонни.

Даканг хўроз қичқирган боя.
Мурилардан тутун бурқади.
Гур-гур ёнар ҳўл гўзапоя,
Тишда совуқ, дамни қирқади...

Бориб дарахт бутоғидан у,
Кетмонини олди елкага.

Оғрир эди бели, оёғи ..
Уста билмас, оғриydi нега?

Агар, чарчаб қолмаса эрта...
Бугунгига етади кучи!
Қариганин сезару, лекин —
Кексаликни бўлар енгмоқчи.

— Ҳор-манг-лар-ўўў.
— Саломат Уста...

Ишга урди ўзини шу дам.
Алпанг-талпанг кўзни уқалаб,
Етиб келди Нор амаки ҳам.
Ғўзапоя суғириша кетди,
Ғўзапоя бўларди ғарам.
Ғўзапоя қишга заб қўл келар,
Баҳорга ҳам, ёруғ ёзга ҳам...

Совуқ қишда гур-гур ёнади,
Ғўзапоя танчага олов.
Куз ишлаган омад толади,
Қиши блан егани палов...

Ғўзапоя суғиришар эди,
Уста ишга берар жадал, зўр.
Ана,
Тупроқларни чайнаб, бақириб,
Катта ерни ҳайдар трактор..

Тўруқ ҳақида

Чойхонадан бироз нарида,
Ботиб қолди ботқоққа тўруқ,
Аравакаш ҳадеб кучанарди,
Қамчиларди, урар эди дўқ.

Шилт-шилт тушар бужғунсоп қамчи...
Ботқоқдан ҳеч қўзғалолмас у.
Кучи етмас, кучанар, тояр,
Қамчи тушар:
„Чу ҳароми, чу!“
От унналар кучи етмас, орриқ,
Туртиб-туртиб чиққан суяги.
Ҳар урганда сапчиб-сапчиб тушар,
Лойга тегар лунжи, ияги.

От хириллар, хомут бўғади,
Тепасига йиғилди одам.

Ҳамма қарар, лекин тўруқ учун,
Қиммат эди ҳар нафас, ҳар дам.

— Ҳой Болтавой, нега қамчилайсан!
От уволи ургур гўрсухта!
Сен ўзингни керак савалаш!
Қўлингни торт, ноинсоф, тўхта!

Елкасидан кетмонни ерга —
Қўясолиб югурди Уста.
— Савалама, от уволи ургур,
Қўлингни торт, ноинсоф, тўхта!

Лойга тушди югуриб шу чоғ,
Зил шотини кўтарди азот.
Чармни қирқди суғуриб пичоқ.
Бир депсиниб турди лойдан от.

Юриб чиқди аста қуруққа,
Аранг кўтарар туёғини.
— Раҳмат Уста, — деди аравакаш, —
Ўзим қиламан буёғини.

— Ҳа, ҳа... ўзинг қилсанг, бечора —
Жонворга сра йўқдир кун!

Бирдан қаттиқ тажанглиги тутиб,
Уста Гиёс кўтарди шовқун:

— Ўша сенга отни топширганни...
Уравер! Чунки колхозники-да,
Ҳали кучинг шунга етдими!
Кучинг ошиб қолипти жуда?!

Курканики каби тўрлама, узун,
Бўйини чўзиб келди Аппон чол.
Ранги ўчган, кўкраги очиқ...
Оғзидаги носни тупурди.
Қўлин пехса қилиб Устага.
Ғудуллади, шундай дўқ урди;

— Санга нима! Аравакаш ҳам —
Жавобгар ҳам Болтавой экан?
Ё, раислик да'во қиласанми!?
Етар дейман битта каттакон!
Подадан ҳам бизда қўйчивон кўп.
Ўҳ-ҳў, буни дўқини қара!
Ҳа, червонинг куйибтими? Мунча!..
Колхозники бу от-арава!?"

Раис келиб қолди шу фурсат.
Яқин келди:
— Ўзи нима гап?
— Тинчлик,
Фақат тўруқ ботипти...
— Шунга шунча шовқунми, ажаб?
Ия жонвор, бизнинг тўруқми?
Суяк бўлиб қопти-ю, қоққа...
Тиши қовми?
— Ха — деди Уста,
„Ёмонники етар япалоққа“...
Қаранг, отлигига минг пушаймон,
Улсин агар ўхшаса отга,
Айтинг, аввал қандай эди тўруқ?
Чарчамасди борса Ҳиротга.

Шундай бўлса ишлар пачава...
Ҳеч бўлмайди биримиз икки.
Планин ҳам бажаролмаймиз,
Омад кетар, ё гапим чакки?

Итнинг кейинги оёғимиз,
Шулар касри..
Обрўмиз ҳам йўқ.
Шунинг учун ишимиз унмас,
Каттаковлар қилар сизга дўқ.

Тўртта-бешта шундоқнинг касри,
Нонимизни қилмайди ҳеч бут.
Мана, атроф колхозлар ичра —
Доим бизнинг юзимиз шувут...

Уруш, дейсиз, одам йўқ дейсиз.
От-улов йўқ... яна ва яна..
Бу сўзингиз бетсизларга ёқар,
„Бешармларга арпа баҳона...“

Ишларимиз доим ўлда-жўлда,
Ҳинди кавушидек пойма-пой.
Колхоз издан чиқди чамамда,
Кўзингизни очинг, Йўлчивой!

Бир синчиклаб, бундоқ қарамайсиз,
Нега бундай, ўзи нима гап?
Нега бундай нонкўрлик қиламиз,
Сабаб нима?
Ё тавба,
Ажаб?
Қараб туриб жонинг ачиркан,

Наҳот тушса шу алфозга от.
Ҳу, Йулчивой!
Шундай бўлишига,
Қолаверса Болта беновог!..

Яна бирдан ғазаби қузғаб,
Аралашди гапга Аппон чол.
Қўли паҳса,
Кўкраги очик,
Ранги ўчган, титрар... шу аҳвол.
Гапирганда сачрар тупуги,
Сўз ғар-ғара бўлар оғзида.
Туғон ота имо қилди:
„Ҳой, жим!
Сўзи қолди чиқмай бўғзида.

— Уста, — деди Раис —
Ғангиб қолдим,
Қайдан бошлай билмайман ишни.
Туғри, ишнинг калаваси бузуқ,
Тополмайман ишнинг бошини.

Баққа юринг, Уста, идорага,
Чиқиб қолди бир яхши режа.
Аваз блан ўйлай-ўйлай охир,
Бир тўхтамга келгандик кеча.

Шунча вақт ра'я қилиб келдим,
Хўб тутганим бўлсин барчасин.
Энди, қимки бешармлик қилса,
Учқўргондан кўрсин ачасин!
Туғри, отлигига миғг пушаймон.
Ўлсин агар ўхшаса отга.
Эҳ-ҳе...
Аввал қандай эди тўруқ,
Чарчамасди борса Ҳиротга ...

Қ и ш

1

Дамни кесар ҳавонинг захри,
Буркансангда ачийди бу жон.
„Туф“, деганда тупук қотади,
Музламишди гўё бор жаҳон.

Қуруқ қорни шамол учирар,
Совуқ шамол учади ғув-ғув.

Узун-узуи тераклар жим-жит,
Ариқларда музламишди сув.

Буркансангда ачир эди жон,
Тиш тараклар, дириллайди лаб...
Узун дала йўлида ёлғиз,
Уста Ғиёс борар жадаллаб.

Оёғида солдатча этик,
Теллагини киймиш бостириб
Совуқ блан олишар, шошар,
Қўлларига куҳлар, тез юриб.

Пахталиги қисқа, қавима,
Мўйлабига қиров инмиш — оқ.
Қавима шим, айилдек камар.
Камарида биргазлик пичоқ.

У, буғдойранг, қотма, ўрта бўй...
Ортиқ ери: бир малла мўйлаб.
Локин, унга ўхшаш одамлар кўп,
Ўхшашларни кўрганман кўплаб.

„Бешиксўпоқ“ бошида сочининг,
Қорасидан кўпроқдир оқи.
Сертомир ва қадоқ бармоғида,
Эгри ўсар икки тирноғи.

Ғадир-будир, дағал қўлининг,
Териси ҳам қотган, худди чарм.
Лекин келишади, қовушади —
Шу дағал қўл игна чатса ҳам.

Ўйнаб чиққан бўйин томирлари...
Бу, қаррилик белгиси андак.
Манглайида қават-қават ажин;
Заҳматларни тахлаб қўйилгандак...

Ҳаво очиқ, кўм-кўк ва аччиқ...
Дарахтларни босмиш булдуруқ.
Жиндак нам йўқ, қордир ҳаммаёқ
Ҳаммаёқ қор, оппоқ ва қуруқ.

Ана, келар қўқонарава,
Ғирчиллайди, „гулчакчинқироқ“.
Шовдирайди отнинг чачағи,
Лой тош каби, йўллар қатқалоқ...
Аравакаш ўтирар жунжиб,
Совуқ шамол учади ғув-ғув...

От пишқирар, халлослар, тояр,
Зўрға тортар аравани у.

Буркансангда ачир жирин жон.
Тиш тараклар, қовушмайди лаб.
Узун дала йўлида ёлғиз,
Уста Гиёс борар жадаллаб...

II

Уста Гиёс

Ҳой, қулоқ бер, бидиллама! Бас!
Мундоқ қилсанг хафа бўламан.
Ўртамизда хусуматимиз йўқ,
Кеча кўрибманми сани ман!
Якка-якка чиқиб ва'да қилдик,
Ўшанда ҳам ўзингмидинг Ашур?!
Иккитами юзинг ҳали? Ким —
Давлат блан бундоқ ўйнашур?!

Бош кўтарди Ашур. Наматга,
Пиёланинг сепди тагини,

Ашур

.....

Ҳавсалам ҳам пир бўлди. Қурвон —
Ҳосилотга ўхшаса ўлсин.
Кейин дедим: „Энди колхозингни,
Ҳаҳ, елкамнинг чуқури кўрсин!...

Туф, деганман. Қайтиб олмайман
Қолганини пешонамдан кўрдим...
Лекин, Уста, ўзингиз биласиз,
Колхозим деб елдим, югурдим...

Чойнак қопқоғини урди Ашур,
— Самоварчи, буёққа бир чой!
Бир нафасга совуқ сукут босди.
— Баққа қаранг, Иноғамжон — ҳой!

Уста Гиёс

Катта мажлис бўлди, правления —
Мени сенга юборди Ашур.

Мана;
Уйинг-жойинг,
Колхозинг.
Ишлар яхши, қани ўйлаб кўр!
Раис сенга салом деган эди...
Омбор буғдой блан лабма-лаб.
Райком бизни отолиққа олган,
Олиб борар қўллаб-қўлтиқлаб.

Кеча кўрибманми ман сани?
Ёки кеча танишдикми биз.
Бирга ўсдик. Қишлоқ кўчамизда —
Тупроқ ўйнаб, ёқа йиртганмиз..

Кўрмабмизми яхши кунларни?
Туғри бўладими шундай десак!?
Наҳотки биз енгил одамлармиз,
Оғир кунларга ҳеч яролмасак?

Тушунаман, лекин ўзинг ўйла!
Биз не учун кўчиб келган эдик?
Ва'да берган эдик ишонтириб,
Қийинчиликни ҳам билардик.

Ҳой!
Бир киши ариқ қазийди,
Мингта одам ундан сув ичар.
Ниятимиз эмасмиди шундай!
Ва'да қилдинг, ҳа, уни бажар!

Борки сен блан мен, қочиб кетдик...
Шуниг блан колхоз тамомми?
Иўқ, Ашурвой! Эҳтимол учгандирсан —
Иғвосига бирор ёмоннинг.

Ниятимиз жуда холис эди,
Ўртадайди ҳатто битта дон.
Ёш эмассан, ачитиб айтаман;
Ҳа, Ашурвой бўлибсан нодон!

Чакки қилдинг, „сан-ман“га бординг.
Ёш бўласан, хўш, қачонгача?
Дўстларингчи? Локин, ҳали ҳам, —
Соянг учун ёзар кўрпача...

Ҳой, оғайни! сан блан мандан,
Ҳалол меҳнат қолар дун'ёда.
Дўст-дўст учун заҳар ютар деган...
Беш тош ерни босдим пиёда...

Боши қуйи солилган, жим-жит...
Миқ этмасди, пиёлани ўйнар.
Тиришади пешонаси, гоҳо —
Чаккасини қашлар ва ўйлар...

Уста Ғиёс

Ҳей, нонкўрлик қилма, увал
Энди гапирмайман зўрласанг ҳам...

Ашур

Чакки ишлармидим, хўш, Уста?
Шу... гапдан сўнг бўлиб қолдим танг.

Уста Ғиёс

Ҳамма сиринг менга аён Ашур,
Шунақа, сув кўтармас сирканг...

Пул туккудек ерини қўймай,
Ўзимиз ҳам таладик шу пайт.
Ахир дўстам, бурунни сассиқ деб —
Кесиб ташлайсанми? Қани айт?

Бир гап етар, икки-ортиқча...
Чакказарбсан улгудай ўзинг.
Мундоқ гапларимга қулоқ бер,
Юмилмасин, очилсин кўзинг!

Ҳарна қилса, сендан ортиғроқ,
Йиртганим бор икки кўйлакни.
Ҳой, деҳқонмиз, совутиб қўйма —
Бу азамат, чапдаст билакни!

Бу ғаламис бедонангни ташла!
Айт, гапларим чакки бўлса ё?
Бунда топган минг тангангдан кўра,
Колхоз берган биттанга а'ло!

Ашур

Энди Уста, булар иш бўлди...
Қайтишимга чидамас юзим?

Уста Ғиёс

Йуқ. Уялма, биров „гинг“ деса,
Мендан кўргин. Кафилман ўзим...

Ашур

Қани, Уста ҳовляга борамиз,
Яна гаплашамиз, ҳа, бўпти...

У, бошини кўтарди, ерга —
Пиёланинг тагини септи.

III

Бир қиш куни,
Ашур эрталаб,
Тўрт филдирак аравани қўшди.
Ташиб чиқди бор-йўгини унга,
Хотин, бола-чақаси ҳам тушди.
Бир чаккага Уста ҳам ўтирди,
Отиб олди Ашур тутган носдан.
Бир силтади тизгинни:
„Ҳа-чу!“
Филдираклар кўчди беҳосдан.

Дамни кесар ҳавонинг заҳри
Буркансангда ачир эди жон.
„Туф“ деганда тупик қотади,
Музламишди гўё бор жаҳон.

Узун-узун тераклар жим-жит
Ариқларда қотмиш эди сув.
Қорни тўзон каби учириб,
Совуқ шамол еларди ғув-ғув...

От халлослар, отнинг бурнидан —
Чиқар эди бир самовар буг.
Жониворни хўб терлатарди;
Юк,
Қатқалоқ,
Қаҳратон совуқ...

Тракторчи

Роса эсиб ёмғур ёғарди..
Кеча, ўхшар эди баҳорга.
Бирдан қаттиқ совуқ шамол туриб,
Майда ёмғур айланди қорга,

Ҳаммаёқ дой, ивиган, шилта..
Нам ер дарҳол ютарди қорни.
Бир пастдан сўнг, хўприк, мўрилар,
Тақир ерлар, томлар оқарди ..

— Ҳамма тарқаб кетди уй-уйига!
Кириб келди табельчи Ҳамдам.
Бироздан сўнг Аппон чол ҳам келди,
Туғон ота, уста Фиёс ҳам...

Бир нафасга совуқ сукут босди,
Бухгалтер ҳам қолди бақрайиб;
Оғзи очиқ,
Сул қули чўтда...
Идорага йиғилишди, мана —
Колхоз кексалари, уч-тўртта.

Уста буккан қалпоғини силкди,
Ва ўтирди қовоғи солуқ.
Ташқарида: ёғар лайлак қор,
Ҳу, очиқда қолибди, тинмай —
Ер тепинар, кишнардн тўруқ.
Мўйлавини чайнар хаёлчан,
Деворларга қарар Уста Фиёс.
Ана;
Плакатлар...
Расмлар...
Жадваллар...
Лампа осик шипни ва симни —
Босган эди чанг, қоп-қора ис,

— Болтавой — ҳей! Отни панага ол!
Уста Фиёс сукутни бузди.
Ҳамма бирдан эшикка боқди...
Бухгалтер ҳам икки марта: шиқ-шиқ,
Жез симли, кенг чўтини қоқди.

— Раис қани?
Ялт этиб бухгалтер,
Уста тамон бурди юзини,
— МТСга кетди, келтиргани —
Бизга бергац янги СТЗ ни..

— Ҳа! Кибтими? Бу яхши хабар,
Ишлар булар яна киройи.
Уста Фиёс мўйлавини буради,
Ва очилиб кетди чиройи.

— Қани турдик!
Уста Фиёс блан —
Аппон ота уйдан чиқишди.
Титратарди, жонни ачитарди,
Аҳмон-даҳмон — охири қишни

Ер ион каби бужкан ёмғурда,
Ивяган ер тутмасди қорни.
Аппон чолнинг этиги блан,
Бир ботмон лой кўчиб чиқарди.

Ҳаммаёқ лой, ивяган, шилта...
Бўғотлардан эриб томар қор.
Ана, тўлиб тошиб, айқириб,
Оқар эди малларанг анҳор.

Олов ёнар устахонада,
Ёш бир йигит тортарди босқон.
Аравасоз Расул ака ҳадеб,
Гурсуллатиб урарди сандон.

Ана, йўл четида турар трактор,
Атрофида икки бензин баки...
Уста Ғиёс блан Аппон чол,
Тракторга боришди яқин.

Эшмат тракторчи ётар ерда,
Пахталиги, этиклари лой..
Бетларига қараб бўлмас эди,
Юзи, қўли, эгни қорамой.

Чалқанчаси ётиб тракторнинг,
Бир ерини ҳадеб бурарди.
Ярми тракторнинг тагида,
Кучанарди, тиқ-тиқ урарди...

Эгарланаётган от каби,
Қимир этмай трактор турар.
Эшмат тамакини бурқитиб,
Тиқ-тиқ урар, кучанар, бурар...

— Ҳорма Эшмат! деди уста Ғиёс.
— Салом, деди ёнбошлаб ерга.
— Маҳкамлаб ур, эгар-жабдуқни —
Бу азамат қорабайирга.

Эшмат тракторчи ерда ётар...
Пахталиги, этиклари лой...
Бетларига қараб бўлмас эди,
Юзи, қўли, эгни қорамой.

(Давоми бор).

М. БОБОЕВ

ЁШЛАРГА

(Ўзбекистон комсомолларининг ХЕкурултойи муносафати билан)

Ёруғ юлдузларсиз, йигитлар, қизлар,
Ғолиб ватанимнинг тиниқ кўкида.
Толи' маш'алини кўтарган сизлар,
Кишиликнинг шу муаззам юртида.

Тоғдан шилдирашиб оққан ирмоқдек
Қувноқсиз, эркинсиз, жўшқин ва жасур.
Қалбингизда умид қайнар булоқдек
Сталин қуёшдан унда порлар нур...

Она меҳри ҳам бир, қуёш нури ҳам
Ватан ғамхўрлиги шундай чексиз, зўр.
Билим-меҳнат, шараф—умрли ҳамдам
Ленин—Сталиндан сиздаги шуур.

Ёшлик, ботирликнинг қизғин кўраси
Тобланиб, чиниқиб кўрсатар виқор.
Шу олтин фаслнинг ҳарбир нафаси,
Умр биносига қўяр пойдевор.

Кеча даҳшат тўла марди-майдонда,
Қасос қиличига қасам ичдингиз.
Ленинчи номингиз тутиб баландда
Ватан, озодлик деб жондан кечдингиз..

Ватан озодлигин топган оталар,
Фурурини сақлаб қолдингиз манги.
Мана тинчлик билан оқарган тонглар—
Созида жаранглар бахтнинг оҳанги...

Ҳамма ерда борсиз—қаторингиз зич,
Моторлар, дастгоҳлар айланар ювош.
Денгизлар, дар'ёлар, тоғлар эрта-кеч,
Ёш иродангизга қуйи эгар бош.

Ҳар ишда забардаст, жасорат сизда,
Енгиб ҳар тўсиқни бардам ва илғор.
Тулқинлар, бўронлар ҳайиқар сиздан
Чуққя ошган изингизда зафар бор.

Сиз бошлиқ звено пахтаси ҳар йил —
Колхоз планида вазмин-салмоқли,
Ёки тракторда сиз бураган руль
Қирда дон ундираб—шодла бошоқли.

Халқнинг юрагида қудрат ҳам қувонч,
Юртнинг посбони—мардлик тоғисиз!
Кураш ва меҳнатда зафарга ишонч,
Келажак боғининг ҳам боғбонисиз!

18/1—1947 йил.

АҲМАД БОБОЖОН

ОВОЗИМ

Кучоғи кенг яйловимда сури-юри бўрдоқи
Қирлар янграр майингина ма'рашганда қўзилар.
Тўлиб тошиб қўзи қўйга Волга, Аму қирғоғи
Суриларим Хоразмдан Москвагача чўзилар.
Шукун учун бел боғлаган йигитларга овозим,
Овозимга жўр қиламан шўх қўшиғим ҳам созим.

Колхозларим боғларида мева бўлиб фаровон,
Омборларда тўлиб-тошсин тилла рангли асал дон.
Дастурхонда камаймасин тотли, асл қаймоқлар,
Бошдан оёқ шоҳи кийиб шўх йигитлар, қиз-жувон
Тўқ ҳаёт деб енг шимарган оталарга овозим,
Овозимга жўр қиламан шўх қўшиғим ҳам созим.

Халқимизнинг содиқ ўғли бўлажакдир депутат
Яхшилардан бир умрга қолажакдир яхши от.
Ишонаман боғим гулга, йўлим нурга тўлади,
Ватан севган мард ўғиллар элга бўлғайлар қанот,
Шу мардларни етиштирган оналарга овозим,
Овозимга жўр қиламан шўх қўшиғим ҳам созим.

Ж. ШАРИФИЙ

МОСКВАНИ КЎРГАНДА...

Отам умрин ўтказиб кентда
Хатто шаҳар юзин кўрмапти.
Қаригунча дун'ёдан четда —
Қишлоғидан наря юрмапти.

Чоллар ўйлар: муқаддас дийр —
Эртактаги боғи Эрамни,
Йигиб оқча қанча қиш, баҳор,
Орзу қилиб эзгу байрамни;
„Боғи Эрам“ сари олиб йўл,
Гоҳ эшакда, гоҳи туяда
Босардилар тоғ, қир, дашту-чўл,
Ба'зан отлиқ, ба'зан пиёда.

Кучма қумнинг катта қуюни
Кўк юзини, ба'зан тутарди.
Адашганнинг эгилиб бўйни,
Саҳроларда қолиб кетарди.

Ёруғ йўлни топмасдан кўплар,
Хароб бўлиб кетди умрбод.
„Мақсадимга етдим“ деганлар
Топмаганди эркин, ҳур ҳаёт.

Бахтимизга қўллаб Маскова
Бизга, томон йўлладинг мардлар.
Ленин, Сталин, шонли партия
Берди қувват, берди мададлар.

Отам дерди, катта акамга:
— „Масков деган шаҳар азимга
Борар бўлсанг, кенжа ўғлимни
Олиб кетгин, солиб изингга.“

Мен учун ҳам кўрсин қўзичоқ
Масков — Ватан маркази бу чоқ.
Бор Эрамнинг ўзи ҳам ўша
Элнинг, юртнинг кўзи ҳам ўша.

Элимга нур берган Масковни
Уч мартаба кўрдим умримда.
Биринчи гал: ўқиш макони
Берди билим, ўсди фикрим-да.

Иккинчи гал кўрдим Масковни
Ёв келганда унинг қошига,
Сақлайман деб азиз маконни,
Жоним тикиб тупроқ, тошига
Окоп қаздим шаҳар четида
Совуқ эди чидамас одам,
Жуда огир, қийинди шу дам.

Луппи юзли, дўндуққина қиз
Зангор кўзли мард Масковичка
Бирга эди, ёнимда шу гез —
Куч қўшарди мендаги кучга.

Фарзандлари: рус, украинлар
Ўзбек, қозоқ, белорус, қарғиз,
Оға-ини ҳамма-ҳаммамиз
Ёвдан уни, биз сақладик биз.

Учинчи гал уни кўрганда —
Яна қишди, лекин бу сафар —
Жуда гўзал, юмшоқ қорлари
Юзга урар, худди енгил пар,
Қарши олди сайлов участка
Доҳимизга мен бердим овоз.
Қирқ биринчи йил.. тушди эсга
Масковичка... жон берган шаввоз.
Эсдан чиқмас ўша пайтлар —
Қанча-қанча мард қиз-йигитлар,
Хурлик учун жанг қилган авлод —
Москвани дилда қилиб ёд.
Эй меҳрибон онамиз шаҳар
Сен Маш'ала, сен нури офтоб,
Сенинг учун тунда то саҳор,
Қўшиқ куйлаб ёзаман китоб.

ЭНГИН МИРЗА

ШУНИНГ ҶЗИ БАХТ

Қувончли кеча

Қош қорайиб келмоқда.

Эрталабдан бери ёғаётган қор кечга бориб тинди. Уйларнинг ойналарига аёз отли наққош қўли блан чизилган олма дарахтларининг барглари чироғларнинг нурида порлайди. Ташқарида тентираб юрган шамол ерга инган момияқ қорларни пардек тўзғитмоқда.

Дашт қишлоғига кеч кирди. Қишлоқнинг кенг сердарахт кўчасида қатновлар кўпайиб, ҳаракат жонланди. „Октябрь 14 йиллиги“ колхозида меҳнат куни тугади. Ана, мева дарахтлари ичига жойлашган муҳташам мактаб останасидан китоб, дафтар қўлтиқлаб ўқучилар чиқиб келмоқда. Оқ ашакнинг хуржунига бугдой тўлатиб колхоз тегирмони томон шошилаётган колхозчиларни учратамиз. Оналар ўқучи ўғил қизларининг келишига мунтазир.

Ҳар колхозчи хонадонидан оппоқ тутун осмонга буралиб кўтарилмоқда. Кечки изғирин колхоз кўчасидан ўтиб боручи ҳар кимнинг думоғига турли таомларнинг хушбўй ҳидларини олиб келиб уради. Колхоз оқшоми нақадар гўзал, нақадар наш'али.

Тун пардаси ёйилиши блан осмонда юлдузлар чамани барқурди. Қишлоқнинг шимол томонидан „Виллис“ машинаси қорлар устидан гизиллаб учиб келмоқда. У, тўғри „Янги ҳаёт“ кўчасидан ўтиб Чорбоғ олдига етгач, чапга бурилди-да, катта дарбоза ёнида тўхтади. Машина ичидан колхоз раиси Чўли Бегимқулов ва қишлоқдаги 7-нчи мактабнинг директори Юсуфжон Шароповлар чиқиб келишди. Улар тўғри колхоз правлениясининг ҳашаматли бивоси жойлашган кенг ҳовлига кириб ўнг қўлдаги агитпунктга томон бурилдилар.

Буларни колхоз бошланғич комсомол комитетининг секретари Элмурод Рўзиев иссиқ қарши олди. Раис унга гап қотмасданоқ секретарьнинг ўзи гап очди.

— Ұртоқ Бегимқулов, колхозчиларнинг кўпчилиги йиғилиб бўлишди.

— Кексалар ҳам таклиф қилиндими? — Гап қистирди раис.

— Қишлоқдаги бутун чол ва кампирларнинг ҳаммасини машинада клубга олиб келдик. Улар ҳозир клубда радиодан концерт тингламоқдалар.

— Балли, балли. Майли биз озроқ нафасимизни ростлаб олайлик, сўнгра чиқамиз.

Колхоз раиси блан мактаб директори раиснинг шинамгина кабинетига кириб диванга ёнбошладилар. Кўп ўтмай самоварчи бир чойнакда кўк чой, бир тарелкада яқдона магизни олиб келиб қўйди-да чиқиб кетди. Шаропов, кўк чойни қўйиб берар экан, сўз бошлади.

— Чўли ака дейман, зап замонлар бўлдимиз? Биз ҳали жуда ҳам гўдак, гўра, оқ-қоранинг фарқига бормай юрган болалар эканмиз!

Раис мактаб директорининг нима демоқчи эканлигини дарров пайқади.

— Қалай, ўрганиб бўлдингизми? Қишлоғимизнинг ўтмишини, одамларини келтириб туриб хатга солса, „Рустам Достон“дан ҳам катта китоб бўлади. Албатта бу тарихни ёшларга билдириш керак.

— Рост айтасиз. Киши ҳозирги ўтказаетган кунини қадрлай билиши учун ўз ўтмишини, киндак қони тўкилган юртининг, элатининг тарихини билиши зарур.

— Ҳа, айтгандек, кеча кечаси агитпунктда расм муаллимнинг борку... Фармонов. Ўша стол устига мукка тушиб олиб, ниманидир чизиб бўяётган эди. Ўзи сиқилиб турган бўлса керак деб сўрамасдан чиқиб кетган эдим. У, нима қилаётган эди?

— У, колхозимизнинг тараққиёт йўлини яққол кўрсатиб берадиган диаграмма ишлади. Унда ҳамма нарса битилган. Лекин рақамлар бор халос!

— Жуда соз, бошлабсиз. Ҳали битгани йўқми?

— Фармонов бир ишни дўндирмагунча уйқиси келмайди. Бир ишни эртага қўймайди. Ўша куни кечасиёқ битказиб икки хуфтонда менинг уйимга олиб келиб кўрсатди.

— Қани бир кўрсак бўларди.

— Партия ташкилотхонасига киритиб қўйган эдим.

— Майли, ундай бўлса зарарсиз, бафуржа кўрармиз. Қани докладга тайёрмисиз?

— Албатта, ками-кўсти бўлмасдан иложи йўқ.

— Сиз билганингизча гапираверинг, сўнгра колхоздаги кексаларни ҳам сўзлатамиз. Ахир, улар ўтган кунларни ўз кўзлари блан кўриб, бошларидан кечирган. Кеча комсомолнинг бошлиғи Элмурод Рўзиевга бу кечага чол ва кампирларни ҳам битта қўймай келтиришни буюрган эдим, келишибди. Кези келганда уларни ҳам сўзлатамиз.

Девордаги узунчоқ сариқ қутичага жойлашган соат капгири тўхтовсиз юриб, соат стрелкасини етти рақами устига келтирди.

Улар бирин-кетин эшикдан чиқиб қаредор бўйлаб, 15 қадамлар чамаси юришгач, клубга киришди. Залдагилар раис блан мактаб директорининг ҳурмати учун ўринларидан турдилар.

Колхоз клуби шундай безатилганки, дезордаги суврат, диаграмма, фото кўргазма, шиорларга тикилиб маҳлиё бўлиб қоласиз. Зал одамга лик тўла. Бир ерга қишлоқнинг қариялари, донгдор пахтакорлари, қишлоқ мактабининг юқори синф ўқучилари, колхознинг ишини енгил қилган комсомол ва ёшлар тўпланишган. Булар 16 февраль куни халқнинг лойиқ фарзандларига яқдиллик блан овоз беручи 356-нчи Қарши қишлоқ сайлов округининг бахтиёр сайловчилари эди. Бу колхозда 12-нчи сайлов участкаси жойлашган.

Сайловчилар ҳар куни бу ерга тўпланиб, ўйин-кулги кечалари ўтказади. Докладлар тинглайди, кўчма кино тамоша қиладилар. Бу оқшом эса ҳар кундагидан бўлакча наш'ага эга.

Қишлоқ бўйлаб...

Олдинги қатордаги скамейкада ўтирган донгдор пахтакор киз Рўзигул жавраб турган радиоприёмникни астагина бураб қўйди. Залга жимжитлик чўкди. Колхоз партия ташкилотининг секретари Умур Обидов Сталин бюсти ёнида туриб сўз бошлади:

— Қимматли биродарлар, азиз кенжа ва кекса сайловчи ўртоқлар. Бу оқшомни ўз қишлоғимизнинг тарихини ўрганишга бағишлаймиз. Залдан туриб қишлоқнинг ўтмишига қараб саёҳат қиламиз. Мактаб директори, агитпунктимизнинг жонкуяр мудири ўртоқ Шаропов қишлоғимизнинг ўтмиши ва келажаги ҳақида сўзлаб беради.

Паст бўйли, доим юзидан кулги аримайдиган Шаропов тўрга ўтиб саҳнага кўтарилди. Қизил бахмал ёпиб нотиқларнинг чиқиб сўзлаши учун тайёр қилиб қўйган жойга чиқиб, Дашт қишлоғининг тарих китобини варақлай кетди.

Саҳнанинг деворига ёпиб қўйилган парда кўтарилди. Саҳнада жуда катта харита кўринди. Электр чироғининг нури остида харитадаги жуда кичик белгиларни ҳам кўриш қийин эмас эди. Шаропов қўлига беҳидан қилинган узун эгри ёғочни олиб гап бошлади:

— Дашт қишлоғининг ўз тарихи, ўз тақдири, ўз кишилари бор. Бир вақтлар бу ерларда қирғий ва даштли деган ўзбек уруғлари яшаган. Улар фақат ўзбек тилидагина сўзлашганлар. Бу сер ҳосил ерлар дарахтсиз, ёнтоқлар ўсадиган тақир саҳро бўлган. Сув икки уруғ ўртасидан оққани туфайли тўғон бошида сув талашиб тез-тез кўнгилсиз ҳодисалар юз бериб турар эди.

Бундан юз йил муқаддам қишлоғимизда 25 га яқин хонадон бор эди. Секин-секин ҳар томондан одамлар кўчиб келиб яшай бошлаган. Бора-бора қишлоқ халқи деҳқончилик қилишга ўтган. Инсоннинг қўли гул дейдилар. Дарахтсиз жазирама саҳрода мевали дарахтлар барг ёзиб ёнтоқзорлар битиб борган.

Лекин сув келтирган хору-зо), кўза синдирган азиз бўлган. Каримтердибой, Султозбой, Қаюмқулбойлар чақиб қишлоқдаги ерларга эга бўлганлар. Деҳқонлар эса борган сари қашшоқлаша борган. Бойлар, Бухоро амирига суянган ҳолда, камбағал бева-бечораларни қон қақшатиб ишлатиб, уларнинг меҳнатидан бойий бошлаганлар.

Дашт қишлоғининг шарқий чегараси Юқор қишлоғидан бошланиб этаги Нуқрабодгача, шимолий қисми Бўрободдан бошланиб жанубий чегараси Файзобод қишлоғигача чўзилган. 2762 гектар ерга жойлашган қишлоғимиздаги халқ жуда фақир, жабр-ситам кўриб, ҳуқуқсиз умр кечирар эди.

Мана бир мисол келтирай: Гаффорбобо шу Дашт қишлоғида туғилиб, унинг тузғани ялаб катта бўлган чол. Бу одам икки дун'ёни кўрган. Бизнинг дун'ёнинг афзалигини кўзи блан кўриб, юраги блан сезган пири бадавлат кексадир.

Гаффорбобо ҳозир 85 га борди. Унинг айтишига қараганда жуда кўп жабр-жафоларни бошидан кечирган. У вақтда қишлоқ камбағаллари қишин-ёзин ишлаб ердан жуда кам ҳосил олар эдилар. Ғалланинг ярмиси солиққа, қози, юзбоши, бекларга, қолгани урғулиққа кетиб жуда кам қисми хўракка қолар эди. Қишлоқда ўша пайтда 50 хонадон бўлиб, улар ер остига жойлашган эди. Деҳқоннинг олган ҳосили қиш кирмай тугаб қолар, бойдан қарз кўтариб бир умр бойнинг тирик қули бўлиб қолар эди.

Қишлоғимизда Шоийбой деган катта ер эгаси эшигида жуда кўп камбағаллар ишлар эди. Бир вақт қишлоқда:

„Амир Олимхон тахтдан тушиб Афғонистонга қочибди. Бухорода шўролар ҳукумати тузилибди. Яхши, одампарвар, етимларнинг бошини силовчи ҳукумат эмиш, очларни тўйдириб, яланғочларни кийдирар, ерсизларга ер берармиш“ деган овозалар тарқалган. Шаҳарда ўн кун муттасил отишма бўлиб турган. Қишлоғимизнинг халқи ҳам оёққа турди. Ниҳоят яхши замон бўлди. Олача, бўз, шол ўрнига чит, сатин, ипак, мовут, қоракўл матолари келди. Қора чироқ ҳам ғойиб бўлди.

Қишлоқдаги оғзи катта бойлар — Қўқончибой, Султонбой, Райимқулбой, Шоийбойлар бартараф топди. Ер ислоҳоти бўлиши блан, ерлар камбағал ва батрақлар ўртасида тақсимланди. Колхоз раиси — Чўли Бегимқулов, ҳосилот — Равшан Хидиров, иккинчи бригаданинг звено бошлиғи, Рўзимат каби жуда кўп камбағаллар ўзларига паноҳ топдилар.

Янги ҳаёт

Қора кунлар орқада қолди. Зулм қамчисини кўртарган бойлар ҳам, қишлоқ фуқароларини хонанайрон қилган босмачилар ҳам йўқ бўлди. Қишлоқ бутунлай ўзгарди, ҳаёт ҳам ўзгарди.

Нотиқ жуда содда тил блан қишлоқнинг тарихини сўзлар, залдагилар эса зўр диққат блан тинглар эдилар. Ҳатто папирос чекиш учун гугурт чақиш ҳам малол келар эди. Шаропов қа-

риялардан эшитиб тўплаган ва ўрганган материал, хотираларини ўзи кўргандай қилиб сўзлар, бу эса фаровон ҳаётнинг соҳиби бўлган колхозчиларнинг кўз олдига ажойиб манзарани гавдалантирар эди. У, сўзини яна давом этдирабошлади.

— Дашт қишлоғи жуда гўзал, обод социалистик қишлоққа айланди. Энди унда ўз бахтига эришган 447 хонадон бор. Бу уйларда ўзининг ҳалол меҳнати самараларини татиётган, тенг ҳуқуқли 2585 та совет деҳқонлари тўқ ва маданий ҳаёт кечирмоқда.

Ўтмишга бир назар ташлайлик.

1929 йилнинг совуқ январь оқшоми эди. Қишлоққа шаҳардан вакил келди. У, деҳқонларни чақириб йиғин ўтказди. У одам оғзидан колхоз деган сўз эшитилганда деҳқонлар ҳайрон бўлиб қолди. Вакил колхознинг ма'носи ва унинг фойдаси ҳақида тўла тушинтирди. Шунда Равшан Хидиров, Чўли Бегимқулов, Умур Одиловлардан иборат учлик комиссия сайланди. Булар колхозга киришни истовчи деҳқонларни рўйхатга олиб уюштириши керак эди.

Шунда 26 хўжалик колхоз тузишга қарор берди. Ҳамма топганини олиб келиб колхозга қўшилди. Колхозимизнинг номи „Қизил аскар“ деб аталабошлади. Ўша йили биринчи марта лавлаги экдик. Ҳосилимиз жуда бўлиб берди. Ҳозирги миллионер колхозимиз ўша пайтда 5 та от, 31 та қўй, 26 гектар ерга эга эди. На ҳўкумиз ва на битта аравамиз бор эди. Шундай қилиб деҳқончилик бошлаганмиз.

1931 йилга бориб колхозга секин-секин якка хўжаликлар ҳам келиб қўшилабошлади. 150 хўжалик бўлди. Энди колхоз анча арава, 4 ҳўкиз, 46 от, 75 та қўйга эга бўлган эди. Шу йилдан бошлаб пахта экабошладик. 90 гектар ерга пахта, 500 гектарга дон экилиб, 550 гектар ер ўтлоқ қилиб ажратилди. Колхоз пахта, галла, чорво ишлари блан шуғулланабошлади.

Қора чироқ ёқиб қоронғу кулбаларда яшаган халқ ҳалол меҳнат эвазига ойнавонли уйлар қуриб олди. Юпин, яланғочларнинг усти бут бўлди. Бойлар эшигида ҳаётга ташна бўлган батраklar колхоз ҳаёти туфайли давлаиманд-маданий колхозчига айланди.

Колхознинг олтин фонди

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан бурун қишлоғимизда битта ҳам саводхон йўқ эди. У вақтда деҳқон боласи отаси блан кечаю кундуз меҳнат қилишга мажбур эди. Чунки у вақтлар одам қаторига ўтиш учун қатор тўсқинлик бор эди. Ота-боболаримиз қўлларига китоб ушлолмай, бойлар эшигида ишлаб машаққатда яшаб илмдан бенасиб ўтганлар. Коммунистлар партияси, совет ҳўкуматигина ота-боболарнинг рўёбга чиқмай қолган орзусини рўёбга чиқарди. 1930 йилда қишлоғимизда янги мактаб очилди. 1936 йилга бориб 22 синфли кенг ва ёруқ бино қуриб берилди. Ҳозир 470 нафар ўқучи илм олмоқда.

Биз қувониб гапирсак арзийди. Тарих ўқитучимиз Элмат Фар-

монов, химия ўқитучимиз Абдигачи Пулатов, биринчи синф ўқитучимиз Астон Назаров, физика ўқитучимиз Суннатой Никбоева каби 15 та ўқитучимиз ҳам мактаб, ҳам колхознинг қувончидир. Чунки буларнинг ҳаммаси ҳам шу мактабни тамомлаганлар. Сўнгра Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидаги пединститутларда таҳсил кўриб педагоглик мутахассислигини ортдириб келган педагоглар.

Ёш бўғиннинг тақдири ишончли қўлларда. Мактаб юздан ошиқ ўқучини турмушга узатди. Мактабимиз қўшни қишлоқ ва райондаги мактабларга 35 та ўқитучи кадрлар тайёрлаб берди. Қарши район партия ва совет ташкилотларида ишлаётган Каримжон Раҳимов, Ҳайдаржон Раҳматов, Сайфуллин, Барат Музаффаров, Рашид Рўзиев, Мўминжон Шароповлар шу мактаб партасида ўқиб балоғатга етган.

Колхоз ўзининг чаққон, шижоатли, ўқимишли кишилари билан фахрланади. Бу кадрлар ҳамма ерда меҳнатда ва фронтда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Колхознинг ўз тракторчилари, шоферлари, ўқитучилари, докторлари, зоотехниклари, боқча мураббиялари, агрономлари, ҳисобчилари бор. Улуғ Ватан урушига кетган йигитларимизнинг кўпчилиги соғ-саломат қайтиб тинч меҳнат қилаёшлади.

Ўтмишда маърифат нурларидан баҳраманд бўлмаган деҳқоннинг боласи шаррос саводхон. Энди, у истаган ҳунарининг бошини тутаолади. Энди унга Пушкин, Толстой, Горький, Байрон, Шекспир, Руставели, Навоий, Муқимий, Гафур Ғулом ойна. Энди гўдақларимиз туғилиб-оқ ота-бобосидек кетман ва жафони кўрмайди. Колхоз олтин фондга-кадрларга эга бўлганга туфайли зориқмайди. Ҳозирда мактабдаги 53 ўқитучи ва ўқучи комсомоллар агитатор бўлиб совет гражданларининг ҳуқуқ ва бурчларини ҳар оқшом хонама-хона юриб тушинтирмоқдалар. Ўтмишда сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган деҳқонлар бу сифар мағрурлик билан халқ номзодларига овоз берадилар. Бу сайловда 1199 киши овоз беради. Булардан 175 таси биринчи марта сайловга қатнашиш шарафига муяссар бўлади.

Колхоз комбинати

— Мана бу ерга ҳаммом, мана бу ерга хумдон, бу ерга касалхона, бу ерга эса мактабимиз жойлашган. Бу ерда эса колхознинг комбинати тонготардан қошқорайгунча ишлайди.

Ҳамманинг кўзи нотикнинг калтак билан кўрсатган харитадаги бўёқли жойларига қадалди. Ҳамма кўз олдида нотик зикр қилган иншоотларни тасаввур қилди. У, харитадан темирчилик, аравасозлик, этикдўзлик, тўқучилик, йигириш, дурадгорлик ишхоналарининг фаолияти ҳақида ҳикоя қилди.

Тўғри, колхоз ҳечбирон маҳал бирор ерга бориб нолимади. Аравасозлик ишхонаси гумбирлатиб соз аравалар ясаб берди. Йигиручи ва тўқучилар бўлса қўлбола чит тўқиб, улуғ Ватан уруши йилларида колхозчиларни кийим-кечак билан таъминлаб турди, ерга бўғзигача кирадиган баракали, салмоқли кетмонларни,

белларғи, ўроқ чалгиларни, качкат, поки, пичоқларни Тошпўлат ака Раҳимов, Чули Бобожоновлар узликсиз ишлаб бермоқдалар. Бу йил темирчилик ишхонаси 290 та кетмон, 80 та ўроқ тайёрлаб берди.

Колхозчиларимиз энди жуда тўқ. Уйимда сиғирим, қўйим йўқ, электр ва радио киритмаганман деб ким айтаолади? Колхозчиларимиз яхши кийиниб истироҳат қилишни истайдилар. 15 йилдан бери, устачилик қилиб келаётган Очилота Гулматов олдиға келиб:

— „Устабобо бизға бир этик, ё ботинка ё бир махси тикиб берсангиз“ деб буюртма берадилар. Этикдўзлар ҳам дарров уларнинг оёқларини ўлчаб буюртмаларини дарров тайёрлайдилар.

Абдурасул Раҳимов, Ҳолмурод Соҳибовлар бўлса икки хумдондан ҳар пиширишда 50 мингдан ошиқ гишт тайёрлаб чиқарадилар. Шу ўлтирган клубимиз, сиз яшаётган уйларнинг гиштини ўз хумдонингиздан олмаганмисиз?

Орзу ва режалар

Она ўзининг асл ўғли блан қувониб мақтангандек колхоз ҳам ўзининг фидокор ўғил-қизлари блан фахрланади. Яқиндагина уюшган колхоз энди миллионер колхоз бўлиб донғ таратди. Авваллари колхознинг умумий ери 468 гектар бўлган бўлса, ҳозир 1112 гектарға ўсди. 131 бошдан иборат отлар сони 260 га етди. Ҳозир колхознинг 12 мингга қора кўл берадиган қўйи бор. Чорвачилик ишларидаги илғорлиги учун колхоз Бутун Иттифоқ қишлоқ хўжалик кўرғазмасига қатнашиб биринчи даражали катта олтин медаль олган эди.

Улуғ Ватан уруши даврида мамлакат мудофааси фондига 218 бош от, 300 тонна гушт, 2 минг тонна ғалла ёрдам бериб партия ва ҳуқуматнинг ташаккурига сазовор бўлди.

Колхоз 1946 йилда 300 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 23 центнердан ҳосил етиштиришга муваффақ бўлди. Комсомол Рўзигул Эргашева звеноси 47, Рўзи Мурод Авазов звеноси 46, Авазниёз Ражабов, Орзиқул Холиқов, Ҳурматоӣ Қулаҳмедовалар 30 дан 35 центнергача пахта етиштирдилар.

Отоқли чўпонлар, ғаллкорлар қоракўлшунослар, боғбонлар колхознинг меҳнатига барака қўшиб шавкатини оширмоқда. Кучли прода, меҳнатга муҳаббат, колхоз тузумининг афзаллиги— чўлларда юрган собиқ батракларни уй жойли, тўқ турмушли қилди.

„Октябрь 14 йиллиги“ колхози бу йил 2 миллион сўм даромад қилди. Қуруқ даштда ойнавонли уйлар, тартибли дарахтлар ўтқазилган кўчалар, мухташам колхоз саройи, туғруқхона, касалхона, ясла, боқча, меҳмонхона, клуб, кутубхона барпо қилинди. Колхозчилар ўз қўллари блан кўчат ўтқазиб истироҳат боғи яратдилар. Ҳаммом, хумдон ишлаб турибди. Колхоз идораси, колхозчиларнинг уйларини телефонлаштиришни амалға оширади. Ҳозир 75 та янги типда уй солинган бўлса. 1950 йилгача қишлоқ

юзи бутунлай ўзгаради. 50 гектар ер узумзор, мевазор қилинади. Пахта майдони 700 гектарга ошади.

Мана Дашт қишлоғининг қисқача тарихи. Колхознинг бу даража юксалишига колхозда коммунистлар ва комсомолларнинг колхозчиларга бош бўлишидир. Ўтмишда хор-зор бўлиб кишилар ашигида хизмат қилган собиқ батрак, ҳозир турмуш тажрибаларига бой пахтакор ва ишчан коммунист раисимиз Чўли ака Бегямқулов Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

* * *

Залда ўтирган ёш-қари колхозчилар, ўспурин ўқучилар, қишлоқ тарихини жуда мароқ билан тингладилар. Шаропов ўз қиссасини тугатар экан, колхоз раиси Чўлиака, кекса боғбон Гаффорбобо, Ниёзматбоболар чиқиб колхоз тузумидан, совет ҳукуматидан чексиз миннатдор эканликларини, эски сайловларнинг тартибини ҳикоя қилиб бердилар.

7-чи мактабининг ҳаваскорлари колхоз саҳнасида пайдо бўлаши билан чапаклар чалинди. Колхозчилар ширин суҳбатдан бўшаб уйларига тарқалаётганларида ой, қишлоқ тепасида осилган фонардек нур сочиб турар эди.

Шароповнинг қиссасини тинглаганлар 1947 йил 16 февраль кунини мана шу ерга келиб Ўзбекистон ССР Олий Советига ўз вакилларини сайлайдилар. Сайлов қутисига сайлов бюллетенини ташлаётганларида албатта туганмас бахт ва ҳуқуқ—фаровон турмуш берган улуғ Сталиндан чексиз миннатдор бўладилар.

Қашқадарье область, Қарши райони,
Дашт қишлоғи.

ЗЕБИННИСОНИНГ ИЖОДИ

I

Машҳур шоира Зебиннисонинг номи Ўзбекистон, Тожикистон, бутун Ўрта Осиё ва умуман Шарқ халқлари ўртасида муҳаббат ва ҳурмат блан тилга олинади. Унинг лирик асарларининг ҳанузгача севилиб ўқилиши бечиз эмас, бу шеърлардаги халқчилик, ростгўйлик, самимийлик ва соддаликдек бадийликни тавсифловчи фазилатлар, забардаст шоиранинг ижодини китобхонларга манзур этгандир. Истеъодли шоира Зебиннисонинг муҳаббат мавзуида ёзган ғазаллари ҳам одамзоднинг ҳаётий севги кечиринмаларини кушод ифодаловчи лирик поэзия дурдоналаридир. Унинг:

Билки зулфи кажу, чаши сурмасо инжост
Нигоҳи гарму, адоҳони дшрабъ инжост

(Кел, сочи юзига гажак бўлиб тушган, сурма қўйгандек қаро кўзли гўзал, унинг иссиқ қарашлари ва кўнгил олучи ноз-адолари шу ердадир).

деб бошланган ғазали ва шуниингдек бошқа шеърлари халқ оғзида классик ҳаволарда куйланади. (Ушшоқ).

✓ Зебиннисо шоирагина эмас, музика (хусусан танбур) чалишда моҳир, ҳуснихат (каллиграфия)да нодир сан'аткор ҳам эди. Шоира Зебиннисонинг ижодияти ўзидан кейинги адабиётнинг (жумладан ўзбек поэзиясининг ҳам) равнақиға баракатли таъсир этган. Фазлий, Нодира, Ҳозиқ, Фурқатдек ўзбек адабиёти тарихида маълум ва машҳур шоир ва шоиралар Зебиннисо поэзиясининг илҳомбахш чашмаларидан баҳраманд бўлганлар. Фазлий ўзининг „Мажмуатуш-шуаро“сида шоира Маҳзунани таъриф ва тавсиф этар экан:

Ба маъни чу Зебиннисо, Нодира,
Ба Хўқанд машҳура-у шоира¹.

деб ёзади. Яъни Маҳзуна мазмундорликда — Зебиннисодек Нодира эди, Қўқонда машҳур шоира эди, дейди. Демак Зебиннисо Умархон замонасининг кучли шоири Фазлий Намангонийга сермазмун шоира сифатида чуқур таъсир қолдирганки, у замонасининг яхши кишиларини (чунончи машҳур шоира Маҳзунани) бу жиҳатдан унга ўхшатади.

¹ Фазлий — „Мажмуал-шуаро“. Тошкент, 1902, бет 501.

Зебиннисо ҳам Маҳзуна, Увайсий, Нодиралардек ўз даврининг эркин фикрловчи гуруҳларига мансуб қаламкаш эди.

Умархон замонининг яна бошқа кучли шоири „Юсуф ва Зулайҳо“ деган дoston яратган Ҳозик ҳам Зебиннисонинг юксак бадий талантига тан бериб, шоиранинг ғазалларига муҳаммаслар ёзган.

II

Халқнинг прогрессив фикр ва ҳисларини, хусусан ўзи каби опа-сингилларининг озодлик, бахт ва эркин муҳаббат тўғрисидаги орзу-армонларини куйлаган шоиранинг бадий ижоди маълум тазкираларга киритилмаган.

Мусулмон шарқида аёлларга манфий муносабат Зебиннисонинг адабий меросига бепарво қарашга олиб келган.

„Гулистон масаррат“ ва баъзи баёзларда Зебиннисонинг айрим шеърлари учрайди. Зебиннисо шеърда „Махфий“ деган тахаллусни қўллаган. Ўзининг озодликдан маҳрум этилганига, „ичкари“да яширинганига ишорат қилиб шундай тахаллус танлаган бўлса керак.

Шоира Зебиннисонинг 1888 йил январьда Ҳиндистондаги „Нул кишвар нашриёти“ томонидан босилган куллиёти—„Девони Махфий“ дейилади. Шоиранинг шу ном блан 1330 ҳижрия, 1912 милодияда Лаҳур матбаасида Шайх-ал Таҳи бахши Муҳаммад Жалолдин томонидан нашр этилган куллиёти ҳам бор.

Бу девон ва баёзларда Зебиннисонинг ҳаёти ва ижоди ҳақида адабий-тадқиқий малумот берилмаган, девоннинг қўлёзма нусхаси ҳам камдан-кам.

1940 йилда Тожикистонда нашр этилган „Намунаи адабиёти тожик“ номли антологияда Зебиннисо шеърларидан намуналар ва шоиранинг ҳаёт ва ижоди ҳақида баъзи умумий гаплар бор.

Тожикистон давлат нашриёти 1940 йилда Зебиннисо асарларини „Мажмуаи шеърҳо“ номи блан алоҳида китоб қилиб чиқарди. Лекин бунда ҳам қисқача кириш сўздан бўлак ҳечқандай тарихий-адабий анализ мавжуд эмас.

Зебиннисонинг шу мажмуадаги шеърлари ўзбек тилига таржима қилинишига ва шоиранинг ҳаёт ва ижоди илмий тадқиқотга сазовордир.

III

✓ Зебиннисо яшаб ижод этган давр, машҳур шоир ва мутафаккир Мирзо Абдулқодир Бедил (1644—1721) замони эди.

Зебиннисо 1048 ҳижрия, 1644 милодияда Деҳли шаҳрида туғилиб, 1113 ҳижрия, 1709 милодияда ўша ерда вафот этган.

Бедил, Зебиннисодан 10-12 ёшлар чамасида катта бўлган. Зебиннисонинг (Мирзо Бедилнинг ҳам) ҳаёти ва ижоди феодализм қарама-қаршиликлари кескинлашган бир даврда ўтди. Бу вақт ҳокимият тепасида, Ҳиндистонда „Буюк мўғул империяси“ ня асослаган, З. М. Бобир (1483—1530) чевара, паниаваралари,—Шоҳи-

жаҳон (ҳукмронлиги 1627—1658 йиллар) Аврангзеб (ҳукмронлиги 1658—1707 йиллар) ва бошқа темурий шаҳзодалар турар, булар билан феодал тўқинишларда бўлган Мовароуннаҳрда Аштархонийлар сулоласи (хонадони)дан чиққан подшоҳлар, Хоразмда эса, Абулғозий ва ундан сўнгги хонлар ҳукм сураар эди. Бу тарихий шароит Ҳиндистонда ғарбий Европа капитализмининг таъжовуз ҳаракатининг ўсабориши билан ҳам характерланади.

Зебиннисо Бедил каби сан'аткорларнинг ҳаёт ва адабий фаолияти ўтган XVII асрнинг иккинчи ярми ва XVIII асрнинг аввали шундай бир тарихий шароит билан шартланган эди.

Зебиннисо, ўзбек халқининг шоир ва адиби Заҳириддин Муҳаммад Бобир авлоди Абузафар Муҳиддин Аврангзеби Оламгирнинг қизи эди.

У бобоси Шоҳжаҳон ҳукмронлик қилиб турган пайтда туғилди ва балобатга етди. Бу пайтда Зебиннисонинг бобо, бобокалонлари хомилигида ривожланган маданият традициялари давом этар эди.

„Бобир тамонидан асосланган империя унинг набираси Акбар замонида (1556—1605) юксак нуқтасига бориб етди. Ҳиндистон тарихида бу ажойиб бир даврдир. Акбарнинг фанга, адабиётга ва сан'атга қизиқиши натижасида унинг атрофига анчагина талантли олим ва шоирлар тўпланди. Бу шоирларнинг фаолияти ва асарлари ҳалигача яхши ўрганилмаган. Улар бутун мусулмонларнинг адабиётига та'сир кўргазган алоҳида адабий усулнинг келиб чиқишига сабаб бўлганлар“, „Акбар замонида вужудга келган адабий оқим ундан кейинги Жаҳонгир (1605—27), Шоҳижаҳон (1628—58) ва Аврангзеб (1658—1707) замонида ҳам давом этди“. (Проф. Бертельс. „Бедил ҳақида“, „Зафар“ 1945 йил. бет 118—19).

Профессор Е. Э. Бертельс, бу замонда яшаган уч ажойиб шоир — Муҳаммад Толиб Омулий, Абутолиб Калим ва Соиб Исфаҳонийлар ҳақида гапириб, уларнинг классиклар услубига хос пардоз, андозларни бузишга, образни пасайтиришга, соддалаштиришга интилганларини, аммо „Бедилнинг асосий фикрлари ўша замондаги ислом динининг асосий фикрларига хилоф эканини исбот қилаёйлик, ундаги мураккаб услуб шоирни ҳужумдан асраш учун ёрдам берадиган виқобдир, деб ҳукм чиқариш мумкин“¹ бўлаолажagini та'кидлайди.

Зебиннисо она томонидан ҳам ёзучи ва саркарда Заҳириддин Бобир қизи Гулбадан бегимнинг авлодидир. Аврангзебнинг тўрт ўғли ва тўрт қизи бўлиб, булар орасида энг яхшиси шу Зебиннисо эди. У форс, араб тилларини ва шу тиллардаги бой адабиётни жуда яхши билар эди.

Зебиннисо тахминан 14 ёшларда, бўйига етган қиз бўлганда, бобоси Шоҳижаҳон вафот этди (1657).

Шоҳижаҳон асрида ме'морчилик саройда хилма-хил безак

¹ Е. Э. Бертельс. „Бедил ҳақида мутоҳазатар“, „Зафар“ тўптам 1, 1945 йил. 21 бет.

сан'ати авж олган эди. Империяни жанубга кенгайтирган Шоҳижаҳон, ўзбек ҳарбий феодал отличлари ва эронийлар билан жанг қилиб шикаст еди.

Шоҳижаҳон ерни таноблаш ишларини йўлга қўйиб, солиғларни малум тартибга солди.

Ҳинд ва мусулмон аҳолига бирхилда қараши орқасида уни отахон деб атадилар. Шоҳижаҳоннинг ўлиши билан, унинг 4 ўғли бирданига тахтга да'вогар бўлиб бош кутардилар; ўзаро курашлар бошланиб кетди. Ниҳоят Шоҳижаҳоннинг учинчи ўғли Аврангзеби Оламгирнинг қўли билан келиб, 1658 — йилда тахтга чиқди. Аврангзебнинг қарийб ярим асрлик (49 йил) ҳукмронлик қилган даври оғир замон эди.

У Бобир, Акбар (1556 — 1605) дек улуғ боболаридан Ҳиндни идора қилиш мудабирлиги ва ташқи сиёсатда моҳир дипломатликни мусбат традициялар сифатидан мерос қилиб ва ўқиб олмаган эди. Тарихчиларнинг малумотларига қараганда у саховат талаб ишга — хасосат, қаҳру — сиёсатга сазовор одамга — лутф ва марҳамат кўрсатар эди.

Ўз ҳукмронлигининг дастлабки пайтларида ҳиндиларнинг дин-мазҳабларига таасубсиз ва даҳлсиз бўлсада, аммо кейинчалик мусулмон фанатизми (тақводорлиги, таассубчилиги) авж олиб кетди.

У бошқа диндагиларни та'қиб остига олиб, уларга жон бошига солиғ солди ва аҳраманларга бу солиғ икки баробар ошиқ солинган эди. Ниҳоят умрининг охириги йилларида аҳраман ибодатгоҳларини бузиб, ўрнига масжидлар қурдирди ва ундакишларни зўрлаб намоз ўқитдирди. Натижада ҳинд қабилалари ўртасида Аврангзеб сиёсатига қарши Панжоб, Ражпутон ва Махратлар элида кучли исёнлар кўтарилди.

Махратлар Сивожи бошчилигида император қўшинларига шикаст етказиб Сурат вилоятини қўлга киритадилар.

1674 — йилда Сивожи ўзини мустақил э'лон қилади ва ўз пулини чиқаради. Сивожи, Аврангзеб империясига қўшмоқчи бўлган Биджапурни ҳам ўзига бож тўлашга мажбур этди. Бомбай ва Гоа ўртасида жойлашган махратлар кейинги ғалабалардан сўнг донишмандларни, аҳраманларни чақириб келтириб, давлат ишлари билан (Сивожининг ўзи эса, қўшин ишлари билан) шугулланадилар. Бу ишлардан хуноб бўлиб, ишончини оқлаблмаган сипоҳийларидан ранжиган Аврангзеб 1680 — йилда уз саркардалигида жанубга қўшин тортиди ва Биджапур ҳам Голкондни забт этиб империясига қўшди.

Ҳинд хонликларидан кейин махратлар элига юриш навбати келдики, бу пайтда Сивожи ўлган ва унинг вориси ҳам ўғли Самбаджа баҳодирликда ундай эмас эди.

Аврангзеб бунда дастлаб ғалаба қозонган ёш ҳукмдор ва унинг ўғлини асир олган бўлсада, озодликни севучи махратлар кураш-ни давом этдирдилар, император қўшини улардан шикаст еди. Самбаджа биродарининг тул хотини Радха-рама махратлар элининг ҳукмдори бўлганидан кейин, Аврангзеб қўшини бутунлай

тор-мор қилнади ва мағлубиятга учраган подшо алам-ҳасратлар блан дун'ёдан ўтади.

Бугина эмас. Португалия, Голландия ва ниҳоят Англия капитализмининг бирин-кетинг Ҳиндистонга суқилиб кириши ҳам зўр ташвиш бўлади. Аврангзебнинг ҳукмронлик даврида Англия капитализмининг „Ость-индия компанияси“ қуроли флот ёрдами блан португалларни енга бориб, 1661 йилда истеҳкомли Бомбайни ҳам қўлга киритаолган эди. Португалларга қарши (булар Васко-Де-Гама қўл остида, дастлаб 1498 йилда Ҳиндистонда пайдо бўлган эдилар) Голландиядилар ва англизларни қўллаган „Буюк мўғул империяси“, Аврангзеб замонида англиз тажовузига қарши уруш очди. „Ость-индия компанияси“ хўжайинларининг „Буюк мўғул“ давлат манфаатларига терс боришлари Аврангзебни уруш очишга мажбур этган эди. Броқ у, 1685 йилда енгилди. Бу мағлубият „Буюк мўғул империяси“да ички бўлиниш (сепаратизм)ни зўрайтиб, англизларнинг Ҳиндистонга чуқурроқ кириб боришларига имконият туғдирди. Инглизлар атайлаб фитна ва ғалаёнларни, ички феодал қарама-қаршиликлар ва интригияларни кучайтирардилар. Улар шунга эришдиларки, Аврангзебдан кейин, 1712-нчи йилдан бошлаб, Ҳиндистон Англиянинг колониясига айланди ва кейинги Бобир авлодлари расман подшоҳ бўлсаларда, амалда мустақил эмас эдилар. 1857 йилда Инглизларга қарши кўтарилган сипоҳилар қўзғолонидан кейин шу расмий жиҳат ҳам бекор қилинди ва кейинги Бобирий Баҳодиршоҳ 1862 йилда сургунда ўлди.

На Бобир, на унинг авлодлари ва на Англия империализми энг қадим замонлардан буён давом этиб келган ҳинд жам'ияти социал шароитини ва халқ оммаларининг маиший аҳволини тубдан ўзгартаолмади.

„Ҳиндистоннинг ўтмишида сиёсий ағдариш-тўнтариш қанчалик муҳим бўлган бўлмасин, унинг социал шароити энг қадим замонлардан тортган, то XIX асрга қадар ўзгармай қолаверган. Ун мингларча йигиручи ва тўқучиларни боқиб келган, қўл меҳнатига асосланган тўқучилик дастгоҳи ва йигириш чархи ҳинд жамияти тузилишининг асосини ташкил этган“¹.

Шуни кўрсатиб ўтиш лозимки, Бобир ва унинг ўғил ва набиралари Ҳиндистонда майда хонлик ва бекликлардан иборат бўлган бир қанча рай ва ражаларни, ўзаро доимий, қабилавий жанглар блан мамлакат бутунлиги ва халқ тинчлигини бузучи уруф тоифаларни „Буюк мўғул“ феодал империясида бирлаштиришга ва шунинг натижасида умумий тартиб жорий қилиш, маданият киритиш ва ободонлик юзга келтиришга муваффақ бўлди. Бошқача қилиб айтганимизда „XIV асрнинг ўртасидан бошлаб, Ҳиндистоннинг мусулмонлар яшаган қисмида яна ғалаёнлар бошланади, бу эса маданиятнинг ривожланишига тўсқинлик қилади. Ҳиндистоннинг Бобир томонидан урушиб олинishi (1525) натижасида

¹ Карл Маркс асарлари, жилд IX, 433 бет.

Ўзаро урушларга хотима берилди.¹ Бугина эмас. Голландияликларнинг Ҳиндистонга кириши, янги йўлларнинг топилиши туфайли Урта Осиёнинг савдо йўли сифатида ўз аҳамиятини йўқотган пайтида, Бобир янги жанубий Осиё савдо йўлининг эʼтиборини ошириб, феодал аʼёнлар билан карвончи бойлар, савдогарлар ҳамкорлигини юзага келтириб, тоифали жамоаларга ҳос бекикликни йўқотиш учун дастлабки шароитларни туғдириш каби прогрессив тадбирларни қўллайдди. Лекин бутун бу тадбирларга қарамасдан Бобир ва унинг хонадонидан чиққан ҳукмронлар, примитив асбоблар билан феодал ер мулкياتини ишлашга ва қўл ҳунарига асосланган қадимий ҳинд тоифали жамиятларини барҳам беролмайдилар.

Маркс „Ҳиндистонда Британия ҳукмронлиги“ сарлавҳали мақоласида кўрсатганидек бу „қишлоқ жамоалари, улар қанчалик озорсиэга ўхшаб кўрилмасинлар, ҳаммаша Шарқий деспотизмнинг асоси бўлиб келганлар, улар одамзод ақлини жуда тор ҳудудлар билан чеклаб, уни хурофотларнинг қули қилиб қўйганлар, уни традицион қондаларга бўйсундирганлар, уни ҳар қандай улугворликдан, тарихий амалиётга бўлган ҳар қанақанги энергиядан маҳрум этганлар“².

Одамзод ақлини хурофотлар билан чеклаб, уни традицион қондаларга бўйсундиручи бундай социал шароитлар Зебиннисо яшаб ижод этган замон ва макон учун ҳам характерли бўлгандир. (Авраңгзебининг мусулмон фанатизми в. б.)

Зебиннисонинг катта бобоси Муҳаммад Салим — „Жаҳонгир“нинг хотин-қизга муносабатини олайлик, „Оташқада“ эгаси Лутф Алибек Озар берган малумотларга қараганда, Жаҳонгир Ҳиндистонда подшо бўлган даврда (1605 — 1627), Нуржаҳон бегим ҳарамга олинади.

Қиз ўзининг поймол қилинган номусини ёқлаб Султон Жаҳонгирга ёзади:

Туро тугмаи лаʼласт бар ли боси ҳарир,
Шудаст қатраи хуни манат гирибонгир.

(Сенинг ҳарир кийимингда лаʼл тугманг бор, меннинг қовим қатраси сенинг ёқангдан тугибдир).

Бунинг учун ўлимга ҳукм қилинган шоира қуйидаги байтни Султонга юбориб, уэр айтади:

Ба қатли чун мане қаз хотират хушнуд мегардал,
Ба жон миннат, вале теги ту хун олуд мегардад.

(Агар мендекни ўлдириш билан қувонадиган бўлсанг, майли миннатдормап-ку, аммо сенинг тифанг хун бўлади).

Шоира Нуржаҳонбегим эри Жаҳонгирдан сўнг 19 йил умр кўради. (1646 йилда вафот этган).

Зебиннисо ҳам ўзининг кекса замондоши Нуржаҳонбегим каби форс-тожик тилида шеʼр ижод этар эди. Бунга замонасининг шароити сабаб бўлганини тушуниш қийин эмас. Форс тилида

¹ Проф. Бергелъс — Бедил ҳақида мулоҳазалар. „Зафар“ тўплами, 118 бет.

² Карл Маркс асарлари, IX жилд — 351 бет.

ше'р ёзиш кўп асрлик форс-тожик адабиёти традициялари қаторида уша замонда расм-одат бўлган.

„Ҳиндистоннинг гарбий областьлари XII асрдаёқ газнавийларнинг ҳокимияти остига тушиб қолгани малумдир. Шу вақтдан бошлаб, у ерда турк хонлари тўхтамай ҳукм суриб келдилар, улар блан бирга сарой тили ва адабий тил сифатида форс тили кириб келди.

Тугри, бу князликларда адабий маҳсулот бошда унча катта аҳамиятга эга эмасди. Ёлғиз XIII асрнинг иккинчи ярмида Амир Хисрав Деҳлавий (1235 — 1325) нинг фаолияти орқасида Ҳинд-Форс поэзияси зўр аҳамият касб этади. Урта Осиёда темурийлар замонида бу шоирнинг асарларига юксак баҳо берар эдилар¹.

Бутун бу тарихий шароитларни ва шоиранинг адабий меросини э'тиборга олмасдан ба'зи „адабиётшунос“лар, „Девони Махфий — Зебиннисонинг ўзбекча ғазал ва муҳаммасларидан иборат девони“² деб қуруқ маҳмадоналик қиладилар.

Зебиннисонинг ўзбекча девонга эга бўлмагани ҳам, Низомийнинг форс тилида ёзганидек тарихий шароит блан шартланган ҳодисадир. Зебиннисо ше'рларининг ҳам фўрс тилида ёзилгани, шоира ижодининг Ҳинд, Эрон, Афғонистон ва бутун олдинги шарқ ҳам совет Шарқидаги хусусан форс тилида сўзлашувчи кенг аҳолига бориб етишига ва ўзлашиб кетишига қулай имконият туғдирган.

Совет халқлари бутун Урта Осиё халқларининг севиқли китобнависи бўлган Зебиннисонинг адабий меросига ҳурмат блан қараб келмоқдалар.

IV

Зебиннисонинг лирик ижоди деярлик ўрганилмаган. Биз шонранинг даври, ҳаёти ва ижодини ўрганиш йўлида бир тажриба тариқасида шу ишни ёздик. Бунда шоиранинг Тожикистонда босилган тўпламига кирган ше'рлари асосида ба'зи мулоҳазалар баён қилинади.

Зебиннисонинг неча ёшдан ше'р айтабошлагани малум эмас. Шоира Нодирадек Зебиннисонинг ёшлиқдан ше'р машқ қилгани эҳтимолдан узоқ эмас. Бунга унинг тарбия шароити ҳам имкон беради. Зебиннисо ўз давридаги Ҳинд-форс адабий мактаби ва янги услуб чашмаларидан ҳам баҳраманд бўлган.

Эс-ҳушини таниб олиши бланоқ Зебиннисонинг ўткур зеҳни замонасининг сирини, социал адолатсизлик кулфатларини пайқайди ва бу ғам юки остида ёшлиқдан қадди букилишини сезади.

Нагардад рост эй Махфий, ниҳоли қоматат каз ғам,
Баҳангоми туфайлият чу тори зулф ҳам гардал.³

(Эй Махфий, ғам орқасида, қоматинг ниҳоли адл ўсмайди, ёшлик чоқларида соч толасидек зғилади).

¹ Проф Гертелс Е Э. — „Бедил ҳақида мулоҳазалар“ „Зафар“ 118 бет.

² Ёрқин ҳаёт журнали № 3—1941 йил. 15—бет.

³ Зебиннисо — „Мажмуайи ше'рҳо“, 1940 й. 67 бет.

Зебиннисо ватан на халқ ғами блан яшаган. У эркак ва аёл аҳолининг гафлат ва жаҳолатга ботганидан, мамлакатнинг қоронғуликда қолдирилганидан, куйиниб ва ачиниб ёзади.

Рўзи ич умри кутох охир шуд,
Шаб зи торикийи ватан гиряд.
Баски гафлат рибуда мардумро
Чарх бар ҳоли марду ззи гиряд¹.

(Бу қисқа умрнинг кунни битди. Туш, ватан қорғилигидан кўзига ёш олади. Аҳолини гафлат босгани учун фалак эркак, аёлнинг ҳолига виғлайди)

Зебиннисо ўз даврининг ҳукмрон тартибидан шикоятланиб:

Халқе зи зулми беҳади гардун хароб шуд
Исоф дэр саволу, забони жавоб кў?²

(Халқ а'ёнларнинг зулмилан хонавайрон булди, буни сўрайлиган ҳам унга жавоб берадиган тил қани?)

лейди, зирак шоира замонасида ўз донолигининг оёғига кишан бўлганини (ақл балоси ма'носида) изҳор этади:

Машқи савдои жунунам боз домангир шуд
Риштаи допоням дэр пойман занжир шуд³

(Жунуним савдосининг машқи яна баримдан тутди. Донолигим томири оёғимга кишан булди).

Зебиннисо эркинликдан маҳрум этилган аёлларнинг аламҳас-ратларини ошкор ифода этган:

Дардоми зи қайди ситам овоз нагаштем,
Як лаҳза зи ғамҳойи жаҳон шод нагаштем⁴

(Ҳой аттави, жавру-жафо бандидан озод бўлмадик. Дун'ёнинг ғам-ғуссаларидан бир нас шод бўлмадик).

Илм-фазилатга эга бўлишдан ташқари соҳибжамол ҳам бўлган Зебиннисо, замонасидаги эркин фикрловчи симолардек ҳур муҳаббат асосида ояла қуришни орзу этган ва унинг бокира севги блан дун'ёдан ўтиш ма'носида шахсий фожиаси ҳам ана шу орзу ва имконият ўртасидаги қарама-қаршиликдан келиб чиқди.

Зебиннисо Бедил даврининг илғор қарашлари позициясида туриб қадим замонлардан буён давом этиб келган традицион расм-одатларга қарши турди. У жамиятдаги социал тенгсизликдан нолиб, муҳаббатда шоҳ ва гадонинг тенглигини куйлади:

Нозанинрб дило шоҳу гадо яқсон бувал,
Ё муҳаббат имтиёзи Хисраву Фарҳод нест⁵

(Эй кўнги, гўзалларга шоҳу гадо тенгдир, муҳаббатда Хисрав ёки Фарҳод бирор имтиёзга эга эмас).

¹ Зебиннисо — „Мажмуайи ше'рҳо“. 1940, бет 26.

² „ „ „ „ „ „ 16.

³ „ „ „ „ „ „ 7.

⁴ „ „ „ „ „ „ 93

⁵ Шу китоб 40 бет.

Зебиннисонинг бу фикри, замонасининг пешқадам гуруҳларидаги тараққийпарвар кайфиятларни ақс этдиради. Бадавлат кичиларнинг у пайтда бойлик орқасида ҳар қандай қизга уйланиб олишлари, куёв ва келин бир-бирларини кўрмасдан, Энгельс та'бирича, „бевосита манфаатдор бўлган тарафлар иштирокисиз“¹ никоҳ ўқитилиши мумкин ва жорий эди. Бунинг сабаби, Энгельс та'лимотича хусусий мулк ҳукмрон бўлган жамиятда таниннг товарга (қизнинг— қалин-молга) олмашинувидир. Фақат хусусий мулкка асосланмаган жамиятда эркин муҳаббат принципи асосида оила қурилади.

✓ Зебиннисо муҳаббатда шоҳ ва гадони тенг билиш блан бирга, эркин муҳаббат асосида оила қуришни орзу қилганки, унинг бу юксак орзуси блан, шароит имконияти ўртасидаги қарама-қаршилиқ бокира муҳаббат гулининг ёр чаккасига тақилмасдан қолиши сингари ҳаётинг драмага олиб келган ҳам бу жиҳат прогрессив ёзучининг шахсий (интим) лирикасида ўз идофасини топибдир:

Хайфи он умреки сарфи лола рухсоре нашуд
Бишканад дастеки ҳам бар гардани ёре нашуд
Сад баҳор охир шуда, ҳаргул ба фарқе жогирифт
Ин гули бишкуфтаи мо зеби дасторе нашуд,
Ҳар матоиро харедорест дар бозори ҳусн
Пир шуд Зебиннисо уро харицоре нашуд.

(Лола юзли гўзалга сарф бўлмаган умр хайф кетади. Машуқанинг бўйнига ташланмаган қўл синсин, юзлаб кўклам утиб, ҳар гул бирор чаккага тақилди. Бизнинг бу очилган гулимиз бирор севгилининг чаккасига тақиламди. Ҳусн бозоринда ҳарбир мато'га харидор бор, Зебиннисо қаридию, унга харидор бўлмади).

Бунда кўрамузика, Зебиннисо севги, муҳаббат гуноҳ ҳисобланган бир даврда ҳаётинг, инсоний ишқни улуғлайди.

Хайфи си умреки сарфи лола рухсоре нашуд
Бишканад дастеки ҳам бар гардани ёре нашуд.

(Лола юзли гўзалга сарф бўлмаган умр хайф кетади. Бирор ёр (ма'шуқа)нинг бўйнига ташланмаган қўл синсин).

Бу шоир Фурқатнинг:

Хок бўлсин ул танеким, ишқ ўтида куймаса,
Зерипо бўлсин сареким, онда савдо бўлмаса.

(Ғаёзи Фурқат, 1940 йил, бет 21).

байтини ва Нодиранинг:

Муҳаббатсиз биши сдам эмаслур,
Гар одамсан муҳаббат ихтиёр эт.

сингари оташин мисра'ларини эслатади. Ўйлаш мумкинки, бу байт ва мисра'лар дун'ёвий поэзиянинг гўзал намунаси бўлган Зеби-

¹ Ф. Энгельс — „Происхождение семьи, частной собственности и государства“ Партиздат ЦК ВКП(б) 1937 г. стр. 103.

нисонинг ҳаётбахш лирикаси та'сирида яратилгандир. Зебиннисонинг шу ғазалидаги кейинги („Зебиннисо қаридио, унга харидор бўлмади“) деган мисра' озроқ изоҳ талаб этади.

Зебиннисога харидорлар бўлмади эмас, бўлди; лекин уларни шоира харидор ҳисобламади. Чунки Носирали Сари Ҳиндий каби шоирлар, Оқилхон Розий каби шоирнамо ҳинд бойваччалари Зебиннисога харидор бўлиб юборган совчи ше'рлари блан шоиранинг муҳаббатини қозона олмадилар. Балки уятсиз сўзлар қўлаб ёзган ше'рлари учун шоира уларнинг адабини беради.¹

Бир Деҳли шоири шундай ошиқона байт блан Зебиннисога муурожаат қилади:

Туро эй гулбадан бепарда дидан орзу дорам
Латофатхойи ҳуснатро расидан орзу дорам.

(Эй соҳибжамол, сени очиқ кўрмоқ орзусидаман, ҳусн тароватинг латофатларига етмоқ орзусидаман).

Зебиннисо бунга жавобан дейди:

Булбул аз гул бигзарад гар дар чаман бинад маро,
Бутпарасти кай кунанд гар ахраман бинад маро
Дар сухан линҳоя шудам мованди бу дар барги гул,
Майли дидан ҳарки дорад дар сухан бинанд маро.²

(Булбул чаманда мени кўрганда, гулдан воз кечади. Бутпарастлар мени кўрганда бутга сажда қилмай қўлди. Гулнинг ҳиди япроқларида яширингандай, мен сўзда яширинганман. Кимнинг мени кўришга майли бўлса, мени сўзда — ше'рда кўрсин).

Кўраимизки, Зебиннисо ўзининг ҳусн-латофатларини кўрмоқ орзусида юрган кишиларга я'ни мусулмов шарқининг одати бўйича хотин-қизга фақат эстетик ҳис нуқтаи назаридангина қаровчиларга қарши ўзининг илму фазилатларидан, гўзал сўз устаси сифатида ўз менлигининг ше'р сан'атида намоён бўлганидан дарақ беради.

Улуғ узбек шоири ва муттафаккири Алишер Навоий Ширин сиюсида Зебиннисодек улуғвор аёл образини тажалли этдирган эди:

Менга не ёру, не ошиқ ҳавасдур
Агар мен одам ўлсам, ушбу басдур.³

Эркин севги асосида оила бахтига эришолмай, дун'едан тоқ утиб кетган шоира трагик ишқ ҳақида дейди:

Ба'ди мурдан ғам махўр Махфийки, дар ойини ишқ,
Бул-булу парвона гирад пояи тобути ман.⁴

(Эй Махфий, қайғирма, ўлгандан кейин муҳаббат расмига кўра булбул блан парвона тобутимни кўтаришади).

¹ Зебиннисо Носирали Сари Ҳиндий деган бир шоирга Мушоира учун: „Аз ҳам жудо намешавад зи ҳоловат лабам“ (Ширинликдан лабим бир-биридан ажрамайди) деб ёзган экан, „гўё расида бир лаби Зебиннисо лабам“ — („гўё лабим Зебиннисонинг лабларига теккандай“) тарзида беадаб жавоб олади. Шоира уни Деҳлидан чиқартиради.

² Зебиннисо — „Мажмуайи ше'рҳо“ — бет 68.

³ Навоий. Ҳамса, 1940 й. Тошкент, бет 153.

⁴ Шу китоб, бет 19.

Зебиннисонинг озодликни севучи қалби карқулоқ чор деворлар ичида, сайёднинг домига тушган қушдай типирчилаб, сабрбардоши қолмагани ҳолда ўзининг бахти қаролиғидан, ситам аҳлининг жабру-жафосидан бетоқат бўлаганини ёлғиз фар'ёд блан ошкор этади:

Зи жаври аҳли ситам дўстона чи чора кунам
Ба ғайри онки гиребони сабр псра кунам¹.

(Дўстлар, жабру-ситам аҳлининг жафоларидан сабр ёқасини парчалашдан бўлак қандай чора қилай?).

Ахир:

Ба жуз забунни толе' маро гуноҳе нест,
Дар ин муомила як жав худо гувоҳи манаст²

(Бахти қароликдан ўзга менда ҳечқандай тариқча ҳам гувоҳ йўқ, худо гувоҳимдир).

„Онги, шуури ўса бошлаган, аммо ижтимоий муносабатларда ҳукмрон бўлган ҳақиқий сабабларни очишга ҳали савияси етишмаган жамиятда бундай фикрнинг туғилиши табиийдир“.³

Бас шундай экан,—қачонгача,— дейди, Зебиннисо,— кўнглим ғам шам'и атрофида парвонадай айланиб юрсин, оҳ-фиғоним шу'ласининг шарораси бошим устига ёпирилиб турсин?—

Дилам то кай чу парвона ба гирди шам'и ғам гардад
Шарори шу'лаи оҳам ба фарқи сар алам гардад⁴

✓ Хурриятпарвар йўналишдаги сан'аткор Зебиннисонинг ўз давридаги ижтимоий тартиб блан келишолмай, озодликдан маҳрум бўлиб яшайдан яшамасликни афзал санаганини кўрамизки, бу прогрессив шоиранинг актив шахсият бўлганини ва замонасининг шароитига нисбатан ўткур протестини кўрсатади:

Бар тани ман безабон ҳар мўй фарёди кунад
Гар зи бедоти фалак фарёдрас бошад маро,
Баски дар кунжи қафас мурри дилам бетоқатаст,
Розиям гар зиндағони як нафас бошад маро⁵.

(Агар додимга етадиган фар'ёдрасим бўлганда эди, танимдаги ҳар бир тилсиз тук ҳам фалакнинг жабру-жафоларидан оҳ-фиғон килган бўлар эди. Қафас бурчагида кўнглим қуши тоқатсизланиб қолганидан, бунақанги тирикчилигимнинг бир нафас бўлиб қўяқолишига ҳам розиман).

¹ Зебиннисо—„Мажмуайи Ше'рҳо“ бет 59.

² „54.

³ Проф. Бертельс—Безил ҳақида, „Зафар“, бет 120.

⁴ Зебиннисо—„Мажмуайи ше'рҳо“—бет 67.

⁵ „35.

Бу протест хотин-қиз оламини қулликда ва қоронғуликда қолдирган ситам аҳлларига, дин имон ва қибла аҳлларига қарши ис'ёнкор руҳда жаранглайди:

Ништаре дорам ниҳон, дар синан ҳар нолаи
Бас дили аҳли ситам афғор хоҳам карду рафт.

Дия агар инасту, имон ицу, аҳти қибла ин,
Риштаи тасбеҳро зуҷнор хоҳам карду рафт¹

(Ҳар вола-фиғонии синасида яширин хавҷарим бор! Зулм-ситам аҳлининг дилини парчалаб кетмоқчиман, дин, имон, қибла аҳли шундай бўладиган бўлса, тасбеҳ ипига зуҷнор тақиб кетмоқчиман).

✓ Зебиннисо поэзияси бадбинлик, умидсизлик блан характерланмайди. У шоҳ қизи бўлсада, халққа юз ўгиради, ўз бахтини халқ тақдири блан маҳкам боғлайди, келадиган ҳар тун кетидан тонг отиб келишидай, қоронғуликда қолдирилган кувлар ўрнига ёруғ истиқболнинг болқиб қолишига умид боғлайди. Шоиранинг юрак ше'ри асл, ҳаётбахш, оптимистик поэзиядир:

Духтари шоҳам валекин рӯ ба факр овардаам
Зебу-зинат бас ҳаминам номи ман Зебиннисост²

(Шоҳ қизиман, валекин фақир-бечораларга юз ўгирганман. Номининг Зебиннисо (хотинлар Зеби-зинати) бўлиши кифоядир).

Ёки:

Навмед набояд шудан аз гардиши айём
Ҳар шомки ояд, зи пайи он саҳаре ҳаст³

(Фалақининг айлавишидан умидсизланиш керак эмас, ҳар келадиган оқшомнинг кетидан тонг отиб келади).

Ёки:

Навмед машав Махфию мардона қадам неҳ.
Ҳарчавдки аз манзили мақасуд нишон нест⁴

(Эй Махфий, мақсад манзилидан нишон бўлмасада, умидсизланма, мардон! қадам ташла).

Ўз замонасининг савиясидан юқори кўтарилаолган ва даврининг асосий нуқсонларини кўриб, яширмай ёзган, киши шахсиятини бўғучи деспотик қонун ва қоидаларга қарши протест билдирган бу шоира улуғвор идеяларнинг тарихий амалиётдаги жараёнига хайрхоҳ бўлиб қўяқолмасдан, балки унинг ўзини ҳам утмишнинг ёзучиси сифатида „ўз даврининг фарзанди ва нисо-

¹ Зебиннисо— „Мажмуайи шир'ҳо"—бет 50.

² Шу китоб—бет 3

³ „ : : : : 43

⁴ „ : : : : 65

ниятнинг озодлиги учун бўлган оламшумул—тарихий курашларнинг ўштирокчиси каби" (М. Горький) кўриш, шу икки жиҳатдан унга баҳо бериш керак.

Зебиннисо поэзиясида антиклерикал (зоҳидликка қарши) лирика кўзга кўринарлик ўрин тутди. Кўп ўринда биз Хайёмона байтларга дуч келамиз:

Марав ба сумна Махфий, Ёрав ба майкадае,
Ки наъди аҳли ҳақиқат чу бинавои нест¹.

(Эй Махфий, хонақаҳга борма, майхонага юрки, бу ҳақиқат аҳли қаршисида бенаволикдек эмас).

Бедил замонасининг илғор қарашлари даражасида турган Зебиннисо шарқ аёлларининг тарихи тақдирига қуллик муҳрини босган исломиятга қарши умумлаштиручи моҳият ва ис'енкор руҳда кескин протест билдириб, уни инкор этишга қадар бориб етади ва ёр зулфи блан бўйнига зуннор боғлайди:

Бутпарастонем бо ислом моро кор нест,
Ғайри тери зулф мсро риштайн зуннор нест
Беш азин эй ақл барман та'ни расвойн мазан,
Зонки мастони муҳаббатро маломат ор нест².

(Бутпарастлармиз, ислом блан ишнимиз йўқ, ёрнинг зулфи торидан ўзга бизга зуннор (бут) ипй керак эмас. Эй ақл, менга расволикдан та'на қилма. Муҳаббат мастлари та'на, маломатдан ор қилмайди).

Инсонпарварлик, кишиларнинг кўнглини олиш Зебиннисо нуқтан назаридан ка'бага бориб, дуо олишдан афзалроқдир:

Даро ба хонай арбоби дилки жо инжост
Тариқи мардуми бегона ошно инжост
Машав ба ка'ба равон аз пайи дуо Махфий,
Биё-биёки инжобатғаи дуо инжост³.

(Кўнгил уйдан жой олки, жой шу жойдир, бегоналарга ошголик расми ҳам шу ердадир, эй Махфий, дуо кетидан ка'бага бориб юрма, кел, дуонинг инжобат бўладиган жойи ҳам шу жойдир).

Илм ва адабиёт арбоби сифатида Зебиннисонинг тарихий хизмати ўзидан олдинги аёл ёзучиларга таққослаб бўлмайдиган даражада ўз халқи олдида ва бошқа халқлар олдида буюқдир. Буюқ социал мазмунга эга бўлган юқори бадий асарлар яратишда Зебиннисога тенг келадиган шоира, деярлик унга қадар ўтмаган. Лутф Алибек ўзининг тазкирасида шоира Меҳрий ҳақида гапиради, унинг ҳаёти ва ижоди етарлик ўрганилмаган.

¹ Зебиннисо—„Мажмуайн Ше'рҳо“, бет 42.

² : : : : 49.

³ : : : : 64.

Лутф Алибек унинг XV аср биринчи яримида Шоҳрух хотини, Улугбекнинг онаси, маданиятпарвар аёл—Гавҳаршодбегим суҳбатдоша бўлганини, ўз севганига эмас, Шоҳрухнинг сарой табиби Хўжа Абдуазиз деган чолга берилганини, шу муносибат блан айтган шеърларини келтиради, аммо шоира Меҳрийни Зебиннисога тенглаштириб бўлмайди.

У ўз даврининг адабий ҳаётида кўзга кўринарлик ўрин тутган ва қалам кучи блан шахс ва муҳаббатнинг эркин бўлиши, адолат ва ма'рифат идеяларини олға сурган.

Зебиннисо ижоди ўзидан кейинги адабиётнинг равнақиға ижобий таъсир этгани блан ҳам аҳамиятлидир. Шоир Ҳозикнинг Зебиннисо газалиға боғлаган муҳаммаси шундай бошланади.

Доғ бод он дилки гарди кўйи дилдоре нашуд,
Марг беҳ онроки маҳви чашми беморе нашуд
Хок барсар онки бо ёраш сари коре нашуд,
Дур бод аз тан саре коройиши доре нашуд.
Бишканад дастеки хэм бар гардани ёре нашуд.

(Ёр эшигининг чанги бўлмаган юрак доғлансин. Хумор кўзға мафтун бўлмаган кишининг ўлгани яхшироқ. Ёри блан кору-бори бўлмаган одамнинг бошиға тупроқ сочилсин. Дарри безатмаган бош танчан жудо бўлсин. Ёрнин бўйинға ташланмаган қўл синсин):

Бу муҳаммас (бешлик) қуйидагича тугалланади:

Заррае холи надидам Ҳозик аз аввори ҳусн,
Шам' ҳам парвона бошад мекунад изҳори ҳусн
Ҳар гулери авдалибе ҳаст дар гулзори ҳусн,
Ҳар матоиро харидорест дар бозори ҳусн
Пир шут Зебиннисо ўро харидоре нашуд¹.

(Шам' ҳам парвона бўлганда изҳори ҳусн қилади. Ҳусн гулзорида ҳар бир гулнинг бўлбули бор. Ҳусн бозорида ҳар матонинг харидори бор. Зебиннисо қаридию, унинг харидори бўлмади).

* * *

Сталин Конституциясининг қўши остида яйраб яшнаётган Зебиннисонинг бахтиёр авлодлари ҳур ватанимизда голибона озодлик, илғор фан ва эркин меҳнат му'жизаларини кўрсатмоқдалар.

¹) Зебиннисо—„Мажмуаи Шеърҳо“, бет 69—70.

Н. АЛИМУҲАММЕДОВ

ТАРЖИМА САН'АТИ ТЎҒРИСИДА БА'ЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

(Некрасов ше'рлари таржимаси муносабати блан)

1946-нчи йил 4-нчи декабрда рус классик адабиётининг улуғ намояндаларидан бўлган Николай Алексеевич Некрасовнинг туғилганига 125 йил тўлиш муносабати блан Ўзбекистон давлат нашриёти унинг ше'рларидан бирнечасини тўплаб бирнеча ёш шоирларимизнинг иштироки блан ўзбек тилига таржима қилиб чиқарди. Тўпلامга улуғ шоирнинг бирнеча минг сатр ҳисобланган гўзал ше'рларидан фақат 25 тача ше'р кирган.

Бутун дунёда эскилик, жаҳолат, таассуб ва нодонликка қарши туриб, маданият ва тараққийга раҳбар бўлиб йўл кўрсатиб бораётган халқпарвар инқилобий социалистик совет адабиёти эски рус классик адабиётидан баҳраманд бўлиб, унинг барча яхши фазилатларини ўзига олиб ўсмоқда.

Эски рус классик адабиётини ҳамда ҳозирги замон совет адабиётини халқимиз орасига ёйиб бу блан совет социалистик маданиятини ривожлантиришда бадий таржимачиликнинг роли жуда катта.

Таржима ҳам илм, ҳам сан'атдир. Адабий меҳнатнинг бу тури ҳам лаёқат, исте'дод талаб қилади. Ёзучилик, шоирлик талант талаб қилганидек бунга ҳам талант керак. Бас ҳозирги адабий, илмий, сиёсий тилимизнинг ўсишида ва адабиёт ҳамда матбуотимиз тараққийсида рус тили, рус адабиёти каби ва хусусан рус социалистик совет адабиёти каби улуғ маданият манбаидан халқимизни баҳраманд қилишда таржима ишларимиз ниҳоятда муҳим ўрин тутуши табиий. Бадий таржима сан'атини эгаллаган таржимонларимизнинг адабий тилимизни ўстиришда қилган хизматларининг катталиги шубҳасиз. Таржимонлик меҳнатининг қанчалик муҳимлиги шундан ма'лум.

Некрасов ше'рларининг таржимаси ҳақида сўз очмасдан аввал унинг асарларини таржима қилиш учун лозим бўлган шартлар ҳақида бирнеча сўз айтиб ўтмоқ керак бўлади.

Ҳарбир таржимон аввало таржима қилмоқчи бўлган шоирнинг асари блан, унда айтилган ғоялар блан, шоирнинг маслағи ва мақсади блан, ижтимоий, сиёсий, адабий, фалсафий қарашлари блан ҳамда ёзучилиққа, ше'рга қандай қарашлари блан унинг яшаган замони, муҳити ва хусусий ҳаёти блан яхши танишмоғи лозим.

Некрасовга келсак, унинг асарлари, ҳаёти, ижтимоий қарашлари, мафкуриси, адабиёт тўғрисидаги фикрлари, жамиятнинг айб ва нуқсонларини фош қилишда адабиётнинг ўйнаган роли тўғрисидаги қарашлари ҳақида рус тилида марксист мунаққидлар томонидан ёзилган мақола ва китоблар жилд-жилддир.

Некрасов рус халқининг тарихида, адабий ва ижтимоий ҳаётида катта роль ўйнаган улуғ бир шоир, адиб ва жамоат ходимидир. Унинг яратган асарлари рус классик адабиёти ҳазинасининг нодир гавҳарларидандир. Лекин Некрасов ижодини совет халқига, бизнинг замонимизга, адабиётимиз ва умуман совет маданиятига яқин ва қимматли қилган нарса Некрасов ше'рларидаги халқпарварликдир: унинг зулм ва зуғумнинг, хўрлик ва ҳақоратнинг барчасига қарши қилган ис'енидир. Некрасов, ше'рларида зулм ва истибоднинг албатта вайрон бўлишига бутун жон ва дили блан ишонган, халқ дардини куйлаган от ашин, ис'ёнкор бир шоирдир.

Ўртқ Жданов „Ленинград“ ва „Звезда“ журналлари ҳақида қилган докладда, ленинизмнинг, совет маданиятининг идизлари рус классик адабиётидан баҳра олиб келганини айтиб бундай дейди:

„Ленинизм XIX асрда ўтган рус демократик инқилобчиларининг эң яхши ан'аналарини ўзида гавдалантирганлиги ма'лум. Бизнинг совет адабиётимиз ўтган замондан қолган ва сара-пучга ажратилиб тозаланган эски маданият асосида ривожланди ва гуллаб яшнади“. „Партиямиз Ленин-Сталин тилидан сўзлаб Русиянинг инқилобчи демократ ёзучилари, мунаққидлари бўлган Белинский, Добролюбов, Чернишевский, Салтиков-Шчедрин. Некрасов ва Плехановларнинг адабиёт соҳасида катта аҳамиятлари борлигини кўрсатиб келди“.

Николай Алексеевич Некрасов ўзининг адабий фаолияти тўғрисида бундай дейди: „Мен ёшларда халққа, камбағал бечораларга, эзилган мазлумларга муҳаббат, золимларга эса нафрат туйғулари қўзғатишга ҳаракат қилдим!“.

„Мен рус адабиётининг мавзулари қаторига деҳқонлар шахсини киргиздим. Русияни тўйдириб турганлар сиймосини, замондаги ишчилар сиймосини Русияга кўрсатдим“. („Рус адиблари адабиёт ҳақида“ деган тўпламдан, 2-нчи жилд, 53-нчи бет).

Ше'ри ҳақида эса, меним ше'рларим „ўч ва алам ше'рларидир“, илҳомим „халқ илҳомидир“ дейди.

Улуғ пролетар ёзучиси Максим Горький рус шоир ва адибларининг фазилатларини айтиб келиб, Толстойни ис'ёнкор, Тургеневни дардманд, Чеховни ҳасратманд, Некрасовни эса *туғ'ёнчи*,

ис'ёнчи дейди. Дарҳақиқат Некрасовнинг барча ше'рларида замонасидаги ҳақсизликларга қарши, рус деҳқони, рус ишчиси бошига тушган хўрлик ва ҳақоратларга қарши, чор ҳукумати амалдорларининг зулм ва тааддисига қарши даҳшатли бир тўғ'ён, чин қалбдан тошиб чиққан оташин бир ис'ён бор.

Некрасовнинг тилига, услубига келсак, унинг тилини бир даража „шикаст“ дейдилар. Унинг ше'рларини ҳатто рус тили она тилиси бўлиб, адабиёт блан бирмунча таниш бўлган кишилар ҳам гоҳда қийналиб, бирмунча муҳокама йўли блан зўрга тушуниб оладилар. Бу ҳол таржимани албатта қийинлаштиради ва бинобарин таржимондан купроқ маҳорат ва сан'ат талаб қилади.

Некрасовнинг тили бу блан бирга ғоятда кучли, иборалари чуқур ва сер ма'нодир. Уларнинг мағзини чақмоқ учун қаттиқ тиш керак. Рус тилини бутун руҳи блан яхши билмоқ керак. Некрасов ўз ижоди ва ўз ше'ри тўғрисида ўзи ниҳоятда яхши айтган:

„Мен вазифамнинг азамат ва ҳашаматини ва оғирлигини кўриб ўзим таҳайюрда қолдим! Мен шошдим, чунки сустлик қилмоққа фурсатим ва ҳаққим йўқ эди. Чунки образлар фар'ёд қилиб турар эдилар, халқ одамсифат яшамоқ тилаб додлар эди! Меним асарларимнинг фазилати ҳам шу томонидур нуқсони ҳам. Ҳалигача тасвир қилинмаган миллион-миллион одамлар қошимда турар эдилар. Улар бировнинг илтифот блан қарашига интизор эдилар. Кимни курсам жафокаш, кимни кўрсам турмуши фожиа“ (юқоридаги мазкур тўшлам 54-нчи бет).

Некрасов ўлганда Достоевский унинг мозори тепасида сўзлаган нутқида Некрасовни Пушкин ва Лермонтовлар қаторидаги шоир санамоқ керак, деганида халайиқ ҳар тарафдан „улардан юқори, юқори“ деб қичқирганлигини адабиёт тарихидан биламиз.

Ўртоқ Луначарский ҳам Некрасовнинг рус адабиётида юксак ўрин тутганини айтиб, „на Пушкин ва Лермонтовнинг иззат ва ҳурмати, на Алексей Толстой, Тютчев, Фет ва яна бирнечаларким асарлари, Пушкин ва Лермонтовларникидан гарчи бир мунча „одми“ бўлса ҳам, ҳар ҳолда гўзал асарлардир, буларнинг ҳам иззат ва ҳурматларини сра камитмай айтамызки, бутун рус адабиётида Некрасов даражасида севилган, улуғ ҳурмат ва иззатга сазовор бўлган ҳечбир зот йўқ“ деди. (Некрасов тўғрисида Пиксанов таҳрири остида чиққан тўшлам. 1929 йил).

Некрасов ше'рларини таржима қилмоқчи бўлган таржимон бу айтилганлардан ташқари яна шуни ҳам эсда тутмоғи керакким, Некрасовнинг кўп ше'рлари „шикаст“лигига қарамай, халқ ичида машҳур бўлиб куйга солинган, ашула бўлиб кетган.

Некрасовнинг рус адабиётида тутган ўрни XIX асрда Русияда ўтган халқпарвар инқилобчилар идеологиясининг ғалабасида унинг ўйнаган роли ва социалистик совет адабиёти учун Некрасов асарларининг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Бинобарин биз халқ

парвар инқилобчи шоирнинг ижодига ниҳоятда ҳурмат ва иззат блан қараб унинг асарларини таржима қилишни ғоятда масулиятли, улуғ шарафли иш деб билишимиз керак.

Энди умуман ше'р таржимаси тўғрисида гапирганда албатта айтиб ўтиш лозим бўлган бир масала бор. Ше'р таржимони доим шуни назарда тутиши керакким, бу ишда таржимоннинг фақат маҳорати, сан'ат ва таланти блан ҳал қилинмайдиган бир масала бор: у ҳам бўлса, ёзучилик хилларининг барчасига қараганда ше'рнинг ғоятда „миллий“ лигидир. Я'ни ҳар бир тилдаги барча хусусиятларнинг ше'рда жуда яққол кўринишидир. Улуғ ёзучиларнинг асарларини, улар куйлаган омор ва ғояларни интернационаллаштиришда, я'ни бошқа халқлар орасига ёйишда, назм асарларидан кўра наср асарларининг роли кўпроқ бўлган. Бу ҳол албатта бечиз эмас. Бунинг чуқур сабаблари бор. Бу сабаб шундан иборатки, ҳарбир халқнинг миллий хусусияти, унинг тилидаги, адабиётидаги, тарихидаги, табиати ва завқидаги хусусиятлар ма'лум тарихий, иқтисодий, маданий ва маиший сабабларга кўра, ма'лум замонларгача фақат шу халқнинг ўзига хос бўлиб қолади ва бу хусусиятлар бадий асарларнинг бошқа хилларидан кўра кўпроқ ше'рда кучлироқ кўринадди, ше'рда яққолроқ ва равшанроқ акс этади. Ше'рда миллий шакл ниҳоятда кўчлидир, шу қадар кўчлики, бу миллий шаклни ўз миллий заминидан бошқа заминга кўчириш, я'ни таржима қилиш албатта катта сан'ат ва ижоддир. Такрор айтманки, бунда сан'аткорлик, талант ва исте'доддан ташқари таржима қилинучи тилни, бу тилда сўзловчи халқнинг тарихини, урф-одатини, адабиётини пухта билиш ҳам керак бўлади.

Насрда таржимон авторнинг қули бўлиб, унга батамом эргашидир ва шундай бўлмоғи ҳам керак; лекин ше'рда бўлса, чин ижодчи сан'аткор таржимон, авторнинг рақиби бўлмоғи керак. Таржимон сан'атда қувватли бўлса, асдан ошириб юбормоғи мумкин.

Таржимоннинг вазифаси асл нусха эгасининг ижодидаги бутун руҳни, мазмун ва мафҳуми ва кучи, жозибаси, ҳаяжони блан бирга, бутун ше'рияти, нафосати блан бирга ўз тилига кўчиришидир. Бас таржимон, таржима қиладиган ше'рнинг замиридаги ма'носини, кучини, руҳини ва шаклини ҳамда иложи бўлса ҳатто қофиясини ҳам асдагича айнан бермоққа тиришмоғи керак. Ше'р таржимони аввало сўзларни эмас, балки уларнинг кучини, ма'носини, ше'риятини таржима қилмоғи керак, я'ни асл шоирнинг ибора ва ифодалари қандай ма'водор, ўткур, жозибали, солмоқдор, қандай кучли бўлса, таржимадаги ибора ва ифодалар ҳам шундай бўлмоғи мутлақо шарт.

Таржимон ички туйғулари, ҳаяжони, ше'рий завқи, дарди, тушунчаси, исте'доди, куч-қуввати жиҳатидан баравари бўлмаган шоирнинг асарини яхши, гўзал таржима қиладими? Я'ни сан'аткорликда асл нусха шоири блан лоақал бараварлик таржимон учун албатта шартми?

Ма'лумки, Василий Андреевич Жуковский таржима блан куп шуғулланган. Шунинг учун таржима ҳақида айтган қимматли гаплари ҳам бор. Бир ўринда таржимоннинг сан'ати ва таржима тўғрисида сўзлаб дейди:

„Таржимон ижодчиликда биринчилик ўрнини таржима қиладиган асар эгасига берса ҳам, лекин тасвирда, нафосат ва фасоҳатда завқ ва ҳиссиётининг кучлилигида у блан бир даража бўлмоғи керак. Бас таржимоннинг устига тушган вазифа нима? Таржимоннинг вазифаси ўз хаёл хонасини қидириб, таржима қилдиги асар ўрнини босадиган гўзалликларнинг топмоқдир. Бинобарин таржима қиладиган асардаги гўзалликларнинг бараварини ва улардан ошадиганини топмоқдир. *Бас бундай бўлгач, таржима қилмоқ ижод қилмоқ эмасми?*“ („Рус адиблари адабиёт ҳақида“ деган тўпламдан, 84-нчи бет).

Яков Петрович Полонский (1819—1898) ҳарбир халқнинг ше'р тилини у халқнинг ўз музика асбобига ўхашатади. Бир халқнинг музика асбобида бошқа бир халқ музика асбобидан чиқадиган оҳангларни чиқазиб бўлмайди. Я'ни, масалан, удни виолончель чалгандек чалиб бўлмайди. Бунда оҳанг бузилади, тингловчиларга та'сир қилмайди. Шунинг учун Виолончельни камон блан чалмоқ. уни ислоҳ қилиб чалмасдан, балки удда чалинадиган куйни Виолончельда чалиб уддан қандай жозибали-та'сирли овоз чиқазилса, Виолончельдан ҳам шундай овоз чиқазиб керак деган ма'нода гапиради.

Хулоса: таржимоннинг вазифаси бошқа тилда ёзилган бадий бир асарни ўз тилининг сарф-наҳвига, талаффуз ва оҳангига оид бўлган барча хусусиятлари имкон берган даражада, таржима қилинучи асарнинг на руҳига, на мазмунига, на шакл ва оҳангига, фасиҳлигига зарар етказмасдан ўз тилига кўчиришдир. Я'ни таржима қилинадиган асардаги ибора ва ифодаларга, ундаги образларга, ундаги сўз тартибларига, руҳ, ма'но, вазн, оҳанг жиҳатидан ҳамда дилда туғдирадиган туйғулари, мияда туғдирадиган тасаввурлари жиҳатидан тамомила таржима қилинадиган асарга мост ва монанд бўлган сўз ва ибораларни ўз тилидан топмоқдир. Таржимон таржима қиладиган шоирга нисбатан ҳужумкор бўлмоғи керак, унинг „розидили“ соҳасига бостириб кирмоғи, бутун „сирларидан“ воқиф бўлмоғи керак. Шундагина таржимон шоирнинг тилини эмас, дилини ҳам таржима қилади. Шундагина бадий жиҳатдан асл асарга баравар бўлган таржима ҳосил бўлади.

* * *

Энди мавзуимизнинг амалий томонига ўтиб, бирмунча умумий тарзда айtilган бу мезон ва қоидаларни назарда тутиб, тўпламга кирган бирнеча ше'рларнинг таржимасини текшириб чиқайлик.

Тўплам шоирнинг „Ватан“ деган ше'ри блан бошланади. Бу ше'р шоирнинг ёшлик чоғларига оид бўлиб, (1846-нчи йилда ёзилган) Некрасовнинг ўз юрти, ўз ояласи, ўз ота-онаси тўғрисида айtilган ше'рдир. Я'ни ба'зи сатрлари „куллилашган“ бўлса ҳам умуман ше'р шоирнинг таржимайи ҳолига оиддир. Бу

ше'р таржимасида бадийлик, руҳ ва мазмун жиҳатидан оригиналга жуда яқинлашиб келган ба'зи сатрлар қаторида, бадийликда ундан анча паст турган ва нотўғри таржима қилинган сатрлар ҳам бор.

Шоир бу ше'рларда ёшлик чоғларини, туғилган-ўсган жойларини, ота-онасини эслайди. Ота боболарининг умри фисқ-фужур ва фақир-фуқарага, етим-ясир, мискин ва бечораларга зулм қилиб беҳуда ҳавойилик блан ўтганини айтади. Сўнгра онасини ёдига олиб, уни бир муштипар, ожиза ва жафокаш хотин бўлганини, отасининг жаллод ва нодон, жоҳил киши эканини кўрсатади:

„Мана соя—салқин боқча. хиёбонда жим
Гуллар ичра ҳасрат блан караб турган ким?
Мен биламан йиғламоғинг нелан онажон
Мен биламан ҳаётингни ким этган вайрон“.

Бу турт мисра' бадийлик жиҳатидан бу ше'р таржимасининг бсшқа сатрларидан айрилиб туради. Бу турт мисра'да таржимон Некрасов тасвир қилган онанинг сиймосини бирмунча тўғри беради, ва лекин 3—4 мисра'дан кейин таржимон бу сиймога сра ёпишмаган сўзларни ишлатади:

„Лекин кунинг ихтиросга тўлганди машғу!
Мағрур эди қайтмас эди, гўзал эди у!“

Бунда таржимон:

„Она была горда, упорна и прекрасна“

деган мисра'ни нотўғри таржима қилиб, „сабр-тоқатлик, ор-номуслик, латиф эди“ демак ўрнига „мағрур“, „қайтмас“ дейди.

Шоир ёшлик чоғидаёқ бемаҳал ғам ва андуҳни, хўрлик ва ҳақоратни кўп кўриб юраги эзилганини, виждоний азобда, дард-алам ичида қолганини ва болаликнинг ширин даврини сурмаганини, яйрамаганини, ғам ва ғусса унинг юрагига ёшликдаёқ тушганини айтмоқчи бўлади, лекин таржимада бу ма'но чиқмайди.

„Ўша ёшлик кунларининг хотиралари
Дабдабаси, ҳашам, машҳур номлари бари(!)
Ҳавасини келтириб ҳам этиб хафақон(!)
Ўтар борлик гузалагини қилиб намоян“.

Бунда шоирнинг ёшлик чоғин нафрат блан эслаши, бу ёшлиги эсига тушса ҳали ҳам ич-ичидан куйиб, ёниб қаҳр-ғазаби қўзғолгани борми? Йўқ.

Сўнгра Некрасов бу ше'рида ўзининг ҳам помешчик оиласидан бўлганини ёдлаб ўзига ўзи та'на қилиб, „Қисмат экан дун'ёга мен шунда келган эдим, турли разолат ва сафолатларни кўра-бериб нафратим, ғазабим қўзғаса ҳам, уларга сабр-тоқат қилишга ўрганган эдим ва ба'зила дилимдаги ғазаб ва нафратимни „яшириб“, уялмасдан ўзим ҳам помешчик бўлган эдим, дейди. Лекин таржимада бу мазмун равшан эмас.

„Лекин нафрат, орни сақлаб дилда мустаҳкам
Бир лайт катта ер эгаси бўлганман мен ҳам“

Шоир бунда „нафратимни“ унутиб, номусимни „ютиб“ катта ер эгаси бўлганман деб ўзига ўзи изо беради. Таржимон бунинг аксини қилиб „оримни“, „нафратимни“ дилда маҳкам сақлаб кел-

дим деб таржима қилиб, шоирнинг айтмоқчи бўлган фикрига та-
момила тескари бўлган фикрни айтади.

Шоир, эрининг ҳамма жабр-жафосига, зулм ва ҳақоратларига
чидашга мажбур бўлган, тақдирига тан бериб, бутун дарду-ала-
мини ичига ютиб, сабр-тоқат қилиб келган муштипар, бечора
онани тасвир қилади. „Юрагинг дард-аламларга тўлган, ҳақорат-
лар тагида қолган бўлсанг ҳам, ма'навиётинг юксак эди, тоқа-
тинг сра тоқ бўлмади“, дейди; юмшоқ кўнгилли, мулойим, бе-
зор ва лекин „дили бақувват“ онани кўрсатади. Таржимон
„упорная“ ва „гордая“ сўзларини нотўғри таржима қилиб („қайт-
мас“, „мағрур“) ше'рнинг ма'носини бузади. „Упорная“ ва „гор-
дая“ сифатлари билан шоир, онасининг сабр ва бардошлик, то-
қатлик ва бу билан бирга эрининг унга ноҳақ зулм қилаётганини
билган жафокаш хотин эканини кўрсатмоқчи.

„Унинг номус, алам тўла тақдирига жим,
Шерик бўлган эй жафокаш бечора синглим,
Сен ҳам энди бу дунёдан ўтдинги чиндан
Фоҳишабоз, итга ишқибоз мулкдор уйилан
Ҳайоалдинги номус билан қисматингни ёт—(?)!
Бир севмаган нотанишга топширдинг, ҳаиҳот“.

Бунда 4-нчи ва 5-нчи мисра' нотўғри таржима қилинган. Шоир
отасининг ўз қўл остидаги чўрилари билан уйнаганини ҳамда
синглисининг маломат, ор ва номусга чидамай уйдаги фахшлар-
ни кўргуси келмай, фисқи-фужурдан қочиб уйдан ўзи чиқиб
кетганини, сўнгра севмаган, билмаган бир одамга тегиб бахт
кўрмасдан ўлиб кетганини кўрсатади. Таржиманинг мазмунидан
эса шарманда қилиниб уйдан ҳайдалиб юборилганлиги англаши-
лади. Бу мисра'ларда шоир бир хонадон доирасидан чиқиб уму-
ман ўша замондаги помешчикларнинг фисқи-фужур ва айш-ишрат
ичида ма'шуқабозлик билан ўтган разил турмушларини тасвир
қилади.

Бундан кейинги мисра'лар ҳам жуда кучсиз („сен ҳам онанг
бечоранинг ортидан юрдинг“) хусусан:

„Совуқ қат'ий (?) табассуминг жаллодга егли.
Ва у хато йиғисидин (?) сескавиб кедти“.

дейилган икки мисра'да мантиқий ма'но ҳам йўқ.

Табассумнинг „қат'ийси“ қандай бўлишини билолмадим. Шу-
нингдек „хато йиғиси“ деган сўзда ҳам сра ма'но тополмадим.
„Пушаймон“ йиғиси дейилганда ҳам бир оз ма'но чиқардим.

Некрасов аввалда фахш, зулм учоғи бўлган ўз қишлоғининг
хароб бўлганини кўриб қуванади:

Ўрмонлардаги дарахтлар кесилган, далалар қуриган, подалар
суви қуриган ариқ тепасига келиб сув тополмай ташналикдан
бошларини ерга солиб ҳомуш ётадилар, уй эскириб, қийшайиб
ағавай деб қолган. Некрасовнинг бу ўринда тасвир қилган ман-
зараси шудир. Таржимон подаларни ястаниб ётар, уйни қуриган
булоқ устига қийшайиб тушган деб тасвир қилади. „Подалар
ястаниб ётар“ деган ибора хароблик манзарасини кўрсатмай,

балки аксинча роҳат ва фароғат манзарасини кўз олдига келтиради.

„Йўқ! Ис’ёнкор ва кат’ият ёшликда энди
Кўнгилни чоқ қиладиган хотиралар йўқ!“

Бу таржиманинг мантикий ма’носини тушуниш қийин, чунки ёшликдаги ис’ёнкорлик, гурӯрлик энди йўқ демакчиси (Некрасов шундай демакчи) ёки таржимоннинг ёлғиз ўзига тушуниладиган бошқа фикрни билдирмоқчиси?—биллолмадим. Ҳарҳолна бу таржиманинг ма’носини чақишга тишим ўтмади.

Охирги мисра’га келиб:]

„Фақат ҳамма одамларни азган *ҳукмдор*(?)
Бунда эркин нафас олар яшар *беозор*“(?)

деб таржима қилади. Ҳолбуки шоир эски замонни эслаб бунда, ёлғиз ҳаммани эзиб турган одам, ҳаммани эзиб ўзи бемалол роҳатда яшар эди демакчи. „Беозор“ ўзбекчада ҳечкимга озор бермовчи демакдир.

Инқирозга караб юзтубан кетаётган помешчиклар турмушининг бутун разолатлари асло унитилмас образларда бундай кучли тасвир қилган юксак бадий ше’р жуда пола-партиш, ғализ таъжима қилинган. Натижада русчадан олинган туйғуларни ўзбекчаси асло беролмайди.

„Ёмғур олдидан“ — деган ше’рнинг таржимаси тўпламдаги яхши таржималар жумласидандир. Бунда таржимоннинг ижод йўлидан борганлиги, таржимага ҳиваси ва лаёқати борлиги кўриниб турипти. Лекин ба’зи нуқсонлар бунда ҳам бор. Чунончи охирги тўрт мисра’ яхши ишланмаган, хомдир.

„Ва ўткунчи таратайканинг
Кўтарилган олди-пасти“.

Аслда шоир тўполон-шамолда йўлда қолган араванинг тепаси (соябони) туширилган олди кўтарилганлигини кўрсатмоқчи.

„1847“—сарлавҳалик ше’рнинг таржимасида Некрасов тасвир қилган Русия қишлоқларининг қишки манзараси йўқ. Мўриларнинг гувуллаши ўзбекчада чиқмаган. Умуман бу ше’рнинг русчасини ўқиганда кишида тамомила бошқа туйғулар қўзғалса ўзбекчаси бутунлай бошқа, русчадан узоқ бўлган тушунчаларни зўрға-зўрға беради.

„Энди қаерласан эй бахтсиз гадо
Даҳшатли курашда ҳалок бўлдингми?
Оддий йўлни (?) ўзга кўрддингми раво.
Ёки шум тақдиринг сени енгдим“.

Русчасида даҳшатли курашда ҳалок бўлдингми эмас, балки бу „курашнинг“ аниқ оти айтилган. Унинг оти қашшоқлик, бекаслик ва ғарибликдир. Капитализм шароитида кўп бечора-хотин-қизларнинг бошига тушадиган фажи’ мусибатдир. Некрасов кашшоқлик, ғам, ғусса, хорлик ва зорликда қолиб бунга чидайолмай бузуқлик йўлига кириб кетдингми, демакчи, сўнгра:

„Ким қилар ҳимоя мулкдорлар бари (?)
Дашном ва ла'нат блан сенга қарайди“

деб таржимà қилинган. Русчасида шоир, сени ҳамма маломат қилар, ҳечким сенга ғамгусорлик қилмас демакчи. „Мулкдорлар бари“ деган сўз таржимоннинг ўз „ижоди“ дир.

Таржимадаги нуқсонларнинг аксариси шу хилдаги нуқсонлардир. Таржимонлар кўп ерда Некрасовнинг ше'рларига ҳозирги замон нуқтаий назаридан қараган ма'нони беришга, ташвиқот тўни кийгизишга ҳаракат қиладилар. Натижада Некрасовнинг ғоят кучли, чиройлик бадий сўзлари блан айтган чуқур ма'нолик фикрларини, я'ни ўқучининг миясига озуқ берадиган сўзларини, „ялонғочлаб“ соддалаштириб, суюқлаштириб берадилар.

Ба'зида таржимонлар тўғридан-тўғри тушунмасдан ҳам таржима қиладилар. Масалан Некрасов яна шу „1847“ сарлавҳали ше'рда оч ва муҳтож бир оиланинг фажи' ҳолини тасвир қилиб, боласи ўлиб ётганда ҳатто болани кўмишга тобут пули ҳам тополмай, онаси совуқ, ҳувуллаган уйда эрини ухлатиб қўйиб секингина ясаниб чиқиб кетади ва бир соатдан сўнг болага тобут ва эрига овқат келтиради. Шоир бу фожиани нозик имо блан тасвир қилади. Хотин пулни қазердан топиб келганлигини шоир айтмайди, лекин ше'рнинг маъмунидан бу ма'лум бўлиб туради. Таржимада ше'рнинг бу фажи' томони чиқмаган. Таржимон бу фожиани тасвир қилишда ожизлик қилган, бунга муносиб сўзлар тополмаган. Тобут блан овқат топиб келган хотинга эри дейди:

„Бир соатдан кейин кетирдинг тобут,
Отангинг(?) хўрагини ҳам“

Эрни хотинга ота қилиб қўяди. Ҳолбуки шоир болага тобут, отага хўрак кетирдинг, дейди.

Таржимон „чинқириш“, „баланд овоз“ ма'носида булган русча „звѣнок“ сўзини „звонѣк“ ма'носида тушуниб, бетоб ётган бола „чинқириб йиғларди“ демак ўрнига

„Тинчолмади у чинқирар эди
Кўнғироқ чалгандай чўқар қоронғу“

деб кўнғироқ сўзини ҳам қўшиб қўяди.

Ўлим ҳолатида ётган боланинг йиғисини „кўнғироқ чалгандай чинқирар эди“ деб тасвирлайди, ҳолбуки тилимизда бу ибора ширин, майин овознинг та'рифи ўрнида ишлатилиши ма'лум.

Ба'зида таржимонлар хаёлларининг тизгинини қўйиб юбориб русчада йўқ сўзларни, йўқ ма'ноларни ҳам таржимага киргизадилар. Масалан „Ерёмушканинг алласи“ деган ше'рда мана бундай нотўғри таржима қилинган ва русчада йўқ сўзлар бор:

„Узоқ даврон сурайин десанг
Бадавлат бўл хотиринг жам қил
Бунинг учун ёлғизим, бўтам
Хушомад қил бошивгани ҳам қил“.

Шоир бундай демакчи эмас. Болани аллалаб энага дейди:

Етимча дун'ёда муҳтожлик кўрмай десанг ўзингни паст тут, хокисор тут, бошингни ҳам қил, я'ни давлатмандларга хушомад қил, та'зим қил, дейди. „Узоқ даврон сурай десанг бадавлат бўл, хотиринг жам қил“ деган гаплар ниҳоятда сийқа гапдирким Некрасов бундай дегани йўқ ва бу сўзларда ма'но ҳам йўқ. „Бадавлат бўл, хотиринг жам қил“ деганда ўқучи мясида нимадан хотирини жам қилмоғи керак экан деган савол туғилади. Бундай мубҳамлик, ғализлик ше'рда асло бўлмаслиги керак. Чехов, „дарҳол дафатанига мяяга ўрнашган асар чиройлик бўлади“, дейди. Чехов бу сўзларни наср тўғрисида айтган, аммо ше'рга келганда аниқликнинг аҳамияти яна каттадир. Зотан ше'рда бадийлик чуқур фикрларни ўткур ва содда ибораларда ифода қилмоқ эмасми? Ба'зи таржималарда бунинг акси кўринади, я'ни ма'носи саёз, содда фикрлар аксинча мураккаб шаклларда берилади.

Машҳур Белянский „илмий асарда фикр отамалар воситаси блан ифода қилинса, бадий асарда образлар воситаси блан ифода қилинади“ деган. Бас ше'рда сўз танлаш, ибораларни ўрнида ишлатиш муҳимдир. Бадий асарда, хусусан ше'рда, образларнинг ўйнаган роли катта. Бас таржиманинг бадий жиҳатдан юксак бўлмоғи учун оригинал асарнинг тили қандай образли, кучли, қандай ўткур, иборалари қандай жозибали бўлса, таржиманинг тили ҳам шундай бўлмоғи албатта шарт.

Ше'рда доим назарда тутилиши лозим бўлган, „сўзлар сиқилсин“, „ма'но яйрасин“ деган қондани айтган шоир Некрасов эмасми?

„Стих как монета чепанг,
Строго отчетливо, честно.
Чтобы словам было тесно,
Мыслям — просторно“.

(Шиллерга тақлид ше'ридан).

Тўпلامдаги ше'рлар тажримасининг аксарисида таржимонларнинг сўзга нўноқликлари, Некрасовнинг „ма'носи я'раган, сўзи сиқилган“ сатрларини аксинча „ма'носи сиқилган, сўзи яйраган“ тил блан таржима қилганликлари кўриниб туради.

„Мен зиёрат қилдим мазоринг“, „Қайда сени қирмизи юзинг“ сўнгра тўпلام охиридаги „Уч элегия“ ше'рлари, оригиналга қанчалик мувофиқлигидан қат'ий назар, яхши таржима қилинган:

„Мен зиёрат қилдим мазоринг.
Оғир-оғир кунлар ҳамдами.
Нурли, тоза, гўзал тимсолинг
Ҳамон сёқлар қалбим чамани“

Дарҳақиқат яхши, чунки бунда таржимоннинг ҳиссиёти таржима қилдиғи шоирнинг ҳиссиёти блан бирлашади. Таржимон шоирнинг тилини эмас, дилини таржима қилишга ўзида моддий ва ма'навий, табиий замин ва кайфият топади. Шунинг учун ҳам таржима яхши чиққан. Чунки бадий таржимада шоирнинг таб'и, завқи ва кайфияти блан таржимоннинг бадий завқи, кайфияти, дили бир бўлмоғи, иккавининг ички туйғуларида муштарак нуқталар топиламоғи муҳимдир. Чунончи таб'ида қизиқчилик, ҳажвчилик бўл-

маган шоир албатта ҳажвнавис шоир асарини таржима қилолмаса керак.

„Шоир ва гражданин“ деган ше’ри Некрасовнинг ижтимоий „маромномасидир“. Бу ше’рида Некрасов ўзининг мафкурасини, маслак ва мақсадини, ижтимоий ва сиёсий масалаларга қарашини, ҳарбир чин инсоннинг вазифасини ва жамиятнинг зубдаси бўлган кишиларнинг вазифасини айтади.

Таржимон бу ше’рнинг аксар ерлирини тушунмасдан ғалат таржима қилади. Таржима ба’зида шоирнинг қимматли фикрларини сра тўғри ифода қилмайди. Шоир фақат гапдонлик қилиб амалда ҳеч иш қўлидан келмаган кишилар ҳақида сўзлаб, „сўзга бой, ишга камбағал“, я’ни ишга йўқ бемазалардан ҳазар қил, деган жойида таржимон „фақирдан иш, бойдан гап деган“ деб таржима қилади.

„Йўқ, сен Пушкин эмассан брок
Кўринмагач то қуёш бу чок
Ухламоқлик албатта уят“

Русчасида фикр аниқ ифода қилинган. Фикр шуки, гражданин шоирга қараб, сен Пушкин эмассан, лекин ҳозир Пушкиндек яна бир қуёш осмонда кўринмай турипти, шунинг учун гарчи сен Пушкин бўлмасанг ҳам анча талантинг бор, шунчалик талант блан ғафлатда ётишинг уят, дейди, кун чиққунча ухлашинг уят, деган эмас.

„Сукут этар момоқалдирок,
Тубси тўлқинла кўк баҳс этар“

Авалло шуки, овоз чиқазмай сукут этган момоқалдироқни тасаввур қилмоқ менга анча қийин бўлди. Бошқаларга ҳам қийин бўлса керак. Русчаси

„Гроза молчит, с волной бездонной
В сияньи спорят небеса“;

я’ни: осмон сокин, дар’ё ҳам осойиш, тиниқликда бир-бири блан талашади.

Некрасов бу ше’рида ҳаёт денгизида ҳозир тинчлик ва осойишталик, дар’ё тинч, мавж йўқ, шуриш йўқ, ҳаво сокин, кемадаги мўсофирлар ҳам бемалол бормоқдалар, лекин дар’ёда шуриш кўтарилиб, тўполон бошланса, сен шоир нима қиласан, кемадаги итлар ҳам хатарни фаҳмлаб увуллай бошладилар, уларнинг қўлидан увуллашдан, қопишдан бошқа иш келмайди, лекин сен шоирсен ҳали ҳам ғафлат уйқусидан турмай ширин-ширин, кўнгил ше’рларинг блан овора бўлиб юраберасанми, денгизда бошланган шуришни ше’ринг блан бостирмоқчи бўласанми, ёки бемаза танбаллар завқи учун ше’р айтиб ётаберасанми, демакчи.

Некрасов „итнинг ҳуришдан бошқа иши йўқ“, лекин сен шоирсенку, демакчи бўлса, таржимон „бу ҳаммаси ишга эмасдир доир“ дейди.

„Вазифанга содиқсан майли
Ҳарким бўлиб та'зим бандаси
Жон берса ўз шахси туфайли
Ватаниннга борми фойдаси“

Некрасов ҳамма уз шахсий манфаати блан, уз нафси блан овора бўлиб қолган, манфаатпарастлар жуда кўп, ватан ҳамини еганлар оз демакчи. Таржимон бўлса:

„Ҳарким бўлиб та'зим бандаси (?)
Жон берса ўз шахсий туфайли (?)“

дейди. Бу сўзлардан албатта шоир айтмоқчи бўлган ма'нони аниглаш қийин.

Некрасов „Гражданин“ тилидан сўзлаб, ҳаркимда соф виждон бўлса, („кто сердцем не подкупно“) ҳаркимда лаёқат, исте'дод бўлса, шоирлик кучи бўлса („меткость“ — суҳандонлик, сўзга усталик) гафлатда ётмасдан жамиятдаги разиликларга қарши курашмоғи керак, жамиятнинг айбларини очиб кўрсатмоғи керак дейди.

Уйғон разолатга қарши ис'ён қил“, —
дейди, лекин таржимон буни:

„Уйғон! Далил айбиндан эт ор“ —

деб таржима қилади.

Бу ше'рнинг таржимасида бу қабила хатолар, нотўғри таржима қилинган фикрлар кўп. Таржимон „*тўлқин*“ ма'носидаги „*волна*“ сўзини „*эркин*“ ма'носидаги „*вольный*“ сўзидан фарқ қилолмайди.

„Аммо мен бир *жаҳонгашта* қуш, (?)
Сўзлашинишга афсус йўқдур хуш“

Ше'рда ҳам ҳарқолда мантиқ керак! Сукут қилиб турган мо-моқалди роқни тасаввур қилиш ақлга қанча сиғмаса, жаҳонгашта қушини ақлга сиғдириш ҳам шунча қийиндир. Нега таржимон „туллак“, „пихини ёрган“, ёки „тузоқдан қочган“ қушман, деб таржима қилмайди. Русчаси: „*обстреленная птица*“ деган сўзнинг ма'носи шу эмасми!

Таржимонларнинг тилида сўз сан'ати кам. Сўзнинг кучига, мантиқий ва луғавий ма'носига қараб ибораларни танлаб саралаб олиш одати кўринмайди.

Горькийнинг: „Адабиётнинг асосий материали сўздир, бизнинг таассурот, ҳиссиёт ва тушунчаларимиз сўз шаклига кирадур. Адиблик сўз воситаси блан нақш солмоқ сан'атидир“, деган сўзларини таржимонлар ба'зида унутиб қўядилар, ёки бунга нўноқлик қилдилар.

„Қабулхона эшиги олдидаги мулоҳазалар“ номли ше'рда шоир Некрасов эски замонда чор ҳукумати амалдорларининг арзга келган фақир-фуқора-деҳқонларга қандай „дод-хоҳлик“ қилганларини, деҳқонларнинг аҳволини ниҳоятда ўткур қалам блан шоирона тасвир қилади. Айш-ишрат блан гафлат уйқусида маст ётган амалдорга қараб айтган сўзларини таржимон:

„Ҳашматли сарой соҳиб
Маст уйқуда ухлайди. Эй сая!
Ҳаётни бир қўғурчоқ каби
Сарсонликдан иборат билган
Уйғон! Ҳозир уларни қайтар“

деб таржима қилади.

Шоир, хушомадни севган, фақат модабозлик, яхши емоқ, яхши ичмоқ, ўйин-кулги блан овора бўлиб турмушнинг бутун лаззат ва ма'носи шу деб билган амалдорга қараб нидо қилади, беҳуда гафлатда ётма, тур, турмуш лаззати бунда эмас, жабр-зулмдан долга келганлар арзига қулоқ сол, дейди.

Таржимон бу ше'рида фақат бир калима сўзни тўғри тушунмаганлигидан беш сатрлик ше'рнинг ҳаммасининг ма'носи тамомила бузилган, я'ни, „модабозлик“, „бузуқлик“, „қабохат“, „фаҳш“, „фосиқлик“ ма'носида бўлган „волокичество“ сўзини „сарсонлик“ ма'носида тушуниб, „ҳаётни бир қўғурчоқ каби сарсонликдан иборат билган“ деб ёзади ва Некрасов боғдан келса, таржимон тоғдан келади. Бу ше'рнинг таржимаси ниҳоятда бузуқ, ҳатто танқиддан тубан.

Мисолларни яна бирнеча мартаба кўпайтириш мумкин эди, лекин шу ҳам бас! Чунки бу хилдаги „нуқсонлар“ таржиманинг ҳаммасида бор.

Василий Андреевич Жуковскийнинг ўз таржимачилиги тўғрисида айтган ҳикматли гаплари эсимга тушди. У, таржимоннинг ижодини чақмоқ тошидан чиққан ўтга ўхшатади. Чақмоқ тоши бошқа бир тошга, ёки темирга урилмаса ундан ўт чиқмайди. Шунга ўхшаш менинг илҳомим ҳам чақмоқ тошидек бировларнинг „тошига“ урганда ўт чиқазади, деган ма'нода гапириб, менинг ше'рларимнинг бирқанчаси шундақа, бошқа тошга уриб чақмоқ чақиб чйқарилган ше'рлар дейди, я'ни таржима қилинган бўлса ҳам ўз илҳомимдан чиққан ўт, дейди. Бизнинг таржимонларимизнинг чақмоқ тошларидан ана шундай ўт чиқмоқ керак эди, лекин афсуски чиқмапти. Иккиннинг бири: ё тошлари чақмоқ тоши эмас, ё астайидил урмаганлар. Астайидил урмаганликлари тўғрироқ бўлса керак, чунки хомлик, ишланмаганлик, шошма-шошарлик ҳамма ше'рларда кўриниб турипти.

Ажабо шунча ше'р ичида ўқучиларга манзур бўладигани сра йўқми? Тўпламдаги ше'рлар таржимаси сифат жиҳатидан жуда ранг-баранг. Танқиддан тубан таржималар қаторида тузуқлари ҳам бор. Лекин ҳаммаси, беистисно деярлик, бадиийлик жиҳатдан Некрасовникидан анча паст, ҳатто Некрасов ше'рларига солиштиришдан қат'ий назар, бир ше'р деярлик даражадагидан паст турганлари ҳам бор. Ба'зида таржимонлар ҳиссиётга ҳеч етмайдиган, жонсиз, руҳсиз, ширасиз газет тили блан таржима қиладилар.

Таржиманинг соф ше'рий томонига, техникасига, қофия, вазн масаласига тақилмадим, чунки қўлимдан келмайди, буни ўз аҳларига ҳавола қилдим.

Тўпламга бағишланган сўз бошининг таржимаси тўғрисида ҳам батафсилроқ сўзлаш лозим эди. Аммо мақола чўзилиб кетганидан бу тўғридаги сўзимни қисқа қиламан: сўз бошининг таржимаси афсуски, ҳозир тилимизда жуда гвж олиб кетаётган хунук, ғализ таржима тилидан нарига бормайди. Масалан, „Ўз ше’рининг демократик йўналишини ўзгартиришни хоҳламаган Некрасов“ (9 бет). „Некрасов ўзини тушқун ҳолатда сезар эди“ (11 бет). „Некрасов қишлоқда ўз замонасидаги ижтимоий ҳаётни тиклай оладиган, янгилай оладиган лаёқатли ҳақиқий кучларни кўрди“ (15 нчи бет). „Лойиқ граждандар“, „Сихркор манзаралар“ ҳоказо ва ҳоказо.

Сўнгра тўпламнинг яна бир ниҳоятда муҳим камчилиги бор. Некрасовнинг ба’зи ше’рлари „шикаст“ ма’ноли бўлгани ма’лум. Шунинг учун рус тилида ҳам унинг ше’рларига шарҳ берилмаса, ба’зи ше’рларининг тарихи, қайси муносабат блан ёзилганлиги гушунтирилмаса, адабиётдан пухта ма’лумоти бўлмаганлар ба’зи ше’рларнинг мазмунига етолмайдилар. Ўзбек ўқучисига келсак бу хил изоҳлар мутлақо ҳамма ше’рларга керак. Изоҳ ва шарҳлар ше’рларни тушунишга ёрдам бериши блан бирга шоирнинг хусусий ҳаётидан, яшаган давридан ҳам кўп ма’лумот берарди. Ўзбек ўқучиси учун эса бу хил малумотларнинг аҳамияти жуда катта. Лекин нечундир таржимон ва мўҳаррирлар буни кераксиз топидирлар.

М. АФЗАЛОВ

ИСЛОМ ШОИР ҲАҚИДА

„Бечечавни шоир деманг ёронлар,
Ҳар сўзида юзминг ма'но бўлмаса“.

(Ислом шоир)

Ислом шоир узининг бир термасида бу фикрни уқдириб, халқ шоирларининг ижодий ишида катта талабни қўяди. Ҳақиқатан, узининг дoston ва термаларида халқнинг орзу-умидларини куйлаб, хизмат қилиб келаётган кекса халқ шоири-бахшиларидан бири Ислом шоир Назар ўғлидир. Ислом шоир 75 ёшдан ошган бўлишига қарамай, омма орасида тарихий ва бадиий қийматга эга бўлган ва ҳозирги замон, термаларида фольклор асарларини ижод этиб, айтиб келади. Самарқанд областидаги Каттақўрғон, Хатирчи, Нарпай район колхозчилари Ислом отани яхши танийдилар. У жойлардаги меҳнаткашлар Ислом отанинг дoston ва қўшиқларини тез-тез эшитиб турадилар. Районнинг узоқ қишлоқларида ҳам Ислом шоир ўз дўмбираси билан сайлов ва совет халқининг қаҳрамонлиги ҳақида куйлар, халқни меҳнатда илғор бўлишга ундайди.

Ислом шоир Улуғ Ватан уруши йилларида ҳам бирнеча асарлар ижод қилди. Булардан „Қаҳрамоннома“ ва „Жангнома“ номли икки кичик шеърлар тўпламини кўрсатиш мумкин. Бундан бошқа русча „Жанговар ўлка“ номли шеърлар тўплами ҳам нашр этилди. Ислом шоирнинг „Орзигул“ дostonи энг севимли лирик дostonлардан бири бўлиб анча йиллардан бери қизиқиш билан ўқилиб келади.

Булардан бошқа Ислом шоир яна бирқанча шеърлар ижод этди ва булардан баъзи бирлари газета журналларда босилди. Ислом шоир 1872 йилда Самарқанд области Нарпай райони Оқтош қишлоқ советига қарашли Галақассоб қишлоғида батрак oilасидан дунёга келган.

Ёшлигида ота-онаси қўлида тарбияланади. Отаси бойлар қўлида ишлаб, қарамоғида бўлган 8 жонни зўрға боқади. Ислом

ота, ёшлигида чўпон бўлиб ишлар ва шоирликка ҳам зўр ҳавас қўйган эди. Уз қишлоғига келган халқ шоирларининг дoston ва термаларининг завқ блан тинглар, улар блан бирга кўп суҳбатларда бўлар эди. Ёшлик чоқларида кечирган турмушнинг оғир кулфатларини дўмбира орқали қўйлаб, ўзини ва ўртоқларини юпатар ва уларда ҳам шу сан'атга ҳавас уйғотарди. шунинг учун ёш Ислomнинг ўз тенгқурлари, дўстлари ўртасида обруйи яхши эди. У, халқ шоирларидан турли мавзуларда бўлган терма, қўшиқ, дostonлардан парчаларни урганиб олар ва уларни қайта-қайта куйга солиб айтиб келар эди.

Ислom шоирда халқ поэзиясига ҳавас кучайди. Борган сари ўз ижодини ажойиб мазмунли дoston ва қизиқ термалар блан бойитади. Шунинг блан ўзи ҳам янги-янги қўшиқлар тўқийди.

Ислom отанинг бобоси Ражаб шоир Ҳайитмурод ўғли, ўз даврининг отоқли халқ шоирларидан бўлиб 99 ёшга кириб ўлган экан. Ражаб шоир Самарқанд, Бухоро, Қарши, Чоржўй ва бошқа шаҳар, районларда кўп бўлган, халқ орасида анча танилган халқ шоири эди. Ислom шоирнинг бобоси ўз даврида бир неча шоғирдларни тарбиялаган.

Ислom шоир ижодида бобоси Ражаб шоирнинг та'сири бўлган. Ражаб шоир Каттақўрғон район „Энам яхши“ қишлоғидан Каримлавакни, зиёуддинди Ҳайдар шоирни, Нарпай район ўғронғулдон қишлоқли Эдига шоирни ва шулар каби бошқа таланти халқ шоирларини етиштирган. Улар ҳам ўз навбатлари блан бир қанча шоғирдларни тарбиялаганлар.

Ислom шоир ижодига бир қанча шоирларнинг та'сири ва ёрдами бўлади. Масалан, Ҳайдар шоир, унинг укаси Пардабой шоир Ҳайдар шоирнинг хотини Зулфия-шоира, Тўхтамиш шоир, Эрناзар шоир, Жуманбулбул ва бошқалар.

Ислom шоирдаги бўлган таланти сезган Эрназар шоир уни ўз тарбиясига олади. У вақтда Ислom ота 24 ёшда эди. Устози Эрназар шоирнинг ёрдами натижасида, Ислom шоир диққат қилиб бирқанча дoston, термаларни урганиб олади. Бу дostonларни ижро этиш техникасини куйлаш мотивларини яхши билиб олади. Икки йил Эрназар тарбиясида бўлиб, кейин устозидан фотиҳа олиб, мустақил равишда дoston айтадиган халқ шоири бўлиб етишади.

Эрназар шоирнинг отаси ўғлининг шоир бўлишига қаттиқ қаршилик кўрсатган. Бу ҳунарни ташласин деб, ҳаттоки бир кун отаси ўғлига сурма ҳам ичиртган. Шундай бўлишига қарамай, Эрназар шоирлик касбини давом этдирган ва ўз ижодини кундан-кун бойитган.

Эрназар шоирнинг донғи Қашқадар'ё, Бухоро, Самарқанд атрофларига кенг тарқалади. Ислom шоирнинг айтишича, устози Эрназар Хидир ўғлининг устози Отаниёз шоир чоржўйлик бўлиб, дотор блан дoston айтар экан. Отаниёзнинг ижодида; „Ойдин ошиқ“, „Ғули санубар“ „Хурлиқо-Қосимхон“ каби дostonлар бор бўлиб, бу асарлар туркман бахшилари ижодида ҳам кенг тарқалган. Ўзбек, туркман бахшилари ижодида муштарак бўлган

Бирқанча қахрамон ва ишқий лирик дostonлар бизга ма'лумдир. Бу дostonлар халқ шоирлари ижодига ёзма, ёки оғзаки традиция йўли билан ўтгандир.

Демак Ислom шоир ижодига биз бобоси Ражаб шоир, устози Эрназар шоир, ва бошқа халқ шоирларининг асарларини та'сир этганини кўрамиз. Мана шу традиция асосида ўзи ҳам янги-янги асарлар ижод этади.

Ислom шоир амакисининг икки ўгли Раҳмонқул ва Намоз шоирлар ҳам ўз даврида халқ орасида машҳур бўлганлар. Ислom ота булардан „Қундуз билан Юлдуз“ ва „Гўр ўглининг боғ Равшан шаҳрига Гули Рухсор пари учун боришини“ ўрганган ва бошқатдан ишлаб чиққан.

Ислom шоир „Ойтўра ва Мастура“ номли ҳикояни ўзи дoston ҳолида ишлайди. Шундай қилиб ўтмишдан маданий ва тарихий мерос бўлиб келган 20 дан ошиқ дostonларни ўрганиб, айтиб куйлаб келади. Ислom шоир репертуарида бўлган дostonлар: „Алпомиш“, „Рустомхон“, „Зулфиқор билан Авазхон“, „Гулихиромон“, „Қунтуғмиш“, „Холбика“, „Орзигул“, „Эрали ва Шерали“, „Сайёдхон“, „Ширин билан Шакар“, „Жаҳонгир“, „Ҳасанхон“, „Соҳибқирон“, „Дўнанхон“, „Якка Аҳмад“, „Рустам Жаллод“, „Холдорхон“, „Равшахон“, „Нурали“, „Қосимхон“, „Гўр ўгли“ ва бошқа дoston, термаларни яхши билади.

Бу дostonларнинг кўпчилиги бошқа халқ шоирлари ижодида бўлса ҳам Ислom шоир бу дostonларни ижодий қайтадан ишлаган, ўз ҳиссасини қўйган ва уни жуда маҳорат билан куйлаб беради. Шунинг учун ҳам унинг дostonлари халқ орасида тез тарқалади ва юксак баҳони олади.

Ислom шоир айниқса Улуғ Ватан уруши йилларида колхозчилар орасида катта маданий хизмат олиб борди. Самарқанд областидаги узоқ район, қишлоқларга бориб адабий кечалар ўтказди, ва ҳозир ҳам ўтказмоқда.

У, ўзининг ижодини янги тематика билан бойитмоқда. Қизил Армия, Совет Иттифоқининг қаҳрамонлари ва маршалларига бағишлаб бирнеча ше'рлар ижод этди. Бундан бошқа мамлакат ичкарисида меҳнат фронтининг илғорлари ҳақида, совет чўпонларига бағишлаб асарлар яратди. Бу асарларнинг кўпчилиги газета ва журналларда нашр этилди. Ислom шоир ижоды кейинги йилларда анча ўсди. Унинг тематикаси ҳам янги мазмунга эга бўлди.

Ислom шоир ижодига айниқса мароқли ше'рларидан „Яша, эй, Москва“, „Жаҳон янчар гитлерчини беомон“, „Совет чўпонларига“, ва „Сталин ҳақида қўшиқ“ ше'рларини кўрсатиш мумкин.

1946 йил май ойида Ислom шоир Москвага, СССР халқлари ижоди олимпиадасига қақрилади. Халқ шоирларининг ижодий кўригида ўз сан'ати билан қатнашиб анча яхши баҳони олишга муяссар бўлади.

Ислom шоир ўша йил ғалаба кунининг байрам маросимларида иштирок этади. Москваликлар олқишига сазовор бўлади. Москва таасуротини Ислom ота, ўзининг „Москва шаҳрини кўрдим“ термасида куйлайди.

Кундуздай равшандир ҳамма жойлари,
Қушдан олдин юрар трамвайлари,
Мунаққошли-каштаврли жойлари
Кеча-кундуз ойдин шаҳарни кўрдим.

Москвада кўп кўрдим нақшли иморат,
Доҳим Сталиндан бўлди башорат.
Ленин доҳим қабри қилдим зиёрат,
Янги дунё тузган раҳбарни кўрдим.

Улуғ доҳим влу юртим посбони,
Пўлатдан мустаҳкам ҳарбир кўргони,
Бу шаҳарни кўрганнинг йўқ армони,
Жаҳонга нур сочган Москвани кўрдим.

Ислом шоир ҳарбир қўшиғида совет халқининг қаҳрамонлиги, Қизил Армиянинг қудратли, ёшларнинг ғайрати, социалистик меҳнат соҳасилаги фидокорлик, СССР халқлари орасидаги дўстлик ҳақида куйлайди. Масалан у ўзининг „Қудратли Қизил Армия“ термасида:

Сталиндай буюк доҳий, нузли қуёш бизда бор,
Ворошиловдай шер юракли маршаллар ҳам бизда бор.
Икаловдай мард юракли қаҳрамонлар бизда бор,
Чапаевдай ёвви қирган паҳлавонлар бизда бор,
Ватанимизнинг қаҳрамони Қизил қўшин бизда бор“.

деб куйлайди. Бундан ташқари ёшларга насиҳат қилиб, „Жангчи комсомоллар“ қўшиғида уларни қаҳрамон бўлишга чақиради.

Сталиндай сўздан қайтмас шер бўлинг,
Жанг оралаб душман бошини юлинг,
Ватан учун хизматда содиқ тулинг,
Куч беринг, азамат ленинчи ёшлар!“

каби термалар, қўшиқлар Ислом шоир ижодида кўп учрайди. Ҳазир Ислом ота ўз районияда янги-янги асарлар ижод этмоқда. Ўзбекистон Совет ёзувчилар Сюзун, Ислом шоир ва бу каби халқ орасидан чиққан талантларни тарбиялаш ишига ва уларнинг ижодига алоҳида аҳамият ва эʼтибор бериши керак.

МУНДАРИЖА

Степан Шчипачев—Шушендаги кичик уй	3
Абдулла Қаҳҳор—Қўшчинор (роман)	8
М. Шолохов—Улар Ватан учун жанг қилдилар	17
Мирмуҳсин—Уста Ғиёс (поэма)	28
М. Бобоев—Ёшларга	43
А. Бобожон—Овозим	45
Ж. Шарифий—Москвани кўрганда	46
Ғиёни Мирза—Шунинг ўзи бахт (очерк)	48
Ҳ. Ҳомидий—Зебиннисонинг ижоди	56
Наби Алимухаммедов—Таржима сав'ати тўғрисида ба'зи мулоҳазалар .	70
М. Афзалов—Ислом шоир ҳақида	84

РЕДКОЛЛЕГИЯ: *Оббек (мас'ул муҳаррир), Ғофур Ғулом, Яшин, Уйғун, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзодо, Ж. Шарифий, М. Ашрафий, Сами Абдуллаев.* Мас'ул секретарь: *Ма'руф Лоқим.*

Обложка, титул рассом А. Д. Петросовники

На узбекском языке

„ШАРК ЮЛДУЗИ“

№ 1

Орган Союза Советских Писателей Узбекистана

Объединенное издательство „Правда Востока“ и „Кзыл Узбекистан“

Ташкент—1947

„Шарк Юлдузи“ редакциясининг адреси:

Тошкент, Биринчи май кўчаси, уй № 20. Телефон 33-881.

Босишга рухсат этилади 13/III-47 й.да. Р 63101. Қоғоз формати 60x92/16. Босма листи 5,5
Бир листда 47000 ҳарф. Тиражи 3000. Изд. 189. Баҳоси 6 сўм.

Тошкент, „Кивил Узбекистан“ ва „Правда Востока“ нашрият ташкилоти. Заҳл 916.